Tadqiqotchilik – ilmiy-pedagogik tadqiqot metodlarini egallash va o'quv-tarbiyaviy jarayonga, o'qituvchining ijodiy ishini ta'minlaydigan, tadqiqot elementlarini kiritish bilan bog'liq.

Mazkur funksiyalar pedagogika oliy ta'lim muassasasida talabalarning metodik tayyorgarligiga talablarni belgilaydi.

Informatika o'qituvchisining maxsus kasbiy kompetensiyalari oliy ta'lim muassasalarida pedagog tayyorlashni loyihalashtirishda asos uchun olingan va quyidagi mazmuniy liniyalarga birlashtirilgan: bo'lajak o'qituvchi faoliyatining asosiy turlarini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bazaviy (dunyoqarashga oid, kommunikativ, refleksiv va zamonaviy axborotlashgan jamiyatda informatika o'qituvchisining faoliyatini amalga oshirishga yordam beradigan kasbiy-yo'nalishli (dasturchi pedagog, metodik, axborot-kompyuter).

Innovatsion iqtisodiyot, axborotlashgan jamiyat sharoitida informatikaning zamonaviy mutiaxassis tayyorlashdagi roli tobora ortib bormoqda. Ta'lim tizimi "mahsul"ning iste'molchilari ish beruvchilar bo'lib, ularning yosh mutaxassislarga talablari bugungi kunda faoliyat usullari va amaliy tayyorgarlikka xos ("qobiliyat", "tayyorlik", "malaka", "ko'nikma" va sh.k.) terminlarida mujassamlashadi. bular: axborot bilan ishlash qobiliyati; jamoada ishlash malaka va ko'nikmalari; o'zini o'zi rivojlantirish va uzluksiz o'z-o'ziga ta'limga tayyorlik; nstandart vaziyatlarda harakatlanishga qodirlik. o'sib kelayotgan avlodning sanab o'tilgan kasbiy faoliyat usullari va shaxsiy sifatleri informatika o'qituvchisi tomonidan, maktab davridanoq, o'z o'quvchilarida shakllantirib borilishi lozim. Shunga ko'ra, ta'lim tizimining markaziy bo'g'ini hisoblanadigan, bo'lajak informatika o'qituvchisining aynan aga talab tobora ortib bormoqda.



1-rasm. Jamiyatni axborotlashtirish sharoitida informatika o'qituvchisining kasbiy kompetentligi strukturalari

Xulosa. «O'qituvchining metodik kompetentligi» tushunchasi, shuningdek, uning turlarining turli talqinlarini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, turli ta'rif, talqinlar bir-biriga jiddiy qarama-qarshilik keltirib chiqamaydi. Shu sababli «metodik kompetentlik» tushunchasining invariant yadrosini (komponentlarini) ajratamiz va shunday invariant yadroni yaxlitligicha o'z ichiga olgan ta'rifni taklif qilinadi. Ko'plab tadqiqotchilar o'z ta'riflarida o'qituvchining metodik kompetentligini o'qituvchining ilim, malaka va ko'nikmalari; mustaqil metodik faoliyatga tayyorligi; ma'lum shaxsiy fazilatlar (sifatlar) bilan bog'laydi.

Adabiyotlar:

1. Vasilyeva, T. I. (2008). Dinamika professionalnoy samoeffektivnosti budushhego pedagoga-psixologa. Moskva: Mosk. gos. ped. universitet.
2. Verbiskiy, A. A. Lichnostniy i kompetentnostniy podxodi v obrazovanii: problemi integratsii / A. A. Verbiskiy, O. G. Larionova.-M.: Logos, 2009.- 336 s.
3. Adolf, V. A., & Savchuk, A. N. (2014). Prognozirovaniye stanovleniya professionalnoy kompetentnosti vipusknika vuza.
4. Stefanova, N. L., & Podxodova, N. S. (2008). Metodika i texnologiya obucheniya matematike.
5. Djurayev R. Ta'limda interfaol texnologiyalar. – Toshkent, 2010. – 87 b.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada bakalavriatning “Pedagogika” ta'lim yo'nalishida asosiy ta'limiy dasturlarni o'zlashtirish natijalariga talablar informatika sohasi bo'yicha bakalavr, yo'nalishi, kasbiy faoliyat vazifalari va asosiy ta'limiy dastur maqsadlariga muvofiq, egallashi lozim bo'lgan kompetensiyalar ro'yxati ko'rinishida keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье требования к освоению основных образовательных программ бакалавриата по направлению «Педагогика» представлены в соответствии с целями бакалавриата в области информатики, профессиональной деятельности и целями основной образовательной программы, представленными в виде перечня компетенций.

SUMMARY

In this article, the requirements for the development of the main educational programs of the bachelor's degree in the direction of «Pedagogy» are presented in accordance with the goals of the bachelor's degree in the field of computer science, professional activity and the goals of the main educational program, presented in the form of a list of competencies.

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Холмуродов А.Ш.

*Жиззах вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази
директори, иқтисод фанлари номзоди*

Таянч сўзлар: ижтимоий имидж ва кооперация, ўқитувчилар салоҳияти, тингловчи салоҳияти ва эҳтиёжлари, академик ва молиявий мустақиллик, ресурсларни бошқариш, ассессмент, мониторинг, коррекция.

Ключевые слова: социальный имидж и сотрудничество, потенциал учителя, потенциал и потребности аудитории, академическая и финансовая независимость, управление ресурсами, оценка, мониторинг, коррекция.

Key words: social image and cooperation, teacher potential, audience potential and needs, academic and financial independence, resource management, assessment, monitoring, correction.

Нодавлат таълим ташкилоти - давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тарти-

бида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс ҳисобланиб, уларда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий тартиби ва принциплари алоҳида ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Кузатишларимиз давомида муаммонинг бошқа бир жиҳати, яъни нодавлат таълим ташкилотларида малака ошириш жараёнларини, хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари педагогларининг малакасини ошириш жараёнларини ташкил этишнинг ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-педагогик ғояларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқотчилар Н.А.Кудрявцева, А.Ю.Трутнев, Р.Джураев, С.Турғунов, Ш.Мардонов, Н.Муслимов, Ф.Закирова, А.Асқаров, Т.Шоймардонов ва бошқалар педагог кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларида, малака ошириш жараёнларини яхлит тизим сифатида олиб қараб, бунда электрон таълим муҳитининг яратилганлиги, педагогик мониторинг, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш имкониятлари, жараёнларни тизимли, функционал-ташкилий бошқариш механизмларини жорий этиш билан боғлиқ илмий-педагогик ғояларини илгари суради.

Хусусан, Р.Джураевнинг фикрича, мураккаб педагогик тизим ҳисобланган малака ошириш тизимининг асосий компонентларига: таълим муассасасида ташкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглари, очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илғор педагогик технологияларни оммалаштириш, ўқитувчилар томонидан тайёрланадиган методик маҳсулотлар, жумладан, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотлар ҳамда масофадан ўқитишни киритиш мумкин. Ихтиёрий тизимнинг ташкил этувчи компонентларидан бири, дейди олим, мазкур тизимнинг ўзгаришига ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга тизимли ёндашувни жорий этиш зарур.

Тадқиқотчи З.Салиеванинг фикрича, бугунги кунда жаҳон таълим тизимида мустақил таълим олиш муҳим ўрин тутди. Ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги таълим олувчиларни мустақил таълим олиш борасидаги имкониятларини янада кенгайтирди. Шу сабабли аксарият таълим муассасаларида ахборот технологиялари хизматида фойдаланилган ҳолда таълим олувчиларга мустақил таълим олиш имкониятлари яратилмоқда. Мустақил таълим шахсининг муайян мақсад, йўналиши ёки мавзу асосида илмий билимларни ўзлаштириш йўлида амалга ошираётган саъи-ҳаракатларининг кўриниши сифатида, шунингдек, таълим олувчи учун қулай вақтда ташкил этилиши, шахсий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда билимларнинг ўзлаштирилиши билан тобора оммалашмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатларда мутахассисларнинг касбий малакаларини оширишда ҳам мустақил таълимдан самарали фойдаланилади.

Мазкур илмий изланишлар натижаларини контекстли таҳлил қилганимизда, муаллифлар томонидан айнан педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ йўналишлари қуйидаги блокларга ажратилганини кўриш мумкин:

- ташкилий-бошқарув (норматив-ҳуқуқий асос, бошқарув тузилмаси, сифат менежменти тизими) механизмлари;
- педагогик (таълим мазмуни, шарт-шароитлар, ўқитиш технологиялари, воситалари, назорат ва баҳолаш мезонлари, усуллари) лойиҳалаштириш ва моделлаштириш билан боғлиқ механизмлар;

- педагогик-психологик қўллаб-қувватлаш (фасилитация, консальтинг, тьюторлик ва бошқ.) механизмлари.

Касбий-педагогик таълимдаги трансформацион жараёнлар ҳамда фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, педагог кадрлар малакасини оширишнинг квалиметрик ва маркетинг механизмларини такомиллаштириш малака ошириш жараёнларини тингловчининг асосий эҳтиёжларини қондириш учун зарурий шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган фаолият сифатида қараб, уларни ривожлантиришни талаб этади.

Шунинг учун нодавлат таълим ташкилотлари малака ошириш жараёнларини ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштиришда, аввало талабларни умумлаштириш, вазиятни моделлаштириш, тингловчиларнинг ижодий-касбий янгиланишлари, инновацион технологиялардан фойдаланишлари, ўз ўзини англаши ҳамда қўллаб-қувватланиши учун ижодий-касбий таълим муҳитини яратиш билан боғлиқ масалаларни қўя олиши зарур.

Шундай экан, нодавлат таълим ташкилотларидаги малака ошириш жараёнида барқарорликни қўллаб-қувватлашни режалаштириш, тизимли амалга ошириш, мониторингини олиб бориш ҳамда инновацион анъаналарни яратиш билан боғлиқ жиҳатларга ҳамда замонавий таълим хизматларини кўрсатиш учун нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бизнинг назаримизда, нодавлат таълим ташкилотларидаги малака ошириш механизмларини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириб бориш қўйидаги омилларга бевосита боғлиқ бўлади (1-расм).

Давлат талаблари-малака ошириш жараёнида меҳнат бозорининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, тингловчиларнинг касбий тайёргарлик мазмуни, умумкасбий, мутахассисликка оид ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўнмма ва компетенцияларга қўйиладиган минимал талаблар мажмуидир.

НТТ да малака ошириш жараёнлари механизмларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар (1-расм)

НТТда педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар			
Таълим хизматлари сифати ва унинг мослашувчанлиги	Инфратузилма, ҳудудий жойлашув	Ижтимоий имидж ва кооперация	Ўқитувчилар салоҳияти
Тингловчи салоҳияти ва эҳтиёжлари	Академик ва молиявий мустақиллик	Ресурсларни бошқариш, бенчмаркинг	Ассессмент, мониторинг, коррекция

Давлат талаблари малака ошириш жараёнларини такомиллаштиришда муҳим ташкилий-бошқарув механизми бўлиб, эҳтиёжлар ва ижтимоий буюртма асосида доимий ўзгариб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Малака ошириш йўналишида давлат ва нодавлат таъ-

лим ташкилотлари ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини Давлат талаблари асосида тасдиқлайди.

Инновацион инфратузилма, бошқарув тизими – нодавлат таълим ташкилотларининг трансформацияси, халқаро моделларга интеграцияси ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек муассаса инновацион фаолиятини амалга ошириш учун зарурий шароитлар мажмуасини қамраб олади. Инновацион инфратузилма нодавлат таълим ташкилотининг эркин фаолият юритиши учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий метёрларнинг белгиланиши, таълим хизматлари диверсификацияси учун яратилган шароит, интеллектуал марказлар, технопарклар, инновацион стартаплар

каби янги лойиҳаларни амалга оширилишини қўллаб-қувватловчи, ташкилий-педагогик шарт-шароитлар ҳамда ўзгаришларини бошқаришга йўналтирилган менежмент тизимларини акс эттиради.

Ижтимоий имидж – таълим муассаси тўғрисида жамоатчилик, ҳамкорлар, оналар ва ижтимоий институтлар тассавурида шаклланган образ, киёфадири. Таълим ташкилотининг ижтимоий имиджи унинг фаолият йўналишлари, миссияси, ҳамкорлиги, турли ижтимоий лойиҳалардаги фаол иштироки, ПР менежменти натижасида шаклланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича (Е. Петрова, А.Ю. Панасюк, В.М. Шепель, О.М. Огарева, Е.Б. Перельгина ва бошқалар) таълим ташкилотининг ижтимоий имиджини шакллантириш тизимли жараён бўлиб, бунда ташкилот имиджи раҳбарнинг шахсий имиджига ва аксинча, раҳбар имиджи ташкилот имиджига бевоқиф таъсир кўрсатади.

Академик даража – таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва тренерларни жалб этилганлиги; ўзаро қелишувлар асосида хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари ва марказлари билан академик мобилликни амалга ошириш, таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш, шунингдек информал ва ноформал малака ошириш шакллари жорий этиш, соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш соҳасидаги мустақиллиги, рейтинг кўрсаткичлари билан белгиланади.

Молиявий стратегиялар – таълим хизматлари бозоридаги талабни ўрганган ҳолда, тингловчилар учун ўқиш қийматини белгилаш, тижоратлаштириш фаолиятини ривожлантириш, қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш, ижтимоий сўровлар асосида таълим хизматлари сифатини баҳолаш ва ўзгаришлар киритиб боришдан иборатдир.

И.Сираджев тадқиқотларида мактаб молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омиллар сифатида қуйидагиларни илгари суради: 1) Давлат таълим сиёсати ва таълим институтларининг фаолияти; 2) Мактаб раҳбариятининг иқтисодий-молиявий компетенцияси; 3) Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг молиявий саводхонлиги; 4) Атроф-муҳит (худуд ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий) ҳолати.

Ушбу омиллардан энг муҳимларидан бири мактаб директорининг иқтисодий-молиявий компетенцияси ҳисобланади, дейди тадқиқотчи. Дарҳақиқат, таълим муассасасини молиялаштириш стратегиялари ҳамда унинг самарадорлик даражаси хусусида сўз борганда, ташкилот раҳбарининг компетентлиги жараён сифати ва самарадорлигига таъсир этувчи муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотларимиз жараёнида нодавлат таълим ташкилотларидаги таълим жараёнларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллардан бири сифатида молиявий йўналиш белгиланди.

Ўқитиш технологияларининг акмеёйналганлиги – бунда нодавлат таълим ташкилотларидаги таълим мазмунини эҳтиёжларга йўналтирилганлиги ҳамда ўқитиш технологияларининг тингловчиларнинг мавжуд иш тажрибаси, ижтимоий статуси ҳамда малака оширишдан кутаётган натижаларидан келиб чиққан ҳолда шахсий ва касбий ривожланишга йўналтирилиши, тингловчиларнинг касбий фаолият соҳасидаги методологик, ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий, ижтимоий фаоллик, касбий-педагогик, методик, техник-технологик, креативлик, коммуникативлик, интеллектуал-иждоий компетентлигини (soft skills) ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фасилитациянинг йўлга қўйилиши билан тавсифланади.

Вариатив ахборот-дастурий таъминот – бу шахсга йўналтирилган ёндашув тамойиллари асосида, тингловчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, малака ошириш жараёнлари траекторияси ва мазмунини ўзгартириш ҳамда тўлдириб бориш имконини берувчи жараён ҳисобланади. Таълимдаги вариатив ёндашув термини педагогикадаги янги йўналишлардан бири бўлиб, бунда тингловчи/таълим олувчи учун таълим имконининг борлиги муҳим аҳамият касб этади.

Вариатив ёндашув асосидаги таълим ва унинг ахборот таъминоти малака ошириш таълим дастурларининг инвариатив (ўзгармас) қисмидан фарқли ўлароқ, тингловчиларнинг индивидуал-касбий ривожланиш траекториялари, таълимий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Тадқиқотчи В. И. Пановнинг фикрига кўра малака ошириш жараёнларига вариатив ёндашувнинг жорий этилиши катталар таълимидаги (андрагогика) ёш ва тажрибага оид психологик барьерларни йўқотиш, ўқитиш жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш, шунингдек, тингловчиларнинг таълим жараёнларига ва унинг талабларига мослашувчанлигини ошириш имкониятини беради.

Шу нуктаи-назардан, таҳсиллар асосида нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта таълим педагогларининг малакасини оширишнинг ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштириш жараёнларини моделлаштиришда Давлатнинг ижтимоий буюртмаси, таълим хизматлари истеъмолчиларининг (иш берувчилар, тингловчилар) эҳтиёжлари ҳамда меҳнат бозорининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, жараён тузилмаси ишлаб чиқилади.

Шундай қилиб, фикримизча, нодавлат таълим ташкилотларида педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларининг ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштириш мазкур жараёнда Ҳаёт давомидаги узлуксиз таълимни ташкил этишнинг замонавий ёндашувлари, инновацион технологияларидан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Шу билан бирга, мазкур жараёнда таълим малака ошириш таълимини ташкил этишнинг дидактик талабларига, технологик тизимини амалиётга жорий этиш методикаси, таълим мазмуни ва унинг ахборот-методик таъминотини вариативлиги ва мослашувчанлигига, таълим сифати менежменти тамойилларини жорий этиш орқали, таълим хизматларининг самарадорлик ва натижадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022 - 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-134- сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 25-сон қарори/Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2022 й., 09/22/25/0033-сон.
3. Асқаров А. Халқ таълими ходимлари малакасини масофадан ошириш тизимини такомиллаштириш. Пед. фан. фал. док. ... дисс. – Т.: - 2017.
4. Джураев Р., С.Тургунов. Таълим менежменти, 176 бет.
5. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий кадрлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш (Монография). – Тошкент: Фан, 2006.
6. Панов В. И. Дидактические и психологические основания современных образовательных систем // Дополнительное образование. – 2003. – № 6. – С. 3–7
7. Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. фанлари бўйича фан доктори (DSc). ... дисс. – Тошкент, 2017. – 108-110 б.
5. Сираджев И.Т. Умумий ўрта таълим ташкилотларининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш. Пед. фан. фал. док.(PhD) ... дис. автореф. –Т., 2022.
6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

7. <https://www.edu.uz/>

8. <https://www.uzedu.uz/>

РЕЗЮМЕ

Мақолада нодавлат таълим ташкилотларининг кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиши билан боғлиқ талаблар, педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ йўналишлар, нодавлат таълим ташкилотларидаги малака ошириш механизмларини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириб қабил масалаларга тўхталиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены требования, связанные с оказанием негосударственных образовательных услуг по повышению квалификации и переподготовке кадров негосударственными образовательными организациями, направления, связанные с совершенствованием механизмов организации и управления процессами повышения квалификации педагогических кадров, совершенствованием обсуждаются механизмы повышения квалификации в негосударственных образовательных организациях на основе инновационных подходов.

SUMMARY

The article considers the requirements associated with the provision of non-state educational services for advanced training and retraining of personnel by non-state educational organizations, areas related to the improvement of the mechanisms for organizing and managing the processes of advanced training of teaching staff, the improvement mechanisms of advanced training in non-state educational organizations based on innovative approaches are discussed.

TALABA YOSHLARDA MA'NAVİY AHLOQIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOİY OMILLARI

Nomozov Sh.

*Toshkent davlat pedagogika universiteti “Yoshlar bilan ishlash,
ma'naviyat va ma'rifat” bo'limi metodisti*

Tayanch soʻzlar: talaba, liderlik, volontiyorlik, kreativlik, intellektual, pedagog, psixolog, demokratik, adolatlilik, tashabbuskorlik, ma'naviyat, ma'rifat, yoshlar.

Ключевые слова: студент, лидерство, волонтерство, творчество, интеллектуал, педагог, психолог, демократизм, справедливость, инициатива, духовность, просвещение, молодежь.

Key words: student, leadership, volunteering, creativity, intellectual, teacher, psychologist, democratism, justice, initiative, spirituality, education, youth.

O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosati tizimida olib borilayotgan islohotlarning bosh negizida mamlakat buguni va kelajak poydevori bo'lgan – yoshlarning ma'naviy ahloqiy sifatlarini rivojlantirish orqali tarbiyalash dolzarb masala sifatida ilgari surilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti yoshlarning ma'naviy ahloqiy sifatlarini rivojlantirish masalasiga to'xtalib o'tar ekan: 2020 yil 29 dekabr kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasi[1]da: “jamiyat taraqqiyotida uning kelajagini ta'minlaydigan yosh avlodning sog'lom va barkamol bo'lib voyaga yetishi hal qiluvchi o'rin tutadi. Shu sababli biz islohotlarimiz ko'lamini va samarasini yanada oshirishda har tomonlama yetuk, zamonaviy bilim va hunarlarni puxta egallagan, azmu shijoatli, tashabbuskor yoshlarimizga tayanamiz[1]” degan ushbu murojaatlari zahirida ham ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan yosh-avlodni ma'naviy ahloqiy sifatlarini rivojlantirish orqali kamol tolishi muhim ahamiyat kasb etadi[1].

Yangi O'zbekiston sharoitida yoshlarga oid davlat siyosati yoshlarda mustaqil faoliyat, yangi davrga mos keladigan ijtimoiy-ma'naviy xislatlarni, xususan, globallashtirish sharoitida muhim ahamiyat kasb etadigan milliy o'zlikni anglashning nazariy-metodologik va amaliy

asosini tashkil qiladi. Uning shu yoʻnalishdagi mohiyati siyosatshunoslik fanlari doktori S.A. Joʻrayevning yoshlar davlat siyosatining taʼrifida ochib berilgan: “Yoshlar siyosati bu jismonan va ruhan sogʻlom milliy-etnik genofondni saqlash, qayta ishlab chiqarish, rivojlantirishga, intellektuallashtirish, ijtimoiylashtirish darajasini yaxshilash hisobiga uning salohiyati va mobilligini oshirishga, har bir yoshni faol jamiyat aʼzosi, uygʻun rivojlangan shaxs sifatida yetishib chiqish jarayonlarini ragʻbatlantirishga qaratilgan ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-huquqiy, madaniy-maʼnaviy shart-sharoitlar majmuini yaratish sari maqsadli yoʻnalish olgan davlat va jamiyat, partiyalar va harakatlarning alohida siyosiy yoʻlidir”.

Shavkat Mirziyoyevning Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti sifatida birinchi imzolagan qonun hujjati – 2016-yil 14-sentabrda “Yoshlarga oid davlat siyosati toʻgʻrisida”gi Qonun ekanida ham ramziy mazmun-mohiyat mujassam. Binobarin, aholisining yarmidan koʻprogʻi yoshlardan iborat boʻlgan mamlakatda yoshlarga oid davlat siyosatini izchil amalga oshirish, yosh avlodni har tomonlama yetuk va barkamol, intellektual salohiyatli, oʻz qatʼiy pozitsiyasiga ega, yurtga amalga oshirilayotgan islohotlarga befarq boʻlmagan, yurtning ertangi munosib kelajagi uchun daxldorlikka tayyor, maqsadga intiluvchan, sergʻayrat, vatanparvar, sadoqatli, komil shaxslar sifatida tarbiyalash Oʻzbekistonni dunyoning eng rivojlangan davlatlari safidan oʻrin olishining muhim omili ekanini mamlakat rahbari va hukumat yaxshi anglaydi.

Alohida taʼkidlash joiz, “2017–2021-yillarda Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishi boʻyicha Harakatlar strategiyasi”da ham bu masala alohida oʻz aksini topdi. Jumladan, yoshlarning huquqlarini himoya qilishga qaratilgan quyidagi ustuvor vazifalar belgilandi:

birinchidan, jismonan sogʻlom, ruhan va aqlan rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qatʼiy hayotiy nuqtayi nazarga ega yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish;

ikkinchidan, oʻrta maxsus, kasb-hunar va oliy taʼlim muassasalari bitiruvchilarini ishga joylashtirish hamda xususiy tadbirkorlik sohasiga jalb etish;

uchinchidan, yosh avlodning ijodiy va intellektual salohiyatini qoʻllab-quvvatlash va roʻyobga chiqarish, bolalar va yoshlar oʻrtasida sogʻlom turmush tarzini shakllantirish, ularni jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2018-yil 27-iyunda imzolangan “Yoshlar – kelajagimiz” Davlat dasturi toʻgʻrisida»gi Farmon bu boradagi ishlar samaradorligini oshirishga qaratilgan muhim hujjat boʻldi. Farmon bilan “Yoshlar – kelajagimiz” jamgʻarmasi tashkil etildi va ushbu jamgʻarma yoshlarning biznes tashabbuslari, startaplari, gʻoyalari va loyihalarini amalga oshirish uchun tijorat banklari orqali yillik 7 foiz stavka bilan imtiyozli kredit va mol-mulki lizingga berishi belgilab qoʻyildi. Ushbu hujjatga eʼtibor qaratilsa, yoshlar tadbirkorligi va tashabbuskorligini kompleks rivojlantirish vazifalari aniq va tizimli belgilanganligini koʻrish mumkin.

Oʻz navbatida, Oʻzbekistondagi barcha oʻzgarishlarning negizi hisoblangan taʼlim-tarbiya tizimida ham tub islohotlar olib borilmoqda. Ayni vaqtda taʼlim, shu jumladan, ijtimoiy soha uchun xarajatlar miqdori davlat byudjeti xarajatlar umumiy qiymatining yarmidan koʻprogʻini tashkil etmoqda. Tabiiyki, har qanday davlat ham bunday katta xarajatlarni koʻtara olmaydi, ammo qanchalik ogʻir boʻlmasin, buning uchun zarur mablagʻ va resurslar izlab topilmoqda. Talaba-yoshlarda maʼnaviy ahloqiy sifatlarni rivojlantirishga taʼsir etish ahloqiy tarbiyalanish ham muhim oʻrin tutadi. Chunki, [2; 28-b.] “jamiyatning maʼnaviy kamoloti oʻz-oʻzicha, sitixiyali amalga oshmaydi. Har bir tuzum, davr muayyan maqsadlar, talab va ehtiyojlar asosida kishilarning maʼnaviy kamolotiga taʼsir koʻrsatadi,

unga mazmun va muayyan yoʻnalish beradi. Shunga asosan inson tarbiyasining biror tizimi, usullari va shakli kelib chiqishi” bilan ifodalangan[2].

A.Akramov[3; 16-b.] talabalar fuqarolik pozitsiyasi tarkibiy qisim-larga toʻxtalar ekan: ularni, xissiy-ahloqiy, intellektual, faoliyatli komponentlarga ajratadi va talabalarning fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirish jarayoni, tarkibi, mazmunining ilmiy-pedagogik asoslarini yoritib bergan[3].

A.Erkaev[4; 52-b.] oʻz ilmiy izlanishlarida “eʼtiqod dunyoqarashning, u orqali maʼnaviyatning oʻzagi sifatida voqelikka inson munosabatini, xulq atvorini, faolligini belgilaydi. Faollik uchun, ayniqsa ijodkorlik uchun oddiy ishonchga asoslangan ilm koʻp hollarda kamlik qiladi. Ijodkorlik va faollik ishonchning ixlos va ishq bilan boyitilishini taʼqozo etadi” deb ifodalagan[4].

J.Rumiy[5] oʻz asarida “jismaniy mansublik bilan birga ruhoni, maʼnaviy yaqinlikka ham ishonadi va u maʼno ahlini avliyo farzandi” deb eʼtirof etadi[6]. Chunki, yoshlar maʼnaviy-ruhiy yetukligi oʻz davrida mutaffakir asarlarida oʻz aksini topgan.

Shuningdek, talaba yoshlarda maʼnaviy ahloqiy sifatarni rivojlantirish avvalo, uning inividual sifatlariga etibor qaratishni nazarda tutadi. Shuning uchun olimlar tomonidan pedagogik amaliyotda individuallik pedagogikasiga oid qarashlarni koʻrib chiqish zarur.

Shu maqsadda, Oʻzbekiston Respublikasida Maktabgacha taʼlim vazirligi tashkil etildi, maktab taʼlim tizimi tubdan isloh qilinib, 11 yillik umumiy oʻrta taʼlim qayta joriy etildi. Viloyatlarda yangi oliy taʼlim muassasalari, ilmiy va ijodiy markazlar tashkil etilmoqda. Oliy oʻquv yurtlariga qabul kvotalari sezilarli darajada kengaytirildi. Sirtqi va kechki oliy taʼlim shakllari tiklandi. Keying 6 yil ichida 15 dan ortiq rivojlangan davlatlarning nufuzli universitetlari va 30 dan ortiq nodovlat oliy taʼlim tashkildotlariga litsenziya berilishi ham mamlakatda oliy taʼlim qamrovini rivojlantirish borasidagi ishlarning samarasidir.

Muxtasar aytganda, Oʻzbekistonda yoshlarga oid davlat siyosati aniq maqsadlarni koʻzlagan holda, bosqichma-bosqich, kompleks chora-tadbirlarga asoslangan holda izchil davom ettirilmoqda.

Bu borada Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev tomonidan ijtomo, maʼnaviy-maʼrifiy sohalaridagi saʼy-harakatlarni tizimli asosda yoʻlga qoʻyish boʻyicha 5 ta muhim tasabbusning ilgari surilishi Oʻzbekiston tarixida yoshlar taʼlim-tarbiyasi boʻyicha yana bir yangi bosqichni boshlab berdi.

Birinch tashabbus – yoshlarning musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va sanʼatning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, isteʼdodini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi.

Ikkinchi tashabbus – yoshlarni jismoniy chiniqtirish, ularning sport sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yoʻnaltirilgan.

Uchinchi tashabbus – aholi va va yoshlar oʻrtasida kompyuter texnologiyalari va internetdan samarali foydalanishni tashkil etishga qaratilgan.

Toʻrtinchi tashabbus – yoshlar maʼnaviyatini yuksaltirish, ular oʻrtasida kitobxonlikni keng targʻib qilish boʻyicha tizimli ishlarni tashkil etishga yoʻnaltirilgan.

Beshinchi tashabbus – xotin-qizlarni ish bilan taʼminlash masalalarini nazarda tutadi.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining bu ezgu gʻoyasi Oʻzbekiston xalqi, ayniqsa, yoshlari tomonidan katta qiziqish bilan qarshi olinib, qisqa vaqt ichida mamlakat boʻylab keng quloch yozdi. Kelgusida real hayotga keng joriy etiladigan ushbu besh tashabbusga koʻra, hududlardagi madaniyat markazlari, musiqa va sanʼat maktablarining moddiy-texnik bazasi va ulardan foydalanish holati keskin yaxshilandi, yoshlarning qiziqishidan kelib chiqib, qoʻshimcha yana 1,5 mingga toʻgarak tashkil etiladi. Hatto eng chekka qishloqlardagi madaniyat markazlarida ham badiiy-havaskorlik jamoalari, yoshlar teatr-studiyalari va “Yoshlar klublari” faoliyati yoʻlga qoʻyiladi.

Shuningdek, mamlakat miqyosidagi 12 mingdan ziyod sport inshootiga yoshlarni maksimal darajada qamrab olish choralari ko'rib, barcha umumta'lim maktablari sport anjomlari bilan to'liq jihozlanadi. Shu bilan birga, o'lis va chekka hududlarda yengil konstruksiyali sendvich panellardan kichik sport zallari va sun'iy qoplamali maydonlar quriladi. Bolalar va o'smirlar sport maktablari soni yanada ko'paytiriladi.

Adabiyotlar:

1. Xalq so'zi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oliy Majlisga Murojaatnomasi" 2020 y. 29 dekabr.
2. Musurmonova O. O'quvchilarning ma'naviy madaniyatini shakllantirish. –T.: Fan, 1993. – 28 b.
3. Akramov A. Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalari asosida bo'lajak o'qituvchilarda fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirish-ning tashkiliy metodik asoslarini takomillashtirish. Ped.fan.dok. dis.-T., 2016 y. 16 bet
4. Erkaev A. Milliy g'oya va ma'naviyat.: T. "Ma'naviyat".2002 y. 52-b.
5. Rumi J. Ma'naviy masnaviy. Muhammad tarjimai. Tehron, 2001 yil, 7-b. Forscha-o'zbekcha lug'at.
6. Tursunboyevich, O. A. (2021). Pedagogical and psychological opportunities for the development of social active civil competences in students. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 1888-1897.
7. Abduganiyev O. Formation of legal training aimed at competitiveness in pupils of secondary schools // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2019. – T. 9. – №. 7.

РЕЗЮМЕ

Mazkur maqolada talaba yoshlarda ma'naviy ahloqiy sifatlarni rivojlantirishga ta'sir etuvchi ijtimoiy omillari, pedagogik-psixologik jihatlar, kreativ-ijodiy, intellektual-motivatsion, emotsional-irodaviy, liderlik sifatlarni rivojlanishi orqali, tarbiyaviy-ahloqiy ma'naviy barkamol yosh-avlodni tarbiyalash, ta'lim tizimida talaba-yoshlarni jamiyat hayotining ma'naviy sohalarida, adolatli demokratik fuqarolik jamiyati qurish yo'lida professional kasb egasi bo'lib voyaga yetkazishning pedagogik ta'sir vositalari orqali yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассмотрены социальные факторы, влияющие на развитие духовно-нравственных качеств у студенческой молодежи, педагогико-психологические аспекты, творчески-творческие, интеллектуально-мотивационные, эмоционально-волевые, лидерские качества, через развитие учебно-нравственно-нравственно совершенного юношеского поколения. , просвещенный средствами педагогического воздействия воспитания студентов в системе образования как профессионалов духовных сфер общественной жизни, на пути к построению справедливого демократического гражданского общества.

SUMMARY

This article discusses social factors influencing the development of spiritual and moral qualities in student youth, pedagogical and psychological aspects, creative and creative, intellectual and motivational, emotional and strong-willed, leadership qualities, through the development of educational, moral and morally perfect youth generation. , enlightened by the means of pedagogical influence of educating students in the education system as professionals in the spiritual spheres of public life, on the way to building a just democratic civil society.

ТАЛАБАЛАРДА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРГА АКСИОЛОГИК МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тайланова Ш.З.

Сам.ДУ

Таянч сўзлар: методология, кадрят, аксиологик онг, аксиологик билиш, аксиологик дунёқараш, кадрятлар тизими, педагогик кадрятлар, педагогик кадрятлар тизими.

Ключевые слово; ценность, авесто, педагогические ценности, система ценности.

Key words: tradition, avesto pedagogical traditions. teaching tradisions, educasional traditions, system of tradisional imaginations.

Замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамоатчилик тузилмалари, жумладан, мустикал давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёсат, урбанизация жараёна-

рида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумҳамжамият тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур. Бугунги кунда таълимнинг жамият ривожланиш суръатларидан ортда қолаётганлиги, таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳақидаги масала дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилмоқда. Чунки таълим ҳам ижтимоийлаштириш вазифасини бажарувчи сифатида жамиятдаги ўзгаришлар ортидан бориши ҳамда унинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши керак. Бироқ жамият ривожланиши ва таълим тизими ўртасидаги муносабат мураккаб кўринишга эга бўлиб, юқори даражадаги жўшқинлик билан фарқланади. Таълим барча фаол ва суёт ўзгаришлар таъсирини қабул қилавермайди, жамиятда бўлаётган воқеаларга эса ўз таъсирини ўтказади. Ана шу нуктаи назардан таълимдаги ўзгаришлар факатгина натижа сифатида эмас, балки жамиятнинг келгусидаги ўзига хос ривожланиш шартидир.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Бундай шароитда, юқори малакали педагогларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини, педагогика ва психология методларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш қўникама ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновацияларни кенг қўламда қўллаш ҳаёон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар қўламининг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик инновацияларнинг яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, метод ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайди.

Дарҳақиқат, янгиланган таълим тизимини жорий этишда ҳар бир ўқитувчининг ўз фанига ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўргана бориб, уларни ўз меҳнат фаолиятида изчил қўллаш билиш маҳоратига эга бўлиши бугунги куннинг муҳим талабидир.

Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича педагог кадрлар тайёрлашнинг сифатини кўтаришда талабаларни илм-фан тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун фан ва техника соҳасидаги янгиликларни ўқув дастурлари мазмунига тез киритиш талаб этилади ва бу орқали, замонавий билимларни шакллантиришга замин ҳозирланади. Бундан ташқари замонавий ўқитиш технологиялари, улар билан боғлиқ методик ёндашувлар бўлажак ўқитувчиларда зарурий билимлар, муҳим қонуниятлар, кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил, чуқур ва мустаҳкам шакллантириш учун қулай шароит яратади.

Олий педагогик таълим муассасалари талабаларида касбий тайёргарликни шакллантириш ва уни ривожлантириш, мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс

ёндашувни тақозо этади. Бўлажак ўқитувчининг чуқур билимга, самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унда старли назарий ҳамда амалий билимларнинг, таълим жараёнида янгиликлардан унумли фойдаланиш малакасининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқдир.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интиломда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Ана шундай долзарбликдан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда педагогиканинг мустақил соҳаси – педагогик инноватика жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Новаторлик ва янгилик – маданият, таълим ва умумийликда жамият ривожланишининг икки жиҳати. Анъаналар ва янгиликларнинг хилма-хил муносабатларига таяниб, маданиятшунослар жамиятни анъанавий ва замонавийга ажратиб кўрсатишади. Анъанавий жамиятда анъана новаторлик устидан ҳукмронлик қилади. Замонавий жамиятларда эса, новаторлик базали қадрият саналади.

Йигирманчи асрнинг сўнгги йилларида жаҳон миқёсида таълим соҳасида юзага келган қуйидаги “инқироз”ли ҳолатлар “қўллаб-қувватловчи” таълимнинг муқобили сифатида “инновацион” таълимни ривожланишининг асосий сабабларидан бири бўлди. Турли давлатларда унинг хилма-хил шаклда намоён бўлишида қуйидаги умумий жиҳатлар ёрқин намоён бўлмоқда: ижтимоий амалиёт ривожланиши эҳтиёжлари ва олий таълим битирувчиларининг реал тайёргарлик даражасининг ўзаро мослигини таъминлаш; олий таълим муассасаларида янги мақсадларнинг қўйилиши ҳамда бошқарувнинг ташкилий тузилиш ва шакллариининг мураккаблашуви; таълим жараёни субъектларининг қизиқиш ва имкониятларининг ортиши.

1979 йилда “Рим клуби” аъзолари “ўзининг асосида аввал маълум, такрорланувчи вазиятларга тузатиш киритиш учун тақдим этилган метод ва қоидаларни ифода этувчи” таълим тизимини “қўллаб-қувватловчи” таълим деб номлашди. Юқорида таъкидлаганимиздек, унинг муқобили сифатида “инновацион таълим” тушунчаси ҳам қўлланила бошланди.

Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим олувчиларда келажакка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришдир. Ж.Боткин бошчилигидаги олимлар ғуруҳи “Рим клуби” маърузасида инновацион таълимни анъанавий, яъни “норматив” таълимга муқобил сифатида билимларни эгаллашни асосий тури сифатида тавсифлади. Нормативли таълим “такрорланувчи вазиятларда фаолият ҳуққатвор қоидаларини ўзлаштиришга йўналтирилган” бўлса, инновацион таълим янги вазиятларда биргаликда ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантиришни кўзда тутди.

Инновацион таълим муҳитини ташкил этиш эса, ўз навбатида таълимнинг янги мазмун, шакл, метод ва воситалари, янги методика ва технологиясини ишлаб чиқишни тақозо этди. Педагогик жараёнлар билан боғлиқликда таълим амалиётига кириб келаётган янгиликларни “педагогик инновациялар” тарзида илмий аренада қўлланила бошланди.

Педагогик инновацияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига қуйидаги қатор омиллар сабаб бўлди: таълим олувчилар, уларнинг ота-оналари, таълим муассасалари эҳтиёжларидаги фарқлар; бир таълим муассасасининг ўзида хилма-хил педагогик концепция ва ёндашув таърафдорларининг мавжудлиги; инновацион ва анъанавий ўқув дастурларини бирлаштириш муаммоси; янги концепцияга доир ишлар учун ўқув-методик таъминотнинг мавжуд эмаслиги; мавжуд шарт-шароитларга янгили-

қларни мослаштириш; янги турдаги новатор-педагоглар, бундан ташқари инновацион таълим муассасалари раҳбарларини касбий тайёрлашнинг йўлга қўйилмаганлиги; таълим натижаларини ташхис этиш ва баҳолаш, мониторинг тизимини янгилаш эҳтиёжи қабилад.

Демак, педагогик инновациялар нафақат олимлар ва раҳбар-ҳодимлар фаолияти натижаси, балки таълим-тарбия жараёнида юзага келган қарама-қаршиликларни ҳал этиш, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш зарурияти уларни пайдо бўлиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини жадал ривожлантириш эҳтиёжи билан уни амалга оширишга ўқитувчиларнинг тайёр эмаслиги орасидаги зиддиятдан педагогик инновациялар таълим воситаларига айланиб, янгиликларни жорий этиш оммалашуви натижасида янги билимларга эҳтиёж кучайди ҳамда бугунги кунда педагогикада “янгилик”, “инновация”, “педагогик инновация” каби тушунчалардан кенг фойдаланилмоқда.

“Инновация” тушунчаси латин тилидан олинган бўлиб (in-га, novus-янги), яъни таржимаси “янгилаштириш”, “ўзлаштириш”, “қандайдир янгиликни киритиш”, “янгини жорий қилиш”, “янгилик киритиш”. Ўз навбатида “янги” сўзи ушбу тушунчанинг асосий ядросини ташкил этади.

“Инновация” тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилади. Биринчи маънода инновация – бирор бир янги ижтимоий эҳтиёжни яхшироқ қондириш учун янги илмий, амалий восита, яъни янгилик яратиш, тарқатиш ва қўллашни ўз таркибига оладиган комплекс жараён сифатида қаралади. “Инновация”, иккинчи маънода, бирор бир жамоа фаолиятини такомиллаштириш учун киритилаётган ва бу инновация субъекти томонидан янгилик деб қабул қилинган янги восита, услуб, ёндашувлар тизимига нисбатан ишлатилади.

Мазкур тушунчанинг бугунги кунгача хилма-хил таърифлари шакллантирилган бўлиб, уларни таҳлил этиш асосида биз ўзимизнинг тадқиқот йўналишимизни белгилаб олишга зарурият сездик.

Таълим тизимини бошқаришга доир ўзига хос мактаб яратган педагог олим С.Тургуновнинг фикрича, инновация – мақсадга йўналтирилган ўзгартиришлар бўлиб, маълум бир ижтимоий бирликка – муассаса, уюшма, жамоа ва гуруҳларга янги, нисбатан барқарор бўлган элементларни, умумий ҳолда ҳалқнинг маънавий-маданий муносабатлари ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган янгиликларни киритишдир.

Малака ошириш курсларида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашга доир илмий-тадқиқот ишини амалга оширган М.Жуманиёзованинг таъкидлашча, инновация – ривожланган технологик жараённинг такомиллашган маҳсулоти қўринишида намоён бўладиган ижодий меҳнатнинг натижаси. У амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизими, аynи вақтда у бошқарилувчи ва назорат қилинувчи ўзгаришлар механизми бўлиб ҳисобланади.

М.Жуманиёзованинг фикрича, агар фаолият қисқа муддатли бўлса, яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги баъзи таркибий қисмларнигина ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз “новация” ҳақида фикр юритаётган бўламиз. Агар фаолият муайян концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса, унинг натижаси ўша тизимнинг ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келса, биз буни “инновация” дея оламиз.

Фаолият хусусияти жиҳатдан новация қўлаи ва вақти бўйича чегараланган,

инновация эса яхлит ва давомли бўлади. Новация натижасида амалдаги тизимда алоҳида элементлар ўзгартирилади, инновация натижасида эса амалиёт субъектларининг позициялари тўла янгиланади, тизимдаги алоқалар ва тизим ислоҳ қилинади.

Н.Мамадов ўзининг “Умумий таълим мактабларини инновацион бошқариш” деб номланган тадқиқотида инновация – бу бошқарув объектини ўзгартириш ҳамда юқори даражадаги ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник самараларни қўлга киритиш мақсадида муайян соҳаларга янгилликни татбиқ қилишнинг якуний натижаси эканлигини қайд этиб ўтади.

Педагогика коллежларида инновацион жараёнларни тизимли бошқариш муаммоси билан боғлиқликда тадқиқот ишини олиб борган Ш.Зуфаров томонидан “инновация” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Инновация тушунчаси мазмунан “янги”, “янгилик” тушунчаларининг айнан ўзи эмас. Исталган янгиллик, қачонки, амалий фаолиятда ўзининг кенг қамровли самарасини берса ва кенг қўллади эҳтиёж объектига айлансагина, том маънодаги инновация деб аташ мумкин бўлади”.

Бўлажак математика ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиётини фундаментал асосда тадқиқ этган Д.Юнусова томонидан “инновация” тушунчасига “мақсадга қаратилган ўзгариш бўлиб, қўлланилиш соҳасидаги тизимни бир ҳолатдан сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтказиш, уни тубдан такомиллаштириш” тарзида таъриф берилган.

Юқоридаги таърифларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга бўлса-да, бироқ мазкур тушунчанинг такомиллашган таърифини шакллантириш эҳтиёжи мавжуд. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, биз “инновация” тушунчасининг қуйидаги умумлашган таърифини ҳосил қилдик: “Инновация – объект ва субъект фаолиятида сифат ўзгаришларини таъминловчи, кенг оммалашган ва юқори самарадорликка эга, анъанавийлик ва истикбол ўртасида “кўприк” вазифасини бажарувчи, тизимли, узвий ва узлуксиз тарзда янгиллик киритишдир”.

Инновациялар технология, иқтисодиёт, савдо-сотиқ, ижтимоий тизим билан алоқадорликда хилма-хил кўринишларда намоён бўлади: педагогик, иқтисодий, ташкилий, технологик ва бошқалар. Ёки янгилликларни қўлланилиш соҳасига қараб техник, ташкилий, методик, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий каби гуруҳларга ажралади. Инновацияларнинг хилма-хил турлари орасида педагогик инновациялар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг муҳим воситаси саналади.

Педагогик инновациялар деганда, педагогик янгилликларни ўрганиш, ўзлаштириш, уларни баҳолаш, фойдаланиш ва амалиётга татбиқ этиш тушунилади. Ўз навбатида педагогик инновацияларнинг бир нечта турлари мавжуд: модифицицияланган, тузатиш киритувчи, ўзгартириш киритувчи, локал, модулли, тизимли ва бошқалар. Бироқ педагогик инновацияларнинг кўпроқ умумлашган таснифи ўзида қуйидаги кўринишни акс эттиради: таълим ва тарбия мақсади ва вазифалари ҳамда мазмунига доир инновациялар; ўқув-тарбия жараёни методлари, методикаси ва технологиясига доир инновациялар; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга доир инновациялар.

Педагогик инновациялар кенг қамровли кўринишга эга бўлиб, уларнинг умум-томонидан қабул қилинган аниқ типологияси ёки таснифи мавжуд эмас. Инновацияларни гуруҳлаштиришга доир йигирмадан ортиқ тасниф мавжуд, масалан: узок муддатли инновациялар ва қисқа муддатли инновациялар, радикал ва реформаторли, авторитар ва либерал, инициатив ва административ ва бошқалар.

С.Турғуновнинг фикрича, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновацион салоҳиятига кўра янгилликлар модернизация, унификация, фаолиятни

такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган модификацион инновациялар; олдидан маълум бўлган методларнинг элементларини янги тизимга бириктириш назарда тутувчи бириккан инновациялар; ўхшашликка ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар инновацион жараёнларнинг асоси сифатида белгиланиши мумкин.

Инновацияларнинг хусусиятларига кўра уларни турли хил асослар билан турлича таснифлаш мумкин, яъни бугунги кунда янгилик киритишнинг тугалланган таснифи мавжуд эмас. Шу билан биргаликда бизнинг тадқиқотларимиз доирасида аниқланган маълумотларга кўра, педагогик жараёнларни ташкил этишда ва самарадорлигини таъминлашда энг аввало, янгиликларни педагогик жараёнларнинг қайси бўғинига тегишли эканлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

М.В.Кларин таълимга инновацион ёндашувнинг иккита турини ажратиб кўрсатади: ўқув жараёнининг анъанавий репродуктив йўналганлиги доирасида қафолатланган натижаларни қўлга киритишга йўналтирилган модернизациялашган инновациялар; анъанавий ўқув жараёнини қайта ташкиллаштиришга йўналтирилган трансформацияланган инновациялар. Олим биринчи ёндашувни технологик, иккинчисини тадқиқотчиликка доир ёндашув деб номлайди.

В.И.Беляев таълим соҳасидаги инновацияларни уларнинг юзага келиш тавсифига кўра қуйидаги икки гуруҳга бўлади: 1) инновацион жараённинг барча шарт-шароитлар тизими, восита ва йўллари тўлиқ англамаган ҳолда юзага келувчи инновациялар. Бундай турдаги инновацияларни эмпирик инновациялар деб номлаш мумкин: педагог инновацияга ўзининг ноанъанавий тажрибаси орқали боради, ташкилий қисми эса, стихияли тарзда амалга ошади; 2) онгли ва мақсадга йўналтирилган фаолият натижаси сифатида юзага келувчи инновациялар. Бундай турдаги инновацияларни илмий ташкиллаштирилган инновациялар деб аташ мумкин. Мазкур инновация биринчи турдаги инновациядан ўзининг назарий асосланганлиги, натижаларнинг аниқ аҳамиятга эгалиги ва кенг оммалашганлиги билан юқори туради.

О.Г.Хомерки ўқув-тарбия жараёнининг у ёки бу таркибий қисми билан боғлиқликда инновацияларни қуйидаги турларга ажратиб кўрсатади: таълим мазмунига доир инновациялар; ўқув-тарбия жараёни методлари, методикаси ва технологиясига доир инновациялар; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга доир инновациялар; таълим тизимини бошқаришга доир инновациялар.

М.М.Поташник ва В.С.Лазаревлар таълимда қўлланилиш кўламига кўра инновацияларни қуйидаги турларга ажратиб кўрсатишади: локал, алоҳида, ўзаро боғланмаган хусусий инновациялар; ўзаро боғланган, хусусий инновациялар мажмуини ифода этувчи модулли инновациялар; бутун таълим муассасасини қамраб олувчи тизимли инновациялар.

Д.Юнусова эса, таълим-тарбия жараёнини технологик жараён сифатида қараб, жорий этиладиган янгиликларни бу жараённинг асосий компонентлари (таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқитиш методи, ўқитиш воситаси, таълим натижаси) асосида гуруҳлашни тақлиф этган:

1) таълим мақсади билан боғлиқ педагогик инновациялар: модернизациялашган таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи (касбга йўналтириш, тўлдириш, инсонпарварлаштириш, табақалаштириш, интеграллаш, индивидуаллаштириш ва бошқа мақсадларга кўра);

2) таълим мазмуни билан боғлиқ педагогик инновациялар: миқёсига кўра – узлуксиз таълимда, алоҳида таълим турида, айрим фанда, бобда, мавзуда, мавзу материалининг айрим қисмида; даражасига кўра – такомиллаштириш, тубдан ўзгартириш,



2.1.1-расм. Педагогик инновацияларнинг таснифий параметрлари

батан – янги, такомиллаштирувчи, ўрнини алмаштирувчи, тўлдирувчи, ретро; пайдо бўлишига кўра – режали, олдиндан ўйланган, тасодифий, янги талаблар асосида, ички ва ташқи;

4) ўқитиш воситаси билан боғлиқ педагогик инновациялар: миқёсига кўра – оммавий, яқка, комплекс, тизимли, узлуксиз таълимда, алоҳида таълим турида, айрим фанда, ўқув материалнинг айрим қисмида, ўқув машғулотли шакли, тури, айрим босқичда; ўзидан олдингисига нисбатан – янги техника, технология, эскисини алмаштирувчи, ўрнини алмаштирувчи, ретро; даражасига кўра – модернизациялашган, маълум восита элементлари янги талқинда ишлаб чиқилган, тубдан ўзгартирилган; пайдо бўлишига кўра – режали, олдиндан ўйланган, тасодифий, ички, ташқи, техника ривожига таъсирда;

5) таълим натижаси билан боғлиқ педагогик инновациялар: ўқитувчи фаолиятида – новатор ўқитувчи; ўқувчи фаолиятида – мустақил фикрловчи, аниқ мақсадга интилувчи, таълим жараёнининг фаол субъекти.

Юқоридаги педагогик инновацияларга доир таснифлардан маълум бўладики демак, таълим тизимидаги инновациялар: мақсад, мазмун, метод ва технология, таълимни ташкил этиш шакли, бошқарув тизими; педагогик фаолият ва ўқув-билиш жараёнини ташкил этиш услуги; назорат ва таълим олганлик даражасини баҳолаш тизими; таълимни молиялаштириш тизими; ўқув-методик таъминот; тарбиявий ишлар тизими; ўқув режа ва ўқув дастурлари; профессор-ўқитувчи ва талаба, таълим берувчи ва таълим олувчилар фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда юзага келмоқда.

Педагогик инновациялар ўз навбатида таълим жараёнини ташкил этиш параметрларининг ўзгаришига олиб келмоқда. Биринчидан, замонавий таълим доимий равишда фан ва технология ривожига билан боғлиқликда таълим мақсади, мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг янгиланиб боришини талаб қилаётган бўлса, иккинчидан, таълим муассасалари вариативлигининг қиёсий моделларининг кўрсаткичлари ҳам мураккаблашиб бормоқда. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда биз таълимдаги инновацияларнинг икки хил хусусияти(ташкил ва дидактик)га кўра таснифлашни лозим деб топдик (2.1.1-расм).

Талабаларда педагогик инновацияларга аксиологик муносабатнинг шаклланишини аниқлаш мақсадида махсус анкета ишлаб чиқилди. Ушбу анкета ёрдамида ўтказилган сўров натижалари қуйидаги 2.1.2-жадвалда берилган.

Талабаларнинг педагогик инновацияларга аксиологик муносабатнинг намоён бўлиши (фоиз ҳисобида)

Анкета саволлари	Ижобий	Салбий
1. Педагогик фанларни ўқитиш жараёнида қандай педагогик инновациялардан фойдаланилади?	47,3	62,7
2. Машғулотлар жараёнида сизда ижодийлик ва эркин фикр юритиш муҳити намоён бўладими?	37,6	62,4
3. Машғулотлар пайтида интерфаолликни ҳис этасизми?	44,8	55,2
4. Топшириқларни бажариш жараёнидаги илмий изланишга доир кўникма ва малакаларингиз етарлича намоён бўладими?	33,4	66,6
5. Машғулотлар сизда ўз-ўзингизни баҳолаш имкониятини ҳосил қиладими?	35	65
6. Таълим жараёнининг реал амалий фаолият билан боғланганлигини қандай баҳолайсиз?	28,4	71,6
7. Мустақил билиш фаолиятига қизиқишингиз барқарор кўринишга эгами?	36,5	63,5

Аксарият жавобларда респондентлар педагогик фанларни ўқитиш жараёнида педагогик инновация сифатида интерфаол методлардан фойдаланиш эканлигига урғу бериб ўтадилар, бироқ улар педагогик инновацияларга таълим мазмуни, таълимни ташкил этиш шакллари, талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш, таълим технологиялари билан янгиликлар ҳам киришини эътибордан четда қолдирадилар. Ҳавола этилаётган мазкур савол юзасидан ижобий мазмундаги жавобларни берган респондентлар педагогик инновациялар яхлит таълим жараёнининг барча таркибий қисмларига тизимли таъсир кўрсатишини айтиб ўтадилар. Уларнинг фикрларича, таълим жараёнида педагогик инновациялардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширибгина қолмай, балки бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга тайёралининг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Аксарият талабалар эса гарчи педагогика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, демакки, ўқитувчилик фаолиятини танлаб олган бўлишларига қарамай, ижодийлик ва эркин фикр юритиш муҳити ҳақида муайян даражада маълумотга эга эмасликларини. Бугун таълим тизимига кўплаб янгиликлар кириб келаётган, инновацион таълим муҳитини қарор топтириш, бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашга доир мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилаётган бир шароитда уларда ижодийлик ва эркин фикр юритиш муҳитини қарор топмаётганлиги ачинарли ҳол. Респондентларнинг бу каби ёндашувлари республика миқёсида бўлажак мутахассисларни тайёрлашда педагогик инновациялардан самарали фойдаланишга доир ижобий ёндашувни қарор топтириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Анкета сўровномасининг учинчи саволига жавоб қайтаришда ҳам юқорида қайд этиб ўтилган ҳолат такрорланди. Ижобий деб топилган жавобларда талабалар интерфаолликнинг куйидаги жиҳатларини алоҳида кўрсатиб ўтганлар: ўзаро биргаликдаги фаолият, самарали ҳамкорлик фаолияти, профессор-ўқитувчи ва талаба, талаба ва китоб, талаба ва компьютер ўртасидаги фаол ҳаракат, ўз-ўзини намоён этиш, ижодийлик, эркин фикр юритиш, изланувчанлик ва ҳоказолар.

Берилган жавоблар мазмунидан англанадики, респондент-талабалар уларни кичик гуруҳларда ва ўзаро биргаликдаги ҳамкорлик фаолиятига жалб этилмаган ҳолатда, яъни тажриба аввалида интерфаоллик тушунчасини янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши деб ҳисоблаганлар.

Тўртинчи савол юзасидан респондент-талабаларнинг жавобларига келтирилган кўрсаткичлардан англанадики, респондент-талабалар топшириқларни бажариш жараёнидаги илмий изланишга доир кўникма ва малакаларини етарли даражада эканлигини тажриба-синов ишларининг ҳар икки босқичида ҳам у қадар юқори баҳоламаганлар. Қолаверса, бўлажак мутахассисларнинг аксарияти мустақил фаолият юритиш чоғида ҳам қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу каби ҳолат, айниқса, ўқув жараёнини педагогик инновациялар асосида ташкил этиш вақтида яққол кўзга ташланмоқда.

Билдирилаётган фикрлардан бўлажак ўқитувчиларга тадқиқотчилик ва илмий изланишлар олиб боришга имкон берувчи педагогик инновациялардан таълим жараёнида кенг фойдаланиш, уларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деган хулоса келиб чиқади.

“Машғулотлар сизда ўз-ўзингизни баҳолаш имкониятини ҳосил қиладими?” деган савол бўйича умумий ҳолда олганда педагогик фанларни ўқитиш жараёнида қўлланилаётган педагогик инновацияларнинг имкониятларини тўғри белгиланган респондент-талабаларнинг жавобларида улар қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилган: маъруза ва семинар машғулотлари жараёнида ўз-ўзини баҳолаш ва гуруҳий ўз-ўзини баҳолаш имкониятининг мавжудлиги; блиц-сўров, тушунчалар таҳлили каби интерфаол методларни қўлланилиши; таълим жараёнида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказолар.

Бироқ талабаларнинг ўз эришган муваффақиятларини мустақил баҳолай олиш, талабаларнинг фақат ўқув фаолияти натижаларининггина эмас, балки уларнинг муваффақиятига туртки бўлган барча куч ва имкониятларни ҳисобга олмасликларини бартараф этиш мақсадида қозоқ тили ва адабиёти йўналиши талабаларини портфолиолар яратишга доир фаолиятга кенг жалб этилди.

Қайд этилган кўрсаткичлардан англанадики, респондент-талабаларнинг аксарият қатга қисми таълим жараёнининг реал амалий фаолият билан боғланганлиги хусусида ҳеч қандай фикр билдирмаганлар. Ушбу ҳолат таълим жараёнининг етарлича мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олиб ташкил этилмаслиги, бўлажак мутахассисларнинг келгуси фаолиятлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган реал амалий фаолият билан боғланмаганлигини яна бир бор исботлайди. Зеро, мавжуд таълим жараёнининг амалий тавсифга эғалиги хусусида фикрга эга бўлмаган шахс келгусидаги реал амалий фаолиятни олиб боришга тайёр бўлмайди.

Талабаларнинг “Мустақил билиш фаолиятига қизиқишингиз барқарор кўринишга эгами?” деган саволга берган жавобларидан маълум бўладики, уларни мустақил билиш фаолиятини ташкил этишга доир ишлар юзаки тавсифга эга. Мустақил иш сифатида ҳозиргача аксарият ҳолларда адабиётларни конспект қилиш, материалларни ўқиб-ўрганиш, рефератлар тайёрлаш каби методларнинг қўллаб-қелинаётганлиги, семинар машғулотларида ҳам худди шу тарзда ишлашлар

рини ҳисобга олган ҳолда, ҳақиқаттан талабаларда мазкур ҳолат мустақил билиш фаолиятига барқарор қизиқишни ҳосил қилмаслиги ҳақидаги фикрни тўғри деб баҳолашга имкон беради.

Мазкур асословчи тажриба-синов ишлари натижаларига таянган ҳолда педагогика олий таълим муассасаси талабаларида таълимий инновацияларни ўзлаштиришга аксиологик муносабатни қарор топтиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш зарур, деган хулосага келинди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал таракқиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 92 б.
2. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим: (Дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоқлари). – Т.: Моварауннахр, 2002. – 720 б.
3. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёҳуд Ислоҳ Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: Шарқ, 2000. – 94 б.
4. Гершунский Б.С. Философия образования XXI века (В поисках практико-ориентированных образовательных концепций). – М.: Совершенство, 1998. – 608 с.
5. Горовая В.И. Конструктивная педагогическая аксиология// Педагогика. – Москва, 2007.- № 4. – С.15-21.
6. Липская Л.А. Философско-антропологический фундамент современного образования// Педагогика. – М., 2006.- № 2. – С.25-28.
7. Мардонов Ш., Эгамбердиева Н. Шарқ алломалари мероси – педагог мутахассислар тайёрлаш асоси. // Халқ таълими. – Т., 2004. - №2. – Б.25-27.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада педагогик кадриятлар тизимининг талабаларда аксиологик ёндашувни таркиб топтиришдаги имкониятлари ёритиб берилган. Жаҳон педагогика фанида кейинги йилларда олий таълим муассасалари талабаларида миллий ва умуминсоний кадриятлар тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг ижтимоий шарт-шароитларини вужудга келтириш, хусусан педагогика олий таълим муассасалари талабаларида педагогик касбига мотивацион-кадриятли муносабатни шакллантириш хусусида қўллаб-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Чунки, ҳеч кимга сир эмас, глобализация жараёнилари авж олган бугунги кунда талаба-ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий кадриятларни ўзлаштиришга қизиқишнинг сусайиши ва аксинча, моддий фаровонликка интилиш омилнинг кучайиши кузатишмоқда. Мазкур ўзгаришлар талабаларда педагогик фаолиятга аксиологик муносабатни таркиб топтиришда ўзининг салбий таъсирини кўрсатишмоқда ҳамда эгалланган мутахассисликка доир касбий фаолият билан шугулланмасликнинг оммалашувига олиб келмоқда.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются некоторые педагого-аксиологические аспекты, проблемы ценностных ориентации. В мире все больше наблюдается нестабильность социальных условий, необоснованное подрывание авторитета педагогов, негативные изменения в мотивационно-ценностном отношении студентов педагогических высших учебных заведений к профессии педагога. Отмечается снижение интереса среди учащейся молодежи к усвоению духовно-нравственных ценностей, и, наоборот, усиление фактора стремления к материальному благополучию. Эти изменения оказывают негативное воздействие на формирование у студентов аксиологического отношения к педагогической деятельности и, в большинстве случаев, приводит к интенсификации отдаления от полученной специальности.

SUMMARY

In article is considered some aspects, problems shaping the system valuables as well as is brought forth categorization valuables to orientation, is generalized glances seen teacher on given to problem. In the world, there are unstable social conditions for the development of the education sector, cases that damage teachers' reputation and negative changes in the motivational-value attitudes of the students of pedagogical higher education institutions to the pedagogical profession. The lack of interest in mastering moral and ethical values, on the contrary, the increase of the factor of striving for material well-being are observed among students. These changes have a negative effect on establishing students' axiological attitude to pedagogical activities, and often lead to the increase of unemployment rate for the acquired specialty.

TA'LIM MUASSASASINING INNOVATION FAOLIYATINI JORIY ETISH

Ernazarova G.O.

ChDPU professori

Tayanch so'zlar: innovatsiya, innovatsion muhit, innovatsion faoliyat, innovatsion ta'lim, innovatsion tendentsiyalar, ilm-fan, ta'lim tizimi.

Ключевые слова: инновации, инновационная среда, инновационная деятельность, инновационное образование, инновационные тенденции, наука, система образования.

Key words: innovation, innovative environment, innovative activity, innovative education, innovative trends, science, education system.

Bozor shart-sharoitlarida o'z hayotiy layohatini barqaror saqlashga intiladigan har qanday ta'lim muassasi pirovard natijada ilm-fan sohasida yoki kadrlar tayyorlash tizimida biron bir yangilikni yaratishga, yangi g'oyalarni amalga oshirishga, ya'ni g'oyalarning moddiylashtirilishiga hamda bozorlarda salohiyat xaridorlarga sotilishiga erishishi lozim. Ta'lim muassasalarining faoliyatini tijoratchilik asosida yo'lga qo'yilishi ularni funktsional vazifalaridan birmuncha

chalg'itishi mumkin albatta, ammo ilmiy-innovatsion faoliyat bilan shug'ullanish oxir oqibatda o'quv yurtlariga moddiy jihatdan o'z-o'zini ta'minlash imkoniyatini yaratib beradi.

Respublikamiz miqyosida amal qiluvchi innovatsion muhitning yaratilishi barobarida ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyatini faollashtirish ob'ektiv ehtiyojga aylangan. Innovatsiyalarni yaratish va amalga oshirish jarayonlari ham muayyan sikllardan iboratdir. Ushbu nuqtai nazardan olib qaralsa, innovatsion sikl vaqt o'lchamlarida izchil davom etuvchi, ahamiyati jihatidan bir xil bo'lgan turli xil bosqichlarda funktsional jihatdan alohida mazmun kasb etib bir-biridan farqlanadigan faoliyat majmuasidir.

Ta'lim muassasasining innovatsion faoliyatini joriy etishda innovatsiyalarni yaratish va amalga oshirish jarayonlari ham muayyan sikllardan iboratdir. Ushbu nuqtai nazardai olib qaralsa, innovatsion jarayon vaqt o'lchamlarida izchil davom etuvchi, ahamiyati jihatidan bir xil bo'lgan turli xil bosqichlarda funktsional jihatdan alohida mazmun kasb etib bir-biridan farqlanadigan faoliyat yig'indisidir.

Innovatsiya uchun asos bo'lib xizmat kiluvchi fundamental g'oya va bilimlarning, ularni amalda ko'llash quyidagi natijalarga olib keladi:

- istiqbolli bo'lmaydigan loyihalarni aniqlab olish va to'g'ri qaror chiqarish;
- innovatsion g'oyani amaliyotga tatbiq etish jarayonida yanada takomillashtirish;
- yangilikni texnologik xususiyatlariga, boshqaruv va tashkiliy faoliyat yuritish uchun mas'ul bo'lgan tizimlarning xarakteriga moslashtirish imkoniyati bo'ladi.

Innovatsion potentsialning moliyaviy resurslardan foydalanish funktsiyalari esa:

- innovatsionlarni joriy etish uchun talab etiladigan moliyaviy resurslarning kelib tushishini ta'minlash;
- moliyaviy resurslarning innovatsion jarayonlarning mos holda ta'minlanish sharoitini yaratish;
- innovatsion jarayonlarning amalga oshirilishi takomillashtirish;
- innovatsiyalarning yaratilishi uchun shart-sharoit yaratib berish, va rag'batlantirish;
- mavjud innovatsion tizimning funktsional faoliyati va rivojlanishi bilan bog'liq turli xil ehtiyojlarga mos keladigan innovatsion loyihalarning yaratilishiga ko'maklashish;

- innovatsion loyihalarni xarajatlarning optimal va samaradorligini ta'minlash.

Y.Shumpeter innovatsion sohada faoliyat yurituvchi sub'ektlarning quyidagi funksional vazifalarini belgilab beradi:

- innovatsiyalarni o'zlashtirishdan manfaatdor bo'ladigan potentsial iste'molchilarni aniqlash maqsadida tijorat tahlilini amalga oshirish;
- istiqbolli g'oyalar mualliflarini, funksional faoliyat yuritish uchun imkoniyat beruvchi manbalarni izlab topish;
- yangiliklarni yaratish va ularni amaliyotga joriy etish jarayonlarini tashkillashtirish;
- yangiliklarning amaliyotga joriy etilishini qo'llab-quvvatlash.
- ilm-fan sohasida kashf etilgan yangi g'oyalarning moddiy tusga kiritilishi bosqichida innovatsion faoliyat sohasidagi novatorlik mehnati yaxshilash;

Guruhdagi o'zaro shaxsiy munosabatlarni o'qituvchi, jamoa shakllanishiga qadar bo'lgan bosqichda maqsadli tashkil etishi lozim. Buning uchun u yuqori darajada rivojlangan kommunikativ o'quvga-munosabat va aloqalar o'rnatishga moyillik va iqtidor, ta'lim oluvchilarni tushuna bilishga ega bo'lishi kerak.

S.V.Kondrat'evaning ma'lumotlariga ko'ra o'qituvchining ta'lim oluvchilarni tushunish darajasi va uning ularga ta'siri qandayligi o'rtasida muayyan o'zaro bog'liqlik mavjud. Tushunish darajasi yuqori bo'lgan o'qituvchida xarakterni shakllantiruvchi ta'sir birinchi o'rinda turadi, tushunish darajasi past bo'lgan o'qituvchida esa-intizomiy ta'sirdir.

O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 2020 yil 6 noyabrda PF -6108-sonli O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonida mamlakatimizda ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyatini joriy etish xususiyatlari, uning ahamiyati va zaruriyatidan kelib chiqqan holda vazifalar belgilangan. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6 noyabrda "Ta'lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4884-sonli qarorida ta'lim sifatini oshirish masalalari bo'yicha vazifalar uzluksiz ta'lim tizimining har bir bo'g'ini uchun alohida ajratib ko'rsatilgan bo'lib, bu vazifalarni amalga oshirishda ta'lim texnologiyalarini qo'llash asosida o'qitish jarayonini tashkil etish ham o'z ahamiyatiga ega.

Amaliyotga joriy etiladigan innovatsiyalar jamiyat tomonidan e'tirof etilishi oqibat natijada vujudga keladi. Bu xususda quyidagi global tendentsiyalarni alohida ko'rsatib o'tamiz:

1. Ta'lim tizimini demokratlashtirish, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida uzluksizlik va uzviylikni ta'minlash, ta'lim muassasalari mustaqilligini mustahkamlash.

2. Aholining barcha qatlamlari uchun ta'lim olishga teng imkoniyatlar yaratish.

3. Ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning ta'lim oldiga yangi vazifalar qo'yishi. Kasb o'rganish uchun ta'lim olish bilan birga kelajakda ishlash uchun emas, balki o'z shaxsiy ehtiyoji uchun ta'lim olishning rivojlanib borishi va boshqalar.

Ularni amalga oshirishda innovatsion ta'limning quyidagi rivojlanish printsiplari asosida ish olib borilishi lozim.

- Ta'lim va amaliyotning o'zaro uzviy bog'liqligini ta'minlash, kadrlarni amaliyotda ishlashga tayyorlash;
- Ilm-fan yutuqlarini ta'limga keng joriy qilib borish;
- Ta'limning uzluksizligi va uzviyligini ta'minlash, hayot mobaynida uzluksiz ta'lim;
- Bitiruvchilarning korporativ hamkorligini ta'minlash, ta'lim muassasalari an'alarini shakllantirish va rivojlantirib borish;
- Ta'lim va tarbiyani qo'shib olib borish, yuksak ahloqiy fazilatlarini tarbiyalash;
- Yuksak ma'naviy fazilatlariga ega bo'lgan intelligentsiyani tarbiyalash.

Innovatsiyalarni ta'lim jarayonlariga tatbiq etishning istiqbollari:

- Ta'lim muassasalari moddiy-texnika bazasini modernizatsiya qilish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari imkoniyatlaridan ta'lim jarayonida samarali foydalanish, masofaviy ta'limni joriy etish.
- Ta'lim muassasalarining mintaqaviy va xalqaro miqyosda integratsiyalashuvi, ta'lim sohasidagi xalqaro hamkorlikning rivojlanib borishi;
- Ta'lim muassasalarini moliyalashtirish manbalarining ko'payib borishi, byudjetdan tashqari moliyalashtirish;
- Ta'lim sifatini boshqarishga xalqaro standartlar talablarini joriy etishni tashkil etadi.

O'quv yurtlari o'rtasidagi integratsion aloqalar o'rnatish natijasida innovatsion faollikning ahamiyati quyidagicha:

1. Amaliy tadqiqotlarning shakllanish ko'nikmalari, professional yechimlarni qabul qilishga yordam beradi;

2. Bilimlarni samarali o'zlashtirish imkonini yaratadi ;

3. Bilimlarni to'plashdan mustaqil ta'lim olish mexanizmlarini yaratish va tadqiqot faoliyati ko'nikmalariga o'tish jarayoni rivojlantirish imkonini yaratadi;

4. O'quvchilarning qobiliyatlarini shakllantirish va ularda bilim ko'nikmalarini mustahkamlaydi;

5. Ijodiy va kasbiy bilim qobiliyatini rivojlantiradi;

6. O'quvchilarning sotsial moslashuvi uchun psixologik shart sharoitlar yaratadi.

Milliy ta'lim tizimlari innovatsion faollik ular faoliyatiga ta'sir kursatib kelmoqda, ular bir-biridan taraqqiyot darajasi, maqsad va vazifalari, milliy va tarixiy xususiyatlari, an'analari, aholini qamrab olish darajasiga ko'ra keskin farqlanadi.

Ta'lim tizimini rivojlantirish uchun mamlakatimizning ilmiy-texnik va innovatsion potentsialini barqaror saqlash xamda rivojlantirish zarur. Buning uchun quyidagi yunalishlar bo'yicha chora-tadbirlar amalga oshirilishi kerak:

- mavjud konunchilikka innovatsion sohadagi faollikni yanada jadallashtirish uchun qulay shart-sharoit yaratib beradigan yangi takliflar kiritish;
- ilm-fanni rivojlantirish va innovatsiyalarni yaratish uchun, ilm-fan yutuklaridan keng ko'lamda foydalanish asosida innovatsion faoliyat sub'ektlarini va ulardagi faollarni qo'llab-quvvatlash;
- yaratiladigan innovatsion loyihalarni ro'yobga oshirish bilan bog'lik bo'lgan barcha ishlarni muvofiqlashtirib boshqarib boradigan maxsus innovatsion guruhlarini yaratish;
- bilimli, tajribali professional ilmiy-texnik xodimlari, olimlari va mutaxassislaridan tarkib topadigan innovatsion loyihalarni ishlab chiqib ularni ro'yobga oshirish bilan bog'liq chora-tadbirlarni rejalashtiradigan, keyinchalik ushbu faoliyatni boshqarib turadigan ta'lim muassasalararo Forsayt markazlarini tashkil qilish.

Innovatsion guruhlar faoliyat va undagi faollikani tartibga solish mexanizmlarini boshqaruv funktsiyalari orqali muvofiqlashtirib borish quyidagilarni amalga oshirishga bog'liq:

- ijtimoiy-iqtisodiy va ilmiy-texnik istiqbollarni to'g'ri belgilash;
- turli xil ilmiy izlanishlarni va innovatsiyalarni amalga oshirish uchun zarur bo'ladigan mablag'larni akkumulyatsiyalash;
- innovatsion faoliyatni muvofiqlashtirish;
- innovatsiyalarni rag'batlantirish; innovatsion sohada raqobatchilikni kuchaytirish va ta'lim tizimidagi innovatsion faoliyatni amalga oshirishda salohiyatli kadrlar ta'minotiga ahamiyat berish;

- ilmiy-innovatsion infratuzilmani shakllantirish;
- amalga oshirilishi mo'ljallangan innovatsiyalarning ijtimoiy va iqtisodiy yo'nalishli bo'lishligini ta'minlash;
- ta'lim tizimida innovatsion faoliyatning ijtimoiy mavqeini ko'tarish;
- ta'lim tizimida innovatsion jarayonlarni regional miqyoslarda tartibga solish;

Innovatsiyalarni ta'lim jarayonlariga joriy etilishi natijasida ta'lim sifatiga ta'sir etishi hammaga ma'lum. Innovatsion guruhlarini tashkil etgan ta'lim muassasalari

raqobatbardoshlikka ega. Bu esa o'z navbatida turli xil dasturlarni tashkil etishda va integratsiya qilinishida xizmat qiladi. Innovatsion guruhlarini tashkil etgan muassasalar – bu lider, ya'ni bu ta'lim muassasalarining faol ishtirokini bildirib, chet ellik hamkorlar bilan mustahkam tashqi munosabatlarni bildiradi. Bu - muassasalar qulay bo'lib, ya'ni xavfsizlikni ta'minlaydi va to'liq infratuzilma bilan (meditsina, sport, mediateka, psixolog – pedagogik kuzatuv, informatsion markaz va boshqalar) ajralib turadi. Bunda muassasalar innovatsion faoliyatni ham samarali yuritadi, ya'ni yangi tashkillashtirilgan texnologiyalarni, yangi dasturlarni va uslublarni ishlab chiqadi. Biz bularni quyidagicha guruhlariga bo'lishimiz mumkin:

Birinchi guruh:

1. Ta'lim maqsadi va mazmuniga oid innovatsiyalar;
2. Pedagogik jarayonda foydalaniluvchi metodlar, vositalar, usullar, texnologiyalarni o'zgartirishga qaratilgan innovatsiyalar;
3. Ta'lim va tarbiya shakllari va usullarini o'zgartirishga qaratilgan innovatsiyalar;
4. Ta'lim muassasasi rahbariyati, pedagoglar va ta'lim oluvchilar faoliyatini tashkil etish va boshqarishni o'zgartirishga qaratilgan innovatsiyalar;

Ikkinchi guruh:

1. Yakka, muayyan ta'lim muassasasiga oid, o'zaro bir-biriga bog'liq bo'lmagan innovatsiyalar;
2. Kompleks holdagi, o'zaro bir-biriga bog'liq bo'lgan innovatsiyalar;
3. Tizimli, ta'lim tizimini to'liq qamrab olgan va barcha ta'lim muassasalariga tatbiq qilish mumkin bo'lgan innovatsiyalar.

Uchinchi guruh:

1. Mavjud tizim (o'quv rejalari, DTS, fan dasturlari)ni qisman o'zgartirish, rivojlantirish, takomillashtirishga qaratilgan innovatsiyalar;
2. Nisbatan chuqurroq o'zgarishlarga qaratilgan innovatsiyalar;
3. Tub islohotlarga qaratilgan innovatsiyalar.

To'rtinchi guruh:

1. Muayyan hududni zamonaviy kadrlarga bo'lgan ehtiyojini qondirishga qaratilgan innovatsiyalar;
2. Ijtimoiy buyurtmani qondirishga qaratilgan me'yoriy-huquqiy hujjatlarni ishlab chiqish va takomillashtirishga qaratilgan innovatsiyalar;
3. Inson haqidagi fanlarning yutuqlarini o'rganishga qaratilgan innovatsiyalar;
4. Ilg'or pedagogik tajribalarni tatbiq etishga qaratilgan innovatsiyalar;
5. Ta'lim muassasasi rahbariyati va pedagoglarning malakasini oshirib borish, ishga ijodiy yondoshuv, mas'uliyat va fidoyilikni tarbiyalashga qaratilgan innovatsiyalar;
6. Tajriba-sinov ishlari, yangiliklarni sinash uchun ma'lum bir ta'lim muassasalarida qo'llab ko'rib, ijobiy tajribalarni, yutuqlarni ommalashtirishga qaratilgan innovatsiyalar;
7. Ilg'or xorijiy tajribalar, jahondagi nufuzli ta'lim muassasalarining yutuqlarini joriy etishga qaratilgan etishga qaratilgan innovatsiyalar va boshqalar.

Innovatsion ta'limni rivojlantirishda yuqorida ajratib ko'rsatilgan innovatsion faoliyatni amalga oshirish guruhlarini eng maqbul variantlarni tanlashi, innovatsiyalarni umumli boshqarishi uchun zarur oid masalalarni hal etishi lozim. Innovatsion ta'limni rivojlantirishda, ta'lim tizimida innovatsiyalar xususida maqbul qarorlar qabul qilish, elektron axborot tizimini yaratish va undan umumli foydalanish masalalarini muvaffaqiyatli hal etish maqsadga muvofiq.

Adabiyotlar:

1. Бобоскин С.Я. Инновационный проект: Методы отбора и инструменты анализа рисков. Учебное пособие - М.: Дело АНХ, 2009. - 240 стр.
2. Шарифхўжаев М.Ш. Менеджмент: Дарслик // - Т.: "Ўқитувчи", 2001. - 704 с.
3. Уроков А., Федотов И.В. Методы и модели оптимизации управленческих решений. Учебное пособие. - М.: Дело АНХ, 2009. -240 стр.
4. Отакулов М.К. Совершенствование учебного процесса на основе дистанционного интерактивного программного продукта. Материалы Республиканской научно-практической конференции «Внедрение в учебный процесс ВБОУ новых педагогических и информационных технологий». Т.: 2010й.,140 стр.
5. Голов Р. Инвестиционное проектирование: Учебник. – М.: "Дашков и К", 2010 г.

РЕЗЮМЕ

Ushbu ilmiy maqolada Respublikamizda uzluksiz ta'lim tizimida innovatsion muhitning yaratilishi barobarida ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyatini, innovatsion ta'limning rivojlanishi, tendentsiyalar va istiqbollari, innovatsion ta'limni rivojlantirishda innovatsion faoliyatni amalga oshirish masalalari haqida fikr yuritilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной научной статье рассматриваются вопросы инновационной деятельности образовательных учреждений, развития инновационного образования, тенденций и перспектив, реализации инновационной деятельности в развитии инновационного образования, наряду с созданием инновационной среды в системе непрерывного образования в нашем Республике.

SUMMARY

This scientific article discusses the issues of innovative activities of educational institutions, the development of innovative education, trends and prospects, the implementation of innovative activities in the development of innovative education, along with the creation of an innovative environment in the system of continuing education in the country.

ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ХИС-ТУЙГУЛАРНИНГ БИОЭНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ

Хайдарова М.

Низомий номли ТДПУ тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: кизиқиш, кувонч, ҳайратланиш, изтироб, ғазабланиш, нафратланиш, жирканиш, кўрқув, уялиш, виждон, ахлокий ҳиссиётлар, агрессив ҳиссиётлар, муҳаббат.

Ключевые слова: интерес, радость, восхищение, страдание, гнев, ненависть, отвращение, страх, стыд, совесть, моральные чувства, агрессивные эмоции, любовь.

Key words: interest, joy, admiration, anguish, anger, hatred, disgust, fear, shame, conscience, moral feelings, aggressive emotions, love.

«Хис-туйғулар – кишининг ўз ҳаётида нималар юз бераётганига, нималарни билиб олаётганига ёки нима билан машғул бўлаётганига нисбатан ўзича турли хил шаклда билдирадиган муносабатидир» деб таъриф берилган умумий психология дарслигида. Бирон-бир нарсани идрок этилаётган, тушуниб олинаётган, маълум ёки номаълум нарсаларга нисбатан шахсий муносабат билан биргаликда рўй беради. Ана шу ҳолларнинг барчасида хис-туйғуларнинг бошдан кечирилиши хусусида, кишининг алоҳида ҳиссий ҳолати хусусида гапирилади. Шу билан бирга хис-туйғуларнинг

кечиши ўз ривожланишига эга бўлган, жорий ва ўзгариб турадиган психик жараён-дир. Ҳис-туйғулар – шахснинг эмоционал соҳасини ташкил этадики, улар киши хулқ-атворини тартибга солиб туришда иштирок этади. Одамлар ўртасида мураккаб ва кўп қиррали муносабатлар ҳис-туйғулар иштирокида ташкил топади.

Ҳис-туйғулар – воқеликни акс эттиришнинг ўзига хос шаклларида биридир. Агар билиш жараёнида нарсалар ва воқеликдаги ҳодисалар акс этса, ҳис-туйғуларда эса субъектнинг ўзига хос эҳтиёжлари билан қўшилиб, ўзи

билиб олаётган ва ўзгартираётган нарсаларга ва воқелик ҳодисаларига нисбатан унинг муносабати акс этади. Барча психик жараёнлар каби

эмоционал ҳолатлар, ҳис-туйғунинг кечиши ҳам мия фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Албатта, уларнинг кечишида шартли ва шартсиз рефлекслар ҳам иштирок этади.

Ҳис-туйғу кечинмалари ҳар доим ҳам бир хил тусда бўлавермайди. Ҳиссий ҳолатда, иккита бир-бирига зид ҳис-туйғуларнинг ўзига хос бирикмасини мужассамлаштириш ҳам мумкин; масалан: ишқ-муҳаббат ва нафрат рашқ ҳиссини бир-бирига қўшилиб кетиши (ҳис-туйғуларнинг амбивалентлиги ҳодисаси).

Кишининг ҳис-туйғулари рўй беришига кўра мураккаб шартсиз рефлексларга боғлиқ бўлгани ҳолда ижтимоий ҳусусиятга эгадир. Ҳис-туйғулар – киши шахсининг анча ёрқин кўринишларидан бири бўлиб, у билиш жараёнлари ва хулқ-атвор ҳамда фаолиятни иродавий бошқариш билан биргаликда намоён бўлади.

Ҳис-туйғулар (тор маънода) киши шахсининг йўналтирилганлигида мужассамлашган барқарор эҳтиёжлари объектига нисбатан унинг муносабатини акс эттиради. Психологияда ҳис-туйғулар турларининг ягона таснифи йўқ. Кўпинча қуйидаги турлари алоҳида ажратиб кўрсатилади: маънавий (ахлокий), интеллектуал (ақлий) ва эстетик (нафосат) ҳис-туйғулари. Маънавий (ахлокий) ҳис-туйғуларга муҳаббат (кенг ва тор маънода), ҳамдардлик, инсонпарварлик, садоқат ва виждон киритилади.

Шу нарса эътиборга лойикки халқ табobati қадимги даврлардан бошлаб инсон саломатлигини сақлаш борасида тана соғлиги ва қалб поклигига алоҳида эътибор бериб келган. Замонавий психология ва тиббиёт ҳам соғлиқни сақлаш борасида энг муҳим муаммолардан бири ички уйғунликка эришиш эканлигини таъкидлайди. Агар инсон ўз этикодида, ишончига нисбатан нотўғри хатти-ҳаракат қилса, виждон азобига учрайди. Айни ана шу виждонни қийналиши қилинган хатони тузатишга ундайди. Бунда ҳатто инсон ўзини расман оқласа ҳам виждони қийналиши давом этаверади. Бунда ички сиқилиш, таранглик, бесарамжонлик, хотиржамликни йўқолиши юзага келади. Буни стресс ҳолати деб ҳам аташ мумкин.

Демак, «Виждон» бекорчи насиҳатгўйлар ўйлаб топган абстракт тушунча эмас. У ҳаракатланувчи психик омилдир. У ҳар доим кундалик кайфиятимизга ва шу орқали соғлиғимизга ўз таъсирини кўрсатади. Шундай қилиб, психик стресслар юзага келтирадиган касалликларни олдини олишда инсоннинг ички поклиги, виждон поклиги катта аҳамиятга эга. Чунки айнан инсон ҳалоллиги қудратли ва сеҳрли таъсир қуچига эга. Организмни ҳимояловчи ҳиссиётлар анланган ва анланмаган ҳолда амалга ошиб боради ва айнан шу ҳиссиётлар инсоннинг психик ҳолатини яхшилади.

Инсон эмоция механизмларини ўзининг олдинги аждодларидан мерос қилиб олган. Шунинг учун ҳам инсоннинг баъзи эмоциялари жониворларникига ўхшаш (ғазаб, очлик, чанқоқлик, қўрқув), лекин булар организм талабларини қондиришдаги энг оддий эмоциялардир. Онг ва юксак инсоний талаблар ривожланиши билан инсонда янада мураккаброк инсоний ҳиссиётлар ривожлана бошлади. Юқоридаги фикрлардан қуйидаги мантикий фикр вужудга келади. Эмоциялар ҳиссиётлардан

фарқли ўлароқ узоқ эволюцион давр мобайнида вужудга келган ва у фақат инсонга эмас, балки жониворларга ҳам хосдир. Улар физиологик талабларни қондиришга хизмат қилади. Ҳиссиётлар эса эмоциялар асосида идрок иштирокида фақатгина инсонга хос ижтимоий муносабатлар муҳитида ривожлангандир.

Инсон талабларининг эса кўпчилик қисми тарбия асосида шаклланади, улар жамият томонидан ривожлантирилиб борилади (масалан, гигиеник талаблар, маданий талаблар). Ушбу талаблар ҳиссиётларни ривожланишида бевосита иштирок этади. Кўпгина ҳиссиётлар ақлий фаолият билан шундай боғланганки, улар фаолиятсиз мавжуд ҳам бўла олмайди. Инсоннинг эмоционал ҳолатини ва ҳиссиётларини турли-туманлигини кўрсатишда ҳар қандай ҳисоб-китоб, мезонлар ва классификациялар ожиз эканини тан олиш лозим. Уларни қуёш нурларининг рангларига ўхшатиш мумкин. Яъни асосий ранглари аниқлаб олишгина мумкин бўлади ана шу асосий ранглardan эса беҳисоб равишда турли-туман ранглари комбинациясини олиш мумкин. Ҳис-ғуйғулар ҳам худди шундай хусусиятга эга, биз уларнинг фақат баъзи асосийларини гуруҳлашимиз мумкин ҳалос. Бизнинг бу гуруҳлашимиз албатта турли хил мезонлар асосида бўлиши ҳам мумкин.

Физиологлар ёқимли ҳиссиётлар кўпинча вегетатив асаб тизимининг парасимпатик бўлимини қўзғалиши билан, ёқимсизлари эса кўпинча симпатик бўлимини қўзғалиши билан боғлиқлигини аниқлади. Айтиш жоизки, ижобий эмоциялар ҳам, салбий эмоциялар ҳам инсонда фаолият истагини уйғотади, инсонни ҳаракатга келтиради. Ушбу эмоцияларнинг йўқолиши инсондаги фаолиятга бўлган эҳтиёжни йўқолишига олиб келиши, апатия ҳолатини келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бир тасаввур қилиб кўринг, агар инсон ҳаяжонланиш, муҳаббат, нафратланиш, шодланиш, хафа бўлиш кабилардан маҳрум бўлса, яхшилик ва ёмонликни ёлғиз совуқ идрок, ҳисоб-китоб йўли билан ажратиб, кибернетик ускуна сингари хатти-ҳаракат қилса, у қандай қўринишга эга бўлиб қолади?

Умуман биз уни тўлақонли шахс дея олармидик? Бу ҳолда инсон ўз қиёфасини, яъни инсонийлик хислатларини йўқотади. Бундан ташқари инсон ривожланиш, такомиллаштиш эҳтиёжини ҳамда қобилиятини йўқотиб қўяди.

Албатта, биз юқорида айтиб ўтганимиздек стресс ҳолатлар ҳам организмни фаолиятини фаоллаштиришга хизмат қилади ва бу тўғри, аммо бу ҳолатни маълум чегаралари ва даражалари мавжуд. Ана шу даража ва меъёрларидан четга чиқиш ҳиссий зўриқишни салбий натижаларга, касалликларга олиб келади. Демак, ажратувчи ҳиссиётлар ҳам ҳаётнинг бир қисми сифатида қабул қилиниши лозим, лекин уларни бошдан кечираётган инсон маълум ахлоқ меъёрларига амал қилиши ва маълум назоратни қўлдан бермаслиги шарт. Инсон бирор шахсдан нафратланар экан бу нафрат қуввати (агрессия) нафақат бутун борлиққа, балки ўзига ҳам қаратилган бўлади. Биз ўзимиз ана шу яхлит биологик ҳаётнинг бир қисми бўлганлигимиздан охир оқибатда ўзимизни ҳам ёмон кўра бошлаймиз. Чунки биологик сферага тарқалган агрессия (тажавузкорлик) биологик предметларни танламайди, у радиотўлқинлари сингари сферада ҳар томонга тарқала боради. Натижада, ўз агрессиямиз (тажавузкорлигимиз) маълум вақтдан сўнг ўзимизга қайтиб келади. Ер юзида ва умуман коинотда энергиялар алмашинуви маълум қонуниятлар орқали амалга оширилади ва ўзаро уйғунлик ҳосил қилади. Ана шу уйғун энергия сферасида яшаш учун инсон ҳам ўз фикрлари ва ўз ҳис-ғуйғуларида уйғунликка эришиши лозим, акс ҳолда инсон ана шу уйғун борлиқ энергетикасига ҳамоҳанг ҳолда ҳаёт кечира олмайди. Бу ҳамоҳангликни бузилиши албатта энергия алмашинувини бузилишига олиб келади. Резонанс ҳолати, яъни бири-бирига мос тушиш ҳолати кучни икки баробар эмас, балки бир неча ўн баробар оши-

шига олиб келишини сиз яхши биласиз. Демак, инсон энергетикасининг тўлқинлари борлиқ энергетикасининг тўлқинларига мос тушган ҳолда унинг биоэнергетик майдонининг қуввати бир неча ўн баробар ошиб боради. Мустақкам иммунитетга эга инсон мустақкам соғлиқ эгаси эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Адабиётлар:

1. Sh.M.Mirziyoyev “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi (keyingi o‘rinlarda — Konsepsiya)” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 08.10.2019 yildagi PF-5847-sonli qarori.
2. Абу Али ибн Сино. Саломатлик сирлари: Тиббий рисоалар тўплами. - Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси наشريёти. 2000. – 156 б. Абдуллаев С.С. Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва ислом.
3. Фалсафа фанлари номзоди илмий даража. олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. – Т. :2002. – 26 б.
4. Абу Али ибн Синонинг моғликини сақлашга доир рисоалари. /таржимон У.И.Каримов. –Т.: Фан .1978 . – 132 б.
5. Бойдедаев А. Табиат кучлари ва олам эволюцияси. –Т.:1996. -105 б.
6. Гапиров Б.Т. Талабаларда ахлоқий ўз-ўзини англашнинг ўқув жараёнидаги динамик тараққиёти. Психол.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 1993. –133 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг хис-туйғуларини биоэнергетик таҳлили ҳақида фикр билдирилди.

РЕЗЮМЕ

В статье высказано мнение о биоэнергетической оценке ощущений студентов медицинских вузов.

SUMMARY

The article expressed the opinion about the bioenergetic assessment of the feelings of students of medical higher education institutions.

BO‘LAJAK LOGOPEDLARNING KASBIY FAOLIYATIGA QO‘YILUVCHI TALABLAR

Sayfullayeva I.Q.

ChDPU o‘qituvchisi

Tayanch so‘zlar: bo‘ljak logoped, kasbiy kompetensiya, tamoyillar, shaxsiy sifatlar, kasbiy sifatlar, integral, malaka talablari.

Ключевые слова: будущий логопед, профессиональная компетентность, принципы, личностные качества, профессиональные качества, интеграл, квалификационные требования.

Key words: future speech therapist, professional competence, principles, personal qualities, professional qualities, integral, qualification requirements.

Jahon talabiga mos, zamonaviy bilimlarga ega, har tomonlama mustaqil fikrlaydigan, kelajakka ishonch bilan qaraydigan mutaxassislarni tarbiyalash, g‘amxo‘rlik qilish mamlakatimiz siyosatining bugungi kundagi ustuvor yo‘nalishlaridan biridir. Davlatimiz tomonidan hayotga tatbiq etilayotgan demokratik g‘oyalarga va bozor islohatlari talabiga javob beradigan mutaxassislarga ta’lim va tarbiya berish, ularni zamon talabiga mos qilib tayyorlash tizimi tubdan isloh qilindi. Bunda davlatimiz rahbari va mutasaddi vazirliklar tomonidan yaratilayotgan qonunchilik bazasi mazkur tizimning mustahkam huquqiy asosi bo‘lib xizmat qilib kelmoqda. Ta’lim jarayonini isloh qilish va mehnat bozori talab qiladigan yuqori malakali kadrlarni tayyorlashda oliy ta’lim muassasalari muhim o‘rin egallaydi. Defektologik ta’lim yo‘nalishi, oliy Pedagogika ta’lim sohasi bo‘lib, alohida yordamga muhtoj bolalar bilan ta’limiy-tarbiyaviy, logopedik-korreksion ish uchun pedagog kadrlarni tayyorlash Nizomiy nomidagi TDPU, Toshkent viloyati ChDPI, QDPI, JDPI,

NukusDPI, NamD larida amalga oshirilib kelmoqda. Maxsus maktab va maktabgacha ta'lim muassasalaridagi ta'lim sifati va alohida yordamga muhtoj, rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolalarning ijtimoiy moslashuvi masalalari har tomonlama bo'lajak logoped yo'nalishi bitiruvchilarining bilim va saviyasiga har tomonlama bog'liq. Bu bo'lajak logoped mutaxassislar tayyorlashning innovatsion, kreativ, yangi, ilmiy jihatdan asoslangan metod va texnologiyalarni tatbiq etishning samaradorligini oshirish lozimligini ko'rsatdi. Bo'lajak logopedlarni kasbiy tayyorlash sohasini yangi innovatsion metodlar, g'oya va konsepsiyalar asosida takomillashtirishga ehtiyoj mavjud. Ushbu ehtiyojni amaliy jihatdan qondirish yo'llarini tadqiq qilish va amaliyotga joriy etish masalasi milliy maxsus pedagogikaning dolzarb mavzusiga aylangan. Rivojlanishida nuqsoni bo'lgan, alohida yordamga muhtoj bolalarga ta'lim va tarbiya berish, ularni ijtimoiy hayotga moslashtirish jahon andozasi darajasiga ko'tarish bo'lajak mutaxassisdan yuqori amaliy bilim va malakani talab qiladi.

Bugungi zamonaviy korreksion ta'lim amaliyotida, oliy ta'lim tizimiga har tomonlama yetuk, kasbiy, innovatsion va ijodkor kompetentli logopedlarni ta'lim mazmuniga Jahon standartlari asosida takomillashtirish lozim. talab etadi. Har qanday ijodiy fikrga ega, o'z kasbini fidoyisi, innovatsion tafakkurga ega logopedlar ta'lim jarayonini, yangi manbalar va mazmun bilan boyitadi, ta'lim sifatini yuqori bosqichga ko'tarishning muhim omili bo'lib xizmat qiladi.

Kasbiy kompetentli logopedlar o'z pedagogik faoliyatini bola shaxsiga yo'naltirgan holda tashkil etadi. Ta'lim va tarbiya olayotgan bolalarga o'zgarib borayotgan axborotlar asrida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan turli muammoli vaziyatlarda o'zlashtirgan bilim, malaka, ko'nikmalarini qo'llashga o'rgatadi. Bundan tashqari, imkoniyati cheklangan bolalarda, mustaqil qaror qabul qilish, o'z qobiliyatlarini yuzaga chiqarish ko'nikmalarini shakllantiradi. Sanab o'tilgan kasbiy faoliyatga doir harakatlar tizimi oliy ta'limning nazariy va amaliy mashg'ulotlarida, pedagogik va malakaviy amaliyot jarayonlarida talabalarda izchil shakllanib boradi.

Biz talabalarining kasbiy kompetensiyasini o'rganishdan oldin, maxsus pedagogika(Logopediya) ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavrlarning malaka talablarini o'rganib chiqdik. Malaka talablari har bir Oliy ta'lim muassasalari tomonidan ishlab chiqiladigan me'yoriy-uslubiy hujjat bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan tasdiqlanadi. Malaka talablari mundarija, 3 bob va bibliografik ma'lumotlardan iborat. Malaka talablaridan oliy ta'lim muassasalarining mazkur ta'lim yo'nalishida faoliyat olib boruvchi professor-o'qituvchilar; ushbu ta'lim yo'nalishining ta'lim dasturlarini o'zlashtirish, fan va ishchi dasturlarni ishlab chiquvchi, o'quv- tarbiya faoliyatini samarali tashkil qilish uchun mas'ul bo'lgan barcha pedagogik xodimlar va talabalar; bo'lajak mutaxassislarni tayyorgarlik darajasi uchun, o'zining vakolat doirasida javob beradigan oliy ta'lim muassasalarining boshqaruv xodimlari bo'lgan, rektor, prorektorlar, o'quv bo'lim boshlig'i, dekanlar va kafedra mudirlari; logopedlarni tayyorgarlik darajasini baholovchi Davlat attestatsiya komissiya a'zolari; OTM ni moliyalashtirishni ta'minlovchi vakolatli organ vakillari; ta'lim sifatini nazorat qiluvchi Davlat organlari; ushbu ta'lim yo'nalishini ixtiyoriy tanlash huquqiga ega bo'lgan maktab bitiruvchilari va abituriyentlar va boshqa manfaatdor shaxslar asosiy foydalanuvchilari hisoblanadi.

Bo'lajak logopedlarning kasbiy kompetensiyalariga qo'yiladigan talablar:

Umumiy kompetensiyalar: -dunyoqarash bilan bog'liq tizimli bilimlarga ega bo'lishi, gumanitar va ijtimoiy-iqtisodiy fanlar asoslarini, joriy davlat siyosatining dolzarb masalalarini bilishi, ijtimoiy muammolar va jarayonlarni mustaqil tahlil qila olishi;

- Vatan tarixini bilishi, ma'naviy milliy va umuminsoniy qadriyatlar masalalari yuzasidan o'z fikrini bayon qila olishi va ilmiy asoslay bilishi, milliy tarbiya mezonlariga asoslangan faol hayotiy nuqtai nazarga ega bo'lishi;
- tabiat va jamiyatda kechayotgan jarayon va hodisalar haqida yaxlit tasavvurga ega bo'lishi, tabiat va jamiyat rivojlanishi haqidagi bilimlarni egallashi hamda ulardan zamonaviy ilmiy asoslarda hayotda va o'z kasb faoliyatida foydalanish;
- insonning boshqa insonga, jamiyatga va atrof muhitga munosabatini belgilovchi huquqiy hamda ma'naviy mezonlarni bilishi, kasb faoliyatida ularni hisobga olib bilishi;
- axborot yig'ish, saqlash, qayta ishlash va ulardan foydalanish usullarini egallagan bo'lishi, o'z kasb faoliyatida mustaqil asoslangan qarorlar qabul qila olishi;
- tegishli bakalavriat yo'nalishi bo'yicha raqobotbardosh umumkasbiy tayyorgarlikka ega bo'lishi;
- yangi bilimlarni mustaqil egallay bilishi, o'z ustida ishlashi va mehnat faoliyatini ilmiy asosda tashkil qila olishi;
- sog'lom turmush tarzi va unga amal qilish zaruriyati to'g'risida ilmiy tasavvur hamda e'tiqodga, o'zini jismoniy chiniqtirish uquv va ko'nikmalariga ega bo'lishi lozim.

Kasbiy kompetensiyalar: - inklyuziv va korreksion ta'lim mazmunini belgilash tamoyillari va mezonlariga rioya etish, o'quv materiallarini tanlash va tizimlashtirishga doir zamonaviy yondashuvlarni hisobga olish, o'quv materiallarini modellashtirish;

- inklyuziv va korreksion ta'limning umumiy va xususiy tamoyillarini hisobga olish; inklyuziv va korreksion ta'lim sharoitida o'quvchilarning o'zlashtirish xususiyatlarini inobatga olgan holda o'qitishning varativ shakllarini tayyorlash, qo'llash;
- alternativ yondashuvlar va resurslarni jamlash, amaliyotda manzilli qo'llash;
- inklyuziv va korreksion ta'limda o'qitiladigan o'quv fanlari samaradorligini baholash mezonlarini bilish va ular asosida dars hamda mashg'ulotlar xaritalarini loyihalashtirish;
- inklyuziv va korreksion ta'lim-tarbiya jarayoni tarkibiy qismlari (maqsad, natija, mazmun, shakl, metod va vosita)ning o'zaro aloqadorligi va umumiyligini hisobga olish;
- inklyuziv va korreksion ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etishning asosiy va yordamchi shakllaridan unumli foydalanish;
- o'quvchilarning bo'sh vaqtini samarali tashkil etish va o'tkazish; o'quvchilarda mavjud muammolarni bartaraf etishning maqbul usullarini tanlash va qo'llash;
- inklyuziv va korreksion ta'lim-tarbiyaning xilma-xil metodlarini, zamonaviy pedagogik texnologiyalarni tanlay olish, ijodiy yondashuv asosida metod va texnologiyalarning o'quvchilar imkoniyatlariga mosligini ta'minlash;
- zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalardan foydalanib, innovatsion o'quv muhitini yaratgan holda dars mashg'ulotlarni o'tkazish;
- o'qitilayotgan fanlar bo'yicha o'quv mashg'ulotlarini o'tkazish uchun zarur bo'lgan o'quv-metodik hujjatlarni tuzishi, tayyorlash va rasmiylashtirish;
- o'qitilayotgan fan bo'yicha o'quv mashg'ulotlarini o'tkazish uchun o'qitishning didaktik vositalaridan foydalanish;
- mustaqil ta'lim va ilmiy-ijodiy qidiruv ishlari natijasida o'qitilayotgan fan bo'yicha pedagogik faoliyatni muntazam takomillashtirib borish;
- maxsus pedagogika tarixi, ta'limoti, yirik namoyandalari, fan sohasi sifatida

shakllanishi, ushbu sohadagi turli maktablar, olimlarning konsepsiya va ilmiy yondashuvlarini bilish;

- oligofrenopedagogika, surdopedagogika, logopediya, tiflopedagogika tarixi, nazariyasiga oid bilimlarni egallash, sohaning dolzarb masalalarini ilg'ay olish va o'quvchilarga yetkaza olish;
- klassik va innovatsion metodlar va ta'lim texnologiyalarini ixtisoslikka mos fanlarni o'qitishga adaptivlashtirgan holda qo'llay olishi, ilmiy, ommabop axborotlarni tahlil qilish, umumlashtirish va shu asosda xulosa chiqara olish;
- o'qitishning ilmiy asoslarini tahlil qilib borishi, ilmiy-metodik kontekstlarda inklyuziv va korreksion ta'lim o'rni belgilay olishi va uning ilmiy muammolari bo'yicha konferensiya, seminarlarda ma'ruzalar o'qish, differensial ta'limni yo'lga qo'ya olishi, o'quv jarayoni bilan bog'liq barcha hujjatlarni yuritish olish.

Oliy ta'lim muassasasida bo'lajak mutaxassislarni tayyorlashda bevosita o'quv ishlarini samarali tashkil qilish ham katta ahamiyatga ega. Ta'limning samaradorligi esa, bevosita talabalarning ruhiyati, dunyoqarashi, his-tuyg'ulari, qiziqishlari va bilim olishga bo'lgan intilishlaridan kelib chiqqan holda o'z faoliyatlarini anglab yetishiga bog'liq. Bo'lajak logoped bilim olishga bo'lgan harakatini faollashtirish, maqsadga muvofiqlik, ijodiylik, faollik, kuzatuvchanlik, individual-shaxsiy qobiliyatlarni hisobga olish kabi tamoyillarga asoslanadi.

Oliy ta'lim muassasasining bo'lajak logopedlariga qo'yiladigan talablar ro'yxatiga, birinchi navbatda, uning funksional va shaxsiy xislarini belgilab beradigan quyidagi sifatlar kiradi: yuqori kasbiy mahorat va bilimdonlik; fundamental nazariy va amaliy tayyorgarlik; qayta kasbiy tayyorgarlik va malaka oshirishga tayyorlik bilan bog'liq yuqori moslashuvchanlik, muloqotga kirishish qobiliyati, ya'ni kommunikativlik; ijodiy fikrlashga tayyorlik, ongli kasbiy ijodiylik, iqtisodiy va tadbirkorlik ongga ega bo'lishlik; o'z kasbini shaxsiy ijodiy vositalar bilan boyita olish. San'at ya'ni art vositalaridan oqilona qo'llay olishi; art texnologiyalarni yaxshi bilish orqali bolalarni nuqsonlarini korreksiyalay olishi kabi ahloqiy tarbiya va shaxsiy sifatlarni tarbiyalashga qodirlik.

Bugungi kunda zamonaviy inklyuziv ta'lim rivojlanayotgan davrda, har bir logoped kasbiy kompetentlikni egallashi kerak.



Biz tadqiqot davomida bo'lajak logopedlarning kasbiy kompetentligi asosini tashkil etuvchi shaxsiy va kasbiy sifatlarni aniqlab oldik. (2 rasm)

Oliy ta'limning zamonaviy bitiruvchisi turdosh mutaxassislik bo'yicha ham ishini bajara olishi, yangi texnologiyalarni oson o'zlashtira olishi va o'z amaliyotida qo'llay olishi hamda taqozo etilganda, malakasini qayta oshirish kerak. Bo'lajak mutaxassis oldiga qo'yilayotgan talablar majmuasida, axborotlarni va yangi bilimlarni mustaqil o'zlashtira olish ko'nikmasi katta o'rin egallab bormoqda. O'z kasbiy faoliyati uchun zarur bo'lgan axborot manbalarini izlash va ularni tahlil qila olishi,

olingan ma'lumotlarni amaliyotda qo'llash, natijasini jamoadoshlariga taqdim eta olishni, talabalarga o'quv faoliyat davomida o'rgatib borish lozim. Bu esa raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash ularni yangi texnologiyalarini qo'llashning usul, metod va vositalari bilan qurollantirishdan iborat. Biz bo'lajak logopedlar oldiga alohida yordamga muhtoj bo'lgan bolalar ta'lim va tarbiyasini yangi mazmun, usullarini yaratish, yangi art korreksion-rivojlantiruvchi texnologiyalarni ishlab chiqish, nogironlikni erta aniqlash va uni oldini olish, to'g'ri tashxis qo'yish, aniqlangan nuqson turiga qarab bunday bolalarni art texnologiyalar yordamida maktab ta'limiga tayyorlash, so'ng maxsus yoki ommaviy maktablarning inklyuziv sinflariga jalb qilish va ta'lim olishini ta'minlash, ularni ijtimoiy hayotga moslashuvini ta'minlashda teng huquqlilik muhitini yaratish, ularni ijtimoiy jihatdan qo'llab-quvvatlashning samaradorligini oshirish kabi vazifalarni o'z oldiga qo'yadi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib biz quyidagi xulosalarga keldik:

1. Bo'lajak logoped mutaxassislarga qo'yiluvchi malaka talablari o'rganildi, tahlil qilindi hamda talaba egallashi lozim bo'lgan kompetensiyalar ajratib ko'rsatildi.
2. Bo'lajak logopedlar egallashi lozim bo'lgan shaxsiy va kasbiy sifatlar yoritilib chiqildi.
3. Bo'lajak logopedlar oldiga qo'yiladigan vazifalar modeli ishlab chiqildi.

Adabiyotlar:

1. Sayfullayeva, I. Q. (2021). Bo'lajak logopedlarda artterapiyani qo'llashning nazariy asoslari. Academic research in educational sciences, 2(3).
2. Ismigul, S. (2022, May). Professional competences of future logopeds-scientific and theoretical bases of study. In International Conference on Problems of Improving Education and Science (Vol. 1, No. 02).
3. Кодирова Ф.У. и Сайфуллаева И.К. (2022). Методический кластер как эффективный фактор искусственных технологий в развитии инклюзивного образования. Web of Scientist: Международный журнал научных исследований, 3 (4), 683–688.
4. Ismigul, S. (2022, May). Professional competences of future logopeds-scientific and theoretical bases of study. In International Conference on Problems of Improving Education and Science (Vol. 1, No. 02).

РЕЗЮМЕ


Ushbu maqolada bo'lajak logopedlarni kasbiy faoliyatiga qo'yiluvchi talablar, kasbiy tamoyillar, kasbiy kompetentligi asosini tashkil etuvchi shaxsiy va kasbiy sifatlar haqida so'z boradi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится о требованиях к профессиональной деятельности будущих логопедов, профессиональных принципах, личностных и профессиональных качествах, составляющих основу профессиональной компетентности.

SUMMARY

This article talks about the requirements for the professional activities of future speech therapists, professional principles, personal and professional qualities that form the basis of professional competence.



2-rasm. Bo'lajak logopedlarning kasbiy kompetentligini tashkil etuvchi sifatlar

BO'LAJAK TEXNOLOGIK TA'LIM O'QITUVCHILARINI MAXSUS KOMPETENSIYA KOMPONENTLARINI SHAKLLANTIRISH METODIKASI

Xojikarimova G.T.

Farg'ona davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi

Tayanch so'zlar: pedagog, kompetensiya, kompetentlik, bilim, ko'nikma, malaka, qobiliyat, integratsiya, modernizatsiya, psixologik-pedagogik, mexanizm, kommunikativ, o'quv reja, o'quv dastur.

Ключевые слова: педагог, компетенция, компетенция, знание, навык, компетенция, способность, интеграция, модернизация, психолого-педагогический, механизм, коммуникативный, учебная программа.

Key words: teacher, competence, competence, knowledge, skill, competence, ability, integration, modernization, psychological and pedagogical, mechanism, communicative, curriculum, curriculum.

O'zbekiston Respublikasida talim sohasining rivojlanishida o'quv jarayoni transformatsiya qilish bilan bog'liq muhim o'zgarishlar ilgari surilmoqda, lekin qaysi bir islohot o'tkazilmasin, uning natijaviyligi o'qituvchiga borib taqaladi. Ayniqsa, pedagog amaliyotda joriy etilayotgan yangiliklar, o'zgarishlar va qoidalarni amalga oshiruvchi asosiy shaxs hisoblanadi. Amaliyotdagi turli innovatsiyalarini muvaffaqiyatli olib borishda, yangicha sharoitda amalga oshirish uchun, pedagog o'z oldiga qo'yilgan vazifani yuqori mahsus kompetensiyaviy darajalarni egallashi zarur.

Bizning tadqiqotlarimiz bo'lajak texnologiy ta'lim o'qituvchisining mahsus kompetentligini rivojlantirish, ularning kasbiy tayyorgarlik jarayonlariga qaratilganligi bois kompetensiya va kompetentlik tushunchalariga e'tibor qaratishimizni talab etadi.

Kompetensiya shaxsning sub'ektiv faoliyati tarkibi-dagi to'rt jihatning biri hisoblanib, E.F.Zeer ta'kidlaganidek, kasbiy kompetensiya o'z kasbiga oid bilimlar, mahorat hamda kasbiy faoliyatni amalga oshirish usullari yig'indisidir.

Tadqiqotchi B.Nazarova o'zining ilmiy ishida pedagogning kasbiy tarbiyalanganlik kompetentligini tadqiq qilishda bir qator ilmiy asarlar asosida uning quyidagi turlari farq qilinishini ta'kidlaydi:

- maxsus tarbiyalanganlik kompetentligi – kasbiy faoliyatini etarlicha yuqori darajada egallaganlik, o'zining kelgusi kasbiy rivojlanishini loyihalash qobiliyati;
- ijtimoiy tarbiyalanganlik kompetentligi – birgalikdagi (guruhli, kooperativ) kasbiy faoliyatni, hamkorlikni va, shuning-dek, mazkur kasbda qabul qilingan kasbiy muloqot uslublari egallaganlik, o'z kasbiy mehnati natijalari uchun ijtimoiy mas'ullik;
- autokompetentlik – o'zining ijtimoiy-kasbiy xarakteristikallari haqida adekvat tasavvur va kasbiy destruktiviyalarni engib o'tish texnologiyalarini egallaganlik;
- ekstremal kasbiy kompetentlik – to'satdan murakkablashgan sharoitlarda, halokatlarda, texnologik jarayonlar buzilganida va h.k.larda ishlash qobiliyati.

Kasbiy tarbiyalanganlik kompetentligining ko'rsatib o'tilgan turlari bunday xilma-xilligiga qaramasdan, mualliflardan hech biri ularni tasniflash mumkin bo'ladigan umumlashtiruvchi mezon asosini keltirmaydi. Jumladan, ijtimoiy tarbiyalanganlik va ekstremal kompetentliklar tavsiflash uchun turli asoslar-ga ega, demak, strukturasi, mazmuni va tarbiyalash sharoitlari bo'yicha farq qiladi. Ravshanki, mazkur muammo hozirgi zamon pedagog va psixologlari ishlarida hali o'z echimini topadi[2]

Professor N.Muslimov kasbiy kompetentlik mutaxassis tomonidan kasbiy faoliyatni

amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarning egallanishi va ularni amalda yuqori darajada qo'llay olinishini nazarda tutadi va kasbiy kompetentlik negizida aks etuvchi sifatlarining mohiyati yoritib berilgan.[3]

Kasbiy kompetentlikni shakllantirish yuzasidan tahlil ishla-rini olib borish natijasida ilmiy adabiyotlarda kompetentlikning quyidagi turlarga bo'linishi va ular ustida ish olib borgan olimlar aniqlandi:

- kommunikativ kompetentlik (S.L.Bratchenko, Yu.I.Emelyanov, A.P.Panfilova, O.P.Sannikova, G.S.Trofimova, V.D.Shirshov);
- bilim olish kompetentligi (S.G.Vorovnikov, D.V.Tatyanchenko);
- intellektual kompetentlik (E.G.Gelfman, M.A.Xolodnaya);
- intellektual-korporativ kompetentlik (A.Arinishkina);
- axborot olish kompetentligi (A.M.Orobinskiy, O.G.Smolya-ninova);
- texnologik kompetentlik (N.N.Manko);
- madaniy kompetentlik (M.V.Bulo'gina, O.A.Lukina, N.V.Po-mortseva, A.N.Fedorova);
- psixologik kompetentlik (A.D.Alferov, I.F.Demidova, V.N.Drujinin, N.V.Yakovleva);
- psixologik-pedagogik kompetentlik (M.I.Lukyanova, E.V.Po-pova);
- kasbiy kompetentlik (A.K.Markova, V.A.Yakunin);
- ijtimoiy-psixologik kompetentlik (A.G.Kudryavtseva, L.I.Be-restova);
- umummadaniy kompetentlik (N.Yu.Konasova, O.E.Lebedev, A.A.Petrov).

Bo'lajak o'qituvchi shaxsining ijtimoiy faolligida u tomondan egallayotgan pedagogik-psixologik bilimlar, pedagogik va malakaviy amaliyotlari alohida o'rin tutadi. O'qituvchi shaxsi komponentlari sifatida quyidagilarni o'zlashtirishi mumkin: shaxsning pedagogik faoliyatga yo'naltirilganligi (pedagogik faoliyat bilan bog'liq bo'lgan qiziqishlar, mayillar, motivlar, sabablar va e'tiqod); umumiy va maxsus qobiliyatlari (pedagogik, tashkiliy, kommunikativ matematik, texnik va b.); rivojlangan pedagogik tafakkur; pedagogik artistizm. Chunki, talabani bo'lajak o'qituvchi sifatida pedagogik va psixologik omillar mohiyatini bilib va amalga tadbiq etib borishi ijtimoiy faollikning mazmun va mohiyatini yanada boyishiga olib keladi. [4]

Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining rivojlanadigan mahsus kompetentlikni oliy ta'lim tizimida qaralsa, u holda uning uchta asosi haqida gapirish mumkin:

1) Maqsad, mazmun, ob'ektiv va pedagog mehnati vositalarihaqida mahsus bilimlarni o'zlashtirish;

2) Pedagogik faoliyatining tayyorgarlik, bajaruvchanlik va yakuniy bosqichlarida mahsus ko'nikmalarga ega bo'lish;

3) Pedagogik faoliyatini amalga oshirish va kutilayotgan natijalarga erishishga imkon beradigan shaxsning o'ziga xos xususiyatlari va tavsifini egallash. Ushbu nuqtai nazarga ko'ra bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining mahsus kompetentligi quyidagi komponentlardan iborat bo'ladi 1-rasm:

Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining mahsus kompetentligi o'zida quyidagi mazmunni ifodalaydi:

Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining metodik kompetentligi o'zining mutaxassislik fanining o'quv dasturlari, o'qitish metodikasi, o'quv-uslubiy materiallari hamda elektron ta'lim resurslarini mustaqil ishlab chiqishi hamda ta'lim jarayoniga qo'llay olinishini nazarda tutadi tadqiqotchi olim Sh.S.Sharipova o'zining tadqiqot ishida metodik kompetentlikni quyidagicha ta'riflaydi:

Metodik kompetentlik – pedagogik jarayonni metodik jihatdan oqilona tashkil etish,



1 rasm Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining mahsus kompetentligi komponenti

ta'lim yoki tarbiyaviy faoliyat shakllarini to'g'ri belgilash, metod va vositalarni maqsadga muvofiq tanlay olish, metodlarni samarali qo'llay olish, vositalarni muvaffaqiyatli qo'llash[5] Oliy ta'limning axborot-resurs va zamonaviy o'quv adabiyotlari bilan ta'minotini yanada rivojlantirish; mazkur yo'nalishlarda ilg'or xorijiy tajribalarni o'rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois hozirgi davrda ta'lim samaradorligini oshirish, bo'lajak pedagoglarning

texnologik kompetentlik darajasini rivojlantirish, pedagog kadrlarni inavatsion faoliyatga yo'naltirish uchun avvalo, oliy ta'lim muassasalaridagi o'quv jarayoniga innavatsion ta'lim va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini tatbiq etish, ilg'or xorijiy tajribalarni o'zlashtirish maslalarida namoyon bo'ladi.

Texnologik kompetentlik – kasbiy-pedagogik bilim, ko'nikma va malakalarni boyitadigan ilg'or texnologiyalarni o'zlashtirish, zamonaviy vosita, texnika va texnologiyalardan foydalana olish.[6]

Ma'lumki, bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining kasbiy faoliyatida erkin va mustaqil amaliy faoliyatini ko'rsatishini uning ijtimoiy kompetentligida o'z aksini topadi. Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining **ijtimoiy kompetentligi** deganda ijtimoiy munosabatlarda faolligi tashqi muhit bilan munosabat o'rnatishida namoyon bo'ladi.

Zamonaviy ijodkor o'qituvchi pedagogik faoliyatining reprodutiv (esda qolgan narsani tasvirlamoq) usuli va ijodkorlikdan birini tanlashda nafaqat o'zligini, balki hayotiy maqsadlarini ham ro'yobga chiqaradi. U o'zini sifat jihatidan o'zgartiradi, psixologik to'siqlarni engadi, kasbiy ahamiyatli sifatlarini rivojlantirish imkoniyatlarini qidiradi, o'z pedagogik kontsepsiyasini ishlab chiqadi. Umuman olganda, o'qituvchining pedagogik faoliyati uchun, birinchidan, innovatsion yo'naltirilganlik, ikkinchidan, o'z ishiga ijodkorona yondoshuv, individuallik kabi xususiyatlari juda muhimdir. Bu xususiyatlar bo'lajak o'qituvchining konstruktiv kompetentligida namoyon bo'ladi.

Demak bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining **konstruktiv kompetentligi** o'qituvchining ijodiy hamda individual tarzda o'z-o'zini rivojlantirish kompetentligi deyishimiz mumkin.

Zamonaviy ta'lim sharoitida bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining muhim sifatlaridan birini belgilovchi kompetentlik bu uning operatsion-texnologik kompetentligidir.

Operatsion-texnologik kompetentlik – bu o'qitish jarayoniga texnologik yondashish asosida texnologik operatsilarni amalga oshirish kompetentligidir

Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining mutaxxassislik fanlarini o'qitishga yo'naltirilgan mashg'ulotlar jarayonini noan'anaviy shakllarini tashkil etish, ta'lim jarayonini mukammal andoza asosida loyihalashga erishish, mazkur loyihalardan oqilona

foydalana olish ko'nikmalariga ega bo'lishi o'qituvchining *loyihalash kompetentligi* hisoblanadi.

Loyihalash pedagogning kasbiy faoliyat turi sifatida ishlab chiqilgan muayyan o'qitish texnologiyasini, o'quv jarayoni doirasida joriy etiladigan pedagogik tizimni didaktik ifodalashni anglatadi.

Bugungi kunda yurtimizda ro'y berayotgan o'zgarishlar albatta ta'lim tizimini ham chetlab o'tmayapti so'ngi yillarda texnika va texnologiyalarni jadallik bilan rivojlanishi jamiyatga yangi raqamlashtirish degan jumla kirib kelishiga zamin bo'ldi. Ushbu so'z qo'llanilishiga ko'ra shu darajada keng ko'lamlilik va sarmahsullik darajasiga etdiki, endilikda u atama sifatida emas, mubolag'asiz ravishda o'zbek tilining umumiste'mol so'ziga aylandi. "Raqamli kompetentsiya" so'z birikmasi turli kasbiy yo'nalishlarda maxsus soha bilimlari bilan bog'liq holda raqamli jihozlarni qo'llash haqidagi bilim va malakalarni" anglatadi.

Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining raqamli kompetentligi uning pedagogik faolitini tashkil etish jarayonida raqamli texnologiyalardan samarali foydalana olish kompetentligidir.

O'qituvchi shaxsining ijtimoiy faolligi mamlakat hayotining barcha sohalarida to'laonli ishtirok etishi, jamiyatga ijobiy munosabatda bo'lishi va ijobiy ta'sir ko'rsatishida ko'rinadi [5]

O'zining pedagogik faoliyatiga tayyorgarlik ko'rayotgan bo'lajak texnologik ta'im o'qituvchisining maxsus kompetentligi riojlantirishni ijtimoiy masalalar bilan bog'lagan holda bir qancha omillar ta'sir qiladi jumladan, ta'limga innovatsion texnologiyalarning tatbiq etilishi, ta'lim mazmunining boyitilishi va takomillashtirish jarayoni, hamkorlikda ta'lim olish va o'quv jarayonini loyihalashtirish jarayonlari ta'sir etadi. Kompetentlikka ega faol o'qituvchini shakllanishining pedagogik omillarini atrofiga o'rganib, uni yaxlit tizim holida quyidagicha tavsiflash mumkin:

- Pedagogik va ijtimoiy qonuniyatlar uyg'unligi;
- kasbga to'g'ri yo'naltirish;
- ijtimoiy hayotga to'g'ri yo'naltirish
- kasb mas'uliyatini anglash
- kasbiy va ijtimoiy tashabbus;
- pedagogik va ijtimoiy hamkorlik;
- ilmiy-ijodiy izlanuvchanlik;
- kasbiy mahorat va pedagogik tajriba;
- pedagogik faoliyatda ijtimoiy-psixologik faollik
- kasbiy raqobatbardoshlik

Pedagogik kasbiy faoliyatni amalga oshirish, shaxsga ma'lum talablar qo'yadi: u kasbiy jihatdan barkamol, ijtimoiy moslashgan, faol va boshqa sifatlariga ega bo'lishi kerak. Shuningdek, o'qituvchi mumkin bo'lgan o'zgarishlarga tayyor bo'lishi va doimiy o'zgaruvchan sharoitlarda ishlay olishi kerak. Buni "mobillik" deb belgilash mumkin.

Pedagogik mobillik esa bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining kasbiy xususiyatlaridan kelib chiqib, shquv jarayonining boshqa ishtirokchilari bilan birgalikda pedagogik faoliyatini tashkil etishga yordam beradigan kasbiy, moslashuvchan, shaxsiy fazilatlarini o'z ichiga oladi, bunda uning ijodiy, innovatsion va madaniy qadriyat tomonlari nomoyon bo'ladi.

Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchisining innovatsion sharoitda tezda moslashuvchan, mobil pedagog singari, har kanday yangi sharoitga o'z o'rnini topishi, uchun va mehnatning o'zgaruvchan holatda muvaffaqiyatli va talabchan bo'lishi hachun har qanday o'zgarishga tayyor bo'lishi, yangi shartlarga tez va samarali moslasha olishi ko'nikmalaridir. Uning turli xil vaziyatlarga tayyor bo'lishi, vaziyatning mohiyatni va mazmunini anglab etishi, o'z nuqtai nazarini bemalol fikr yuritish olishi, o'z pozitsiyasiga ega ekanligi, gnostik qobiliyat mavjudligi ya'ni oldindan ko'ra bilish va shu masalalar bo'yicha darhol qarorlar qabul qila olish qobiliyatidir. Shuningdek darhol vaziyatni va o'z imkoniyatlarni baholash, ya'ni vaziyatni tushunib, ularga to'g'ri echim yo'llarini topib, vaziyatga o'z imkoniyatlardan kelib chiqib baholash berish, shu bilan birgalikda o'z imkoniyatlarga baho berishga qodir bo'lishi lozim. Shu munosabat bilan o'qituvchiga uning maxsus kompetentsiyasini rivojlantirishga yordam beradigan yangicha ta'lim dasturini ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega bo'lib, bu ta'lim sifatini yaxshilashga o'quv jarayonining barcha ishtirokchilari o'rtasida ijobiy munosabatlarning shakllanishiga olib keladi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi prezidenti SH.M.Mirziyoyevning 2022-yil 28-yanvaridagi "2022-2026- yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-sonli farmoni
2. Nazarova B.A. Pedagogika kollejlari bo'lg'usi o'qituvchilarining kasbiy layoqatini tarbiyalash: Dis. ... ped. fan. nom. – T.: 2009. – 170 b.
3. Muslimov N.A. Kasb-ta'limi tinglovchilarini kasbiy shakllantirishning nazariy-metodik asoslari. Diss. p.f.d. – T.:2007 – 275 b.
4. Axmedjanov M.M. Pedagogik mahorat. –T.: 2004.25 bet.
5. Jumaev A. Kadrlar tayyorlash milliy modeli asosida ijtimoiy faol shaxsni shakllantirish G'G' Uzluksiz ta'lim, №6,2006, 79-83 b..
6. Sharipova Sh.S., Innovatsion ta'lim muhitida rivojlantiruvchi treninglar orqali ixtisoslik fani o'qituvchisining kasbiy kompetentligini oshirish. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. Buxoro 2020-32b);
7. Sharipova Sh.S., Innovatsion ta'lim muhitida rivojlantiruvchi treninglar orqali ixtisoslik fani o'qituvchisining kasbiy kompetentligini oshirish. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. Buxoro 2020-32b);
8. Abdullaeva Q.M. Maxsus fanlarni o'qitishda bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy bilim va ko'nikmalarini shakllantirishning metodik asoslari: Dis. ... ped. fan.nom. -T.:

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada bo'lajak texnologik ta'lim fani o'qituvchilarini kasbiy pedagogik faoliyatini tubdan isloh qilish va kasbiy kompetentligini oshirish ularga qo'yilgan talablar xaqida tushuncha berilgan.Oliy ta'lim muassasalarida ularning kasbiy va shaxsiy kamolotini ta'minlash uchun zarur pedagogik shart-sharoitlarni yaratish, texnologik ta'limi o'qituvchilarini tayirlash mazmuni, psixologik-pedagogik sharoitlarini aniqlash hamda uning sifatini nazorat qilish va baholash mexanizmini ishlab chiqish orqali mutaxassis kompetentligini shakllantirishning asosiy maqsadini belgilaydi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье дается осмысление требований к коренной реформе профессионально-педагогической деятельности будущих педагогов технологического образования и повышению их профессиональной компетентности, определяется основная цель формирования компетентности специалиста путем создания условий, определяющих содержание, психолого-педагогических состояния педагогов технологического образования и разработка механизма контроля и оценки его качества.

SUMMARY

This article provides an understanding of the requirements for a radical reform of the professional and pedagogical activities of future teachers of technological education and an increase in their professional competence, determines the main goal of forming the competence of a specialist by creating conditions that determine the content, psychological and pedagogical state of teachers of technological education and developing a mechanism for monitoring and evaluating it quality.

PEDAGOGIK TA'LIM INNOVATSIYON KLASTERI TA'LIM MUASSASALARIDA YANGI RENESSANS BOSQICHINING SAMARASI SIFATIDA

Raxmonov A.R.

TVCHDPI "Umumiy pedagogika" kafedrasi katta o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: ta'lim klasteri, yangi O'zbekiston, ta'limda intensivlik, malaka, innovatsiya, metod, yangi Renessans bosqichi, pedagogik ta'lim, maktab laboratoriyasi.

Ключевые слова: образовательный кластер, новый Узбекистан, интенсивность в образовании, квалификация, инновации, метод, новый ренессансный этап, педагогическое образование, школьная лаборатория.

Key words: educational cluster, new Uzbekistan, intensity in education, qualification, innovation, method, New Renaissance stage, pedagogical education, school laboratory.

O'zbekistonda oliy ta'lim tizimini isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, zamonaviy bilim va yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish maqsadi va oliy ta'limni modernizatsiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda yagona tizim yaratish vazifalari belgilab olindi. Yangicha fikrlash asosida yoshlarni milliy qadriyatlarimizga va ananalarga sadoqatli ruxda ong-shurini o'stirish ham davlat va jamiyatning oldida ulug'vor vazifadir. Ayniqsa ta'limni zamonaviy shaklga keltirish barcha ta'lim muassasalari singari chirchiq davlat pedagogika universiteti ham oldiga ulkan pirovard maqsadni qo'ydi. Asosan universitet Respublika ta'lim tizimida pedagoglar assosatsiyasini yaratish va uning zahirida barcha ta'lim muassasalarni uzluksiz ta'lim bo'g'inida uzviy aloqani o'rantishni yagona yo'l sifatida ko'rsatib berdi. Ta'lim faoliyatida eng asosiy vazifa bo'lajak o'qituvchilarni o'z navbatida ishlash bilan bog'liq muammolarini muddatidan oldin yechim imkoniyatini barqaror amalga oshirdi. Mazkur masala O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 27 iyuldagi "Toshkent viloyati chirchiq davlat pedagogika institutini tashkil etish to'g'risidagi" PQ-3152 sonli qarorida muhim vazifalar quyidagicha belgilandi:

-Toshkent viloyatidagi maktabgacha, maktab va maktabdan tashqari ta'lim muassasalari uchun pedagog kadrlar tayyorlash, shuningdek, pedagogik kadrlar va soha mutaxassislarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish muassasalarining ilmiy-metodik bazalarini shakllantirishni muvofiqlashtirish va o'quv-metodik rahbarlikni amalga oshirish;

- pedagogika sohasidagi talab va ilg'or xorijiy tajriba, o'quv jarayoniga zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etishni hisobga olgan holda, ta'lim muassasalarida davlat ta'lim standartlari, o'quv reja va dasturlarni tizimli ravishda takomillashtirishni amalga oshirish;
- viloyatdagi pedagogika sohasida ilmiy-uslubiy ishlar, jumladan fundamental, amaliy va innovatsion ilmiy izlanishlar olib borishni muvofiqlashtirish;
- ta'lim muassasalari ilmiy-pedagogik salohiyatini oshirish, jumladan oliy malakali ilmiy va ilmiy-pedagogik kadrlarni maqsadli tayyorlash asosida, pedagogika sohasini rivojlantirishning strategik vazifalaridan kelib chiqqan holda, ta'lim muassasalari rahbar xodimlari va mutaxassislari malakasini sifatli oshirish va qayta tayyorlash bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirilishini ta'minlash zaruriyatidir. Jumladan muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev so'nggi yillarda ta'lim sohasini isloh qilishga, kadrlar tayyorlash sifatini tubdan takomillashtirishga, xususan, tizimga rivojlangan xorijiy mamlakatlar tajribasini tatbiq etishga jiddiy e'tibor qaratmoqda. Bu boradagi islohotlar 2017 yil 20 apreldagi "Oliy

ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi, 2017 yil 22 maydagi "Oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi, 2017 yil 8 avgustdagi "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida"gi, 2017 yil 30 sentyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim vazirligini tashkil etish to'g'risida"gi Prezident Qarorlarida o'z aksini topgan. E'tibor beradigan bo'lsak, mazkur qarorlarda uzluksiz ta'lim tizimining deyarli barcha turlari qamrab olinganligini ko'rishimiz mumkin. Toshkent viloyati ta'lim tizimida mavjud kamchiliklarni o'rganish va ularning tahlili shuni ko'rsatdiki, pedagogik ta'lim yo'nalishlarini muvofiqlashtirish, istiqbolni rejalashtirish, ta'lim bosqichlari o'rtasidagi aloqa va integratsiyaning sustligi, ta'lim subyektlari faoliyatidagi tarqoqlik hududda pedagog kadrlarga bo'lgan ehtiyojning qondirilmaligi va ta'lim sifatining pasayishini keltirib chiqargan. Yuqqoridgi holatlardan kelib chiqqan holda institut viloyat bo'yicha pedagogik ta'lim innovatsion klasterini yaratish bilan bog'liq yangi tizimni o'zining ustuvor strategik yo'nalishi sifatida muayyan ishlarni amalga oshirishni ustuvor vazifa etib belgiladi. Ushbu tizim sanoat sohalarida, qishloq xo'jaligining qator tarmoqlarida, hamda iqtisodiyotning ishlab chiqarish bo'g'inlarida samarali hisoblanib klaster usulini ta'lim tizimiga ham tatbiq etishni extiyoj sifatida ko'rsata oldi. Eng asosiysi, ishlab chiqarish sohalarida xomashyoni yetishtirish, qayta ishlash va tayyor mahsulotga aylantirish hamda uni realizatsiya qilish ketma-ketligi zanjiri mavjud bo'lsa, mazkur ketma-ketlik pedagogik ta'lim tizimida ham inson kapitali ko'rinishida amalga oshishi kuzatiladi. Bu esa kadrlar ishlab chiqarishda samarali bo'lgan klaster modelini ta'lim tizimiga joriy etish nazariy jihatdan mumkin ekanligini ko'rsatadi. Ya'ni o'quvchi, talaba, o'qituvchi va professor o'qituvchi harakatli o'zaro zanjir mexanizmini yaratadi. Institut asosiy ishlab chiqarish ob'ekti hisoblanib maktab ta'limi va maktabgacha ta'lim muassasalariga asosiy kontakti klasterlashtiradi. Toshkent viloyati xalq ta'limi boshqarmasi va universitet o'rtasida o'zaro mimorandum klasterini faoliyatini o'zaro ta'minlashga yordam beradi.

Har bir tuman va shaxar xalq ta'limi bo'limlari talim hamkorligiga asoslanib o'zaro yo'l xaritalari va shartnomalarni belgilashi maqsadga muvofiq hisoblanadi. O'z navbatdagi asosiy bo'g'in maktablar bilan bog'liq hisoblanib, ya'ni "Mahoratli, ilg'or, Tajribali, Mobil, interfaol, menejment, olimlar va shu singari maktablarni vujudga keltiradi. Bu kabi maktablar universitetning klasterini tashkiliy bosh mezon bo'lishi kerak. Yaxlit pedagogik tushunchalar sifatida klasterni tarkibiy faoliyatida professor-o'qituvchi, ilmiy tadqiqotchi, ilmiy ishni muammoli taxliliy imkoniyatini olib borishda bevosita maktab ta'limi asoslanadi. Universitet qoshida pedagogik ta'lim innovatsion klasterini boshqaruvi maktab laboratoriyasi(tajriba sinov) maydonchasida har qanday muammoni o'rganish va bu yuzasidan ilmiy maqolalar tayyorlash nafaqat professor-o'qituvchilar balki maktab o'qituvchilarini ham ilmiy ijodkorlikka o'rgatish zaruriyatini qanoatlantiradi. Klaster tizimidagi asosiy jarayon o'quvchi-talaba, talaba-maktab o'qituvchisi, maktab o'qituvchisi-professor o'qituvchi sifida o'zaro hamkorlikni qat'iy o'rnatadi. Yagona maqsad kasbiy komponentlikni vujudga keltirish hamda professyonallikni ta'minlashdir. O'quvchilarda bilimdonlikni barqarorlashtirish va ta'limga qiziqishni munosib jixatlarini, ya'ni metodik ta'minotni mustahkamlash lozim. Talimni yordamchi shaklini ham maktab ta'limida kuchaytirish zarur. Qo'shimcha darslarni faqat maktab o'qituvchilari emas balki oliygoxning yuqori 3-4-kurs talabalarini ham jalb qilish kerak. O'quvchi nazarida bir xillik darslarni talabalar ishtirokida o'zgartirib turish yangi bilimlarni olishga va zerikishlarni

oldini oladi. Metodikalar yangilanishi yuzaga keladi. Bu esa tajribali maktab o'qituvchisi va bilimdon talaba aloqalarini mustahkamlaydi sog'lom pedagoik iqlim asosida faoliyatni yangilashga eritiradi. Keyingi asosiy maslalardan biri bu- Renessans nima? Nega Uchinchi Renessans deyilmoqda? "Renessans" lug'aviy fransuzcha "qayta tug'ilish" degan ma'noni anglatadi. Atama sifatida uning mazmuni ancha keng: madaniyatda, ilm-fanda, san'atda, ta'lim-tarbiyada, umuman, jamiyat hayotida uzoq muddatli turg'unlikdan keyin qayta jonlanib, tez rivojlanishni, ijtimoiy ong va qadriyatlar tizimi yangi sifat bosqichiga chiqishini bildiradi. Ilk bor atama Yevropada o'rta asrlar mutaassibligidan keyin 15-16 asrlardagi rivojlanish davriga nisbatan qo'llanilgan. Renessans atalmish mazkur ijtimoiy hodisa o'zbek tiliga Uyg'onish davri deb o'girilgan. Avstriyalik atoqli sharqshunos Adam Mesning 1909-yilda "Musulmon Renessansi" nomli fundamental asari chop etilgan. Shundan buyon Renessans faqat Yevropaga oid hodisa emasligi, uni Sharq xalqlari yevropaliklarga nisbatan avvalroq boshdan kechirgani to'g'risidagi qarashlar va tadqiqotlar paydo bo'la boshladi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Yangi O'zbekistonni barpo etish g'oyasi va Uchinchi Renessans asosini yaratish borasidagi tashabbusi bugun reallikka ko'cha boshlagani, Yangi O'zbekiston va Uchinchi Renessans so'zlari hayotimizda o'zaro uyg'un va hamohang bo'lib yangrayotgani, xalqimizni ulug' maqsadlar sari ruhlantirayotgani ta'kidlanadi. Shu bilan birga, yurtimiz zamin tarixida ikkita buyuk Uyg'onish davriga beshik bo'lgani, dunyo ilm-fani rivojiga ulkan hissa qo'shgan ulug' mutafakkirlarni yetishtirib bergani mahorat bilan qalamga olingan. Ayniqsa, Uchinchi Renessansga qo'yilayotgan poydevor va yangi tamaddun asoslari aniq dalillar asosida ochib berilgan. Zotan, qaysi zamonda bo'lmasin, buyuk evrilishlar, o'zgarish va yangilanishlar, avvalo, xalqning qudrati, salohiyati va kuchiga tayanadi. Davlatimiz rahbari ta'kidlaganidek, O'zbekistonning ertangi kuniga ishonchni mustahkamlash, ajdodlarga munosib bo'lish uchun islohotlarni ilmdan boshlash kerak. Chunki ilmsiz hech bir sohada natija bo'lmaydi. Keyingi uch yilda bu boradagi muammolarni samarali hal etish, mamlakatimizda kadrlar tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha keng ko'lamli ishlarga yaxlit reja yaratildi. Shu maqsadda qator Farmon va qarorlar qabul qilinib, bu boradagi kompleks sa'y-harakatlar uchun puxta huquqiy zamin yaratildi. Maktabgacha ta'lim, umumiy ta'lim va oliy ta'lim tizimi mazmunan va sifat jihatidan yangilanib ta'lim klasterini barqaror faoliyati ijobiy amalga oshirishini kafolatlaydi.

Adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi (keyingi o'rinlarda — Konsepsiya)" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 08.10.2019 yildagi PF-5847-sonli qarori.
2. Sh.M.Mirziyoyev "Yangi O'zbekiston strategiyasi" toshkent-2021, 6.07.2021y 128b
3. G.I.Muxamedov "Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri: ehtiyoj, zarurat, natija" Xalq so'zi" gazetasi 2019 yil 15 fevral.
4. Raxmonov A.R Uzluksiz ta'lim tizimida milliy iftixor tuyg'usini shakllantirish ijtimoiy-pedagogik muammo sofatida. Uzluksiz ta'lim ilmiy-uslubiy jurnal//Toshkent sh Furqat ko'chasi 174-uy 2020 yil maxsus son.
5. Raxmonov A.R, Luxmanov D.B.Maktabda ta'limning ijtimoiy sheriklik modelini yaratishda klaster yondashuv. 244-249 VOLUME 1, ISSUE 4 December 2020

РЕЗЮМЕ

Mazkur maqolada oliy ta'lim tizimidagi yangi islohatlar va pedagogik ta'lim innovatsiyon klasterining yangi renessans bosqichida samarali kechayotgan jarayonlar to'g'risida fikr yuritildi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассмотрены новые реформы в системе высшего образования и процессы, эффективно протекающие на новом ренессансном этапе кластера педагогических образовательных инноваций.

SUMMARY

This article reflected the new reforms in the higher education system and the processes that are effective at the new renaissance stage of the innovation cluster of pedagogical education.

OLIY TA'LIM MUASSASALARI O'QITUVCHILARINING PEDAGOGIK TASAVVUR VA UNING FAZILATLARI

Abdujalilova Sh.A.

Chirchiq davlat pedagogika instituti, p.f.n. dotsent

Tayanch soʻzlar: oliy ta'lim, pedagogik tasavvur, nutq, kasbiy fazilat, psixologik va pedagogik bilim, isbotlash, ta'kidlash, o'rnatish, ob'ekt, fakt, samara, usul, kasbiy madaniyat.

Ключевые слова: высшее образование, педагогическое воображение, речь, профессиональные качества, психолого-педагогические знания, доказательство, выделение, установка, объект, факт, результат, метод, профессиональная культура.

Key words: higher education, pedagogical imagination, speech, professional qualities, psychological and pedagogical knowledge, proof, selection, installation, object, fact, result, method, professional culture.

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasida oliy ta'limni jahon ta'lim standartlari asosida rivojlantirish jarayoni kechdi. Bunda 2017 yili O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini rivojlantirish kontseptsiyasi" dasturulamali bo'lmoqda.

Kontseptsiyada oliy ta'lim o'qituvchilarini zamonaviy talablar asosida tayyorlash vazifasi ham qo'yilgan va shu sababli keyingi besh yil davomida oliy pedagogik ta'lim muassasalarda mazkur vazifani bajarishda alohida e'tibor qaratilmoqda.

O'qituvchining kasbiy muhim fazilatlariga psixologik va pedagogik bilim, fan sohasidagi professionallik, kuzatish, pedagogik tasvirlash, rivojlangan nutq va boshqalar kiradi.

Psixologik va pedagogik tadqiqotlar. Bu sizga o'quv va tarbiyaning maqsad va vazifalarini ilmiy nuqtai nazardan aniqlash va amalga oshirish, talaba va o'quv jamoasining shaxsiyatini rivojlantirish qonunlarini bilish va ishlatishga imkon beradi. Pedagogika va psixologiya asoslarini yaxshi biladigan o'qituvchi harakat, fakt, hodisani tahlil qilishga, pedagogik ta'sirning aniq choralari aniqlashga, o'quv ishlarining shakllari, usullari, vositalari va usullarini qo'llashga qodir. Ushbu yondashuv bilan o'qituvchi muvaffaqiyatga va kutilgan natijaga erishishga tayanishi mumkin.

Tajribali o'qituvchi yuqori darajadagi kuzatish bilan ajralib turadi. Bunday sifatga ega bo'lib, u o'quvchilarning xatti-harakati va faoliyatida batafsil ma'lumot beradi. Bunday o'qituvchilar uchun eng tipik-bu pedagogik kuzatuvlarning doimiyliigi va tizimliliigi, kichik va ahamiyatsiz belgilar bilan talabaning ichki dunyosining xususiyatlarini, uning tajribasi va kayfiyatini ko'rish qobiliyati. Kuzatish insonning individual xususiyatlarini, uning aqli, irodasi, xarakteri va boshqalarni ko'rish va tahlil qilishga yordam beradi. Diqqatli o'qituvchi tashqi ko'rinishlarda talabaning shaxsidagi barcha o'zgarishlarni, uning faoliyati va xatti-harakatlarining sabablari va sabablarini ko'rish va tushunish qobiliyati bilan ajralib turadi.

Kuzatish bilan chambarchas bog'liq holda pedagogik tasavvur va uning fazilatlarini:

- o'quvchining ichki dunyosini va ruhiy holatini aqliy tasavvur qilish qobiliyati;
- talabaning xulq-atvoriga va uning atrofdagi voqeelikka bo'lgan munosabatiga ta'sir qiluvchi omillarni taqdim etish qobiliyati;
- muayyan pedagogik vaziyatlarda zarur tadbirlarni va ularning harakatlarini taqdim etish va rejalashtirish qobiliyati.

Pedagogik tasavvur kenglik, mazmun va realizm bilan ajralib turadi. Biror kishining g'oyalari mubolag'a qilish yoki kamsitish ba'zan noto'g'ri xatti-harakatlarga va o'quvchilarning salbiy reaksiyasiga olib keladi.

Pedagogik vazifalarni tushunish, ularni muvaffaqiyatli hal qilish o'qituvchidan uning pedagogik mahoratining yuqori darajasini shakllantirishga yordam beradigan ma'lum fikrlash fazilatlarini talab qiladi. Bunday fazilatlar quyidagilar kiradi:

- o'quv materialini metodik jihatdan to'g'ri takrorlash, undagi asosiy qoidalarni ta'kidlash qobiliyati;
- taqdim etilgan nazariy qoidalarining to'g'riligi va asoslilikini isbotlash va isbotlash qobiliyati;
- o'rganilayotgan materialning kelajakdagi kasb amaliyoti bilan mantiqiy aloqasini o'rnatish qobiliyati;
- asosiy nazariy qoidalarining ma'nosini turli hodisalar va ob'ektiv haqiqat faktlarini tushuntirishga o'tkazish qobiliyati;
- o'z faoliyatini va o'quvchilarning faoliyatini tahlil qilish qobiliyati, ularning o'qishga bo'lgan munosabati;
- pedagogik ta'sirni loyihalashtirish, tegishli qarorlar qabul qilish va ularni amalga oshirishning samarali usullarini topish qobiliyati;
- talabalarning bilim faoliyati va bilimlariga ob'ektiv baho berish qobiliyati.

Fikrlash bilan birlikda - O'qituvchining kasbiy nutqi quyidagi xususiyatlar bilan tavsiflanadi: yuqori madaniyat, mazmun va uyg'unlik barcha turlarda; hissiy ifodali nutq vositalariga ega bo'lish (intonatsiya, temp, ekspressivlik, timbre, yuz ifodalari, imo-ishoralar) va boshqalar.

Ko'plab kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, o'qituvchining nutqining yuqori kasbiy madaniyati, uning ekspressivligi va mazmuni o'quv materialining mohiyatini yanada aniqroq ishonitirish, isbotlash, tushuntirishga yordam beradi, talabalarning ongi va hissiy-ixtiyoriy holatiga, o'quv muammolarini hal qilishga chuqurroq ta'sir qiladi. O'qituvchining his-tuyg'ulari va fikrlarini ifoda etishning tegishli shaklini topa olmasligi uning eng yaxshi niyatlari kerakli ta'sirga ega emasligiga olib keladi. Bundan tashqari, markalar, so'z boyligi va so'z birikmalarining kamligi bilan ajralib turadigan nutq nafaqat tegishli kommunikativ «to'siq» ni yaratadi, balki, qoida tariqasida, talabalarning o'rganilayotgan fanlarga bo'lgan munosabatiga salbiy ta'sir qiladi.

O'qituvchining teng darajada muhim sifati oqilona pedagogik talabdir. Bu, birinchi navbatda, o'qituvchiga o'quvchilarga va o'ziga nisbatan namoyon bo'ladi va shaxsiyatning psixologik xususiyati sifatida uning pedagogik mahoratining rivojlanish darajasining bevosita ifodasi sifatida namoyon bo'ladi. Pedagogik talabchanlikning bu ikkala tomoni ham tarbiyaviy ta'sirning muvaffaqiyatini ta'minlaydigan sifati shakllantirib, birlikda harakat qilishadi. Tadqiqot va amaliy tajriba shuni ko'rsatadiki, talab katta samaradorlikka erishadi:

- muayyan pedagogik vaziyatning tabiati hisobga olinsa;
- qachon u o'z biznesini va o'qituvchilarini chuqur bilishga asoslangan,
- agar u asosli bo'lsa, u shaxsiy manfaatlardan emas, balki pedagogik maqsadga muvofiqligi manfaatlardan kelib chiqadi;
- agar u doimiy bo'lsa va barcha talabalarga teng darajada qo'llanilsa;
- odamlar uchun kundalik g'amxo'rlik va ularning shaxsiy qadr-qimmatini hurmat qilish bilan birlashganda.

Pedagogik aloqaning muvaffaqiyati, albatta, o'qituvchining pedagogik taktikani kuzatish qobiliyati bilan bog'liq. Bu inson rivojlanishining eng murakkab «mexanizmi» - uning ichki dunyosiga tegishga imkon beradi. Lotin tilidan olingan «tact» so'zi tom ma'noda teginish, harakat, ta'sirni anglatadi. Uning muhim xususiyatlari quyidagilar bo'lishi mumkin:

- qo‘pollik va mayda tanlovsiz talab;
- muloqotning tabiiyligi va soddaligi, ammo tanishlik va tanishlikka yo‘l qo‘ymaydi;
- muloqotda halollik va qat‘iyatlilik, ammo o‘jarliksiz;
- talabalarga ehtiyotkorlik va yaxshi niyat, lekin buni ta‘kidlamasdan;
- o‘quvchilarga hazil va istehzo, lekin odamni masxara qilmasdan;
- pedagogik ta‘sir kategorik shaklda, ammo talabani shaxsini bostirish va kamsitmasdan;
- talabalarni bilim va tajribada ustunligini ta‘kidlamasdan o‘qitish va tarbiyalash va boshqalar.

Ilg‘or o‘qituvchilar faoliyatini tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, o‘qitish va tarbiyalashda yuqori, barqaror natijalarga erishishda pedagogik hamkorlikning turli usullari, usullari va vositalarini to‘g‘ri tanlash, shuningdek ularni mukammal qo‘llash muhim rol o‘ynaydi. Bir so‘z bilan aytganda, biz pedagogik texnologiyalardan mohirona foydalanish haqida gapiramiz. Eng umumiy shaklda u quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

- o‘quv mashg‘ulotlarini tashkil etish va o‘tkazish texnikasi va turli tadbirlar (individual va guruh);
- ovozni pedagogik jihatdan to‘g‘ri qo‘yish, ohang, uslub va nutq madaniyati, imo-ishoralari, yuz ifodalari va boshqalardan samarali foydalanish qobiliyati;
- odamlarni tinglash, o‘qituvchilarga ehtiyot bo‘lish, ularning so‘zlari, ishlari va harakatlariga samimiy qiziqish ko‘rsatish qobiliyati;
- «ta‘lim materiallari» ni o‘rganish va hisobga olishning «texnologiyasi» o‘quvchilarning shaxsiy fazilatlarini, o‘quv guruhlarining xususiyatlari);
- ta‘lim va tarbiyaning interfaol vositalaridan samarali foydalanish qobiliyati;
- talabalarning bilim faoliyati va ularning xatti-harakatlarini pedagogik hisobga olish va nazorat qilish qobiliyati.

O‘z mohiyatiga ko‘ra, pedagogik texnika pedagogik mahoratning ajralmas va asosiy elementidir. Bu nutq, pedagogik fikrlash, pedagogik xushmuomalalik va boshqa shaxsiy fazilatlarining rivojlanish darajasi bilan bevosita bog‘liq.

Pedagogik texnikaning vositalari va usullariga ega bo‘lish qobiliyati o‘qituvchiga estetik va uslubiy jihatdan tayyorlangan shaxs bo‘lishga, agar kerak bo‘lsa, paydo bo‘lgan pedagogik vaziyatlarda nostandart echimlarni topishga yordam beradi.

O‘qituvchining pedagogik aloqasining mukammallik darajasi ko‘p jihatdan pedagogik ta‘sir usullari va usullarini o‘zlashtirish darajasiga bog‘liq. Va bu erda ko‘pincha sub‘ektivlik va munosabatlarda tarfakashlik holatlari mavjud. Bundan tashqari, o‘qituvchi axloqiy sub‘ektivizm deb hisoblanmasligi mumkin, ammo shunga qaramay, uni talabalar bilan munosabatlarda namoyon qilishi va shu bilan jiddiy pedagogik xatolarga yo‘l qo‘yishi mumkin.

O‘qituvchining sub‘ektivligini asoslaydigan psixologik mexanizm-bu biror narsani idrok etish yoki tushunish uchun ba‘zan ongsiz tayyorlikni o‘rnatish. Bunday munosabat, ayniqsa, ijtimoiy idrok sharoitida, ya‘ni odamni pedagogik aloqa sharoitida odatiy bo‘lgan shaxs tomonidan idrok etish sharoitida o‘zini namoyon qiladi.

Ijbiy yoki salbiy munosabatlarni keltirib chiqaradigan stereotiplar pedagogik aloqada jiddiy kommunikativ noqulaylikka aylanadi.

Shunday qilib, agar biz pedagogik aloqa jarayon sifatida va o‘qituvchilar va o‘quvchilarning qarshi faolligi natijasida ishlashini hisobga olsak, pedagogik kasbni tanlagan kishi kelajakdagi muvaffaqiyatining eng muhim shartlarini yaxshi bilishi kerakligi aniq ifodalanadi.

Birinci shart - o'qituvchilar va talabalarning yagona o'quv guruhini tashkil etadigan yaxshi tashkil etilgan qo'shma faoliyati, bu erda talabalarning muvaffaqiyati o'qituvchining haqiqiy muvaffaqiyatiga olib keladi. Bunday holda, jamoaning ijtimoiy-psixologik hodisalari yuqori darajadagi rivojlanish guruhi sifatida yuzaga keladi.

Ikkinchi shart-ijtimoiy-psixologik, axloqiy, axloqiy va pedagogik bilim va ko'nikmalar tizimini o'zlashtirish zarur, ularsiz oliy o'quv yurtida aloqa jarayonini oqilona tashkil etish sezilarli darajada qiyinlashadi.

Adabiyotlar:

1. Avliyakov N.X., Musayeva N.N. Yangi pedagogik texnologiyalar. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. www. Ziyonet. uz .
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Т.: ТГПУ им. Низами, 2003.
3. Антонов А.В. Системный анализ. – М.2002.
4. Hasanboyev va boshq. Pedagogika fanidan izohli lug'at. 2008.
5. Abduljalilova Sh. "The Concept of Pedagogical Education in the Family in the Work of Abdurauif Fitrat". p-ISSN: 26153785 I Volume 5, Issue 1, Jan 2022.
6. Abduljalilova Sh. va boshq. "O'qituvchining shaxsiyati pedagogik aloqa samaradorligining omili sifatida"

РЕЗЮМЕ

Maqolada oliy ta'lim muassasalari o'qituvchilarining pedagogik tasavvur va uning fazilatlarini, kasbiy muhim fazilatlariga psixologik va pedagogik bilim, fan sohasidagi professionallik, kuzatish, pedagogik tasvirlash, rivojlangan nutq va pedagogik kasbni tanlagan kishi kelajakdagi muvaffaqiyatining eng muhim shartlarini yaxshi bilishi kerakligi, ainiqligi ifodalangan.

РЕЗЮМЕ

В статье выражены педагогическое воображение и его качества, психолого-педагогические знания о профессионально важных качествах выпускников высших учебных заведений, профессионализм в предметной области, наблюдательность, педагогическая образованность, развитая речь и то, что человек, выбравший педагогическую профессию, должен хорошо знать важнейшие условия своего будущего успеха, быть точным.

SUMMARY

The article expresses pedagogical imagination and its qualities, psychological and pedagogical knowledge about professionally important qualities of graduates of higher educational institutions, professionalism in the subject area, observation, pedagogical education, developed speech and the fact that a person who has chosen a pedagogical profession should know well the most important conditions for his future success, be accurate.

НУТҚ НУҚСОНЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЛОГОПЕДИК МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ

Ачилова С.Ж.

*Чирчиқ давлат педагогика университети Махсус педагогика кафедраси
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), в.б.доцент*

Таянч сўзлар: коррекция, метод, тамойил, дислалия, дизартрия, алалия, афазия, дудукланиш нутк камчилиги, нуткнинг тўлиқ ривожланмаганлиги.

Ключевые слова: коррекция, метод, принцип, дислалия, дизартрия, алалия, афазия, заикание, дефицит речи, неполное развитие речи.

Key words: correction, method, principle, dyslalia, dysarthria, alalia, aphasia, stuttering, speech deficit, incomplete speech development.

Жаҳонда миқёсида БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенцияси, «Ноги-ронлар ҳуқуқлари ҳақида»ги Декларациялари ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳаётга эрта уйғунлашуви муаммосини ҳал қилиш, замонавий махсус таълимни

мазмунини янгилаш, инновацион ғояларнинг татбиқ этилишига асос бўлмоқда. Юнесконинг таълимга оид лойиҳалари мазмунида болаларни эрта сифатли таълим билан қамраб олиш вазфалари доирасида қатор давлатларда махсус қонунлар қабул қилинган. Жумладан, “Individuals with Disabilities Education Act” (АҚШнинг (IDEA, 1990)), “Inclusive Schooling - Children with Special Educational Needs” (Буюк Британия (2001)) каби қонун ҳужжатлар асосида мактабгача таълим муассасаларида ўқув-тарбия муҳитини барча болалар учун мослаштириш ва қулайлаштириш, очиқ таълим мазмунини жорий этиш хизматлари мақсадли ва манзилли амалга оширилмоқда. Махсус мактабгача таълим ташкилотларида нутқ нуқсонларига эга болалар билан ишлашнинг коррекцион иш тизимини модернизациялаш, логопедлар инновацион фаолиятининг методик йўналган компонентларини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижада коррекцион-педагогик жараёни тизимли ва болалар имкониятларига йўналган тарзда ташкил этиш жараёнига логопедларни методик тайёрлашга эришилмоқда.

Дунёда Европа, АҚШ, Япония, Корея, Хитой, Россия, Қозғистон каби давлатларнинг олий таълим муассасалари ҳамда илмий текшириш институтларида мактабгача ёшдаги болаларда креативлик, коммуникативлик, кашфиётчилик ва бошқа ХХІ аср ривожлантиришга устуворлик берилган. Имконияти чекланган болаларда ушбу кўникмаларни шакллантиришда вариатив ёндашулардан фойдаланиш, сенсомоторик таъсир воситаларидан ўринли фойдаланиш методикаси тизимлаштирилган.

Ўсиб келаётган ёшлар орасида турли нутқ камчилигига эга болалар ҳам мавжуд бўлиб, улар томонидан ўқув фанларининг самарали эгалланишига эришишда ҳамда уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда коррекцион ишларни эрта ва методик жиҳатдан тўғри олиб бориш юзасидан илмий тадқиқотларга устуворлик берилмоқда.

Логопедик амалиётдан маълумки, ҳар бир нутқ камчиликлар, жумладан дислалия нутқ камчилиги, дизартрия нутқ камчилиги, ринолалия нутқ камчилиги, алалия нутқ камчилиги, афазия нутқ камчилиги, дудукланиш нутқ камчилиги, нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини бартараф этишда бир қатор логопедик методлардан фойдаланилади.

Дислалия нутқ камчилиги – товуш талаффуз қилишнинг нормал эшитиш ва нутқ апаратининг сақланган иннервацияси пайтида бузилиши. Маънодошлари: тили чучуклик (эскирган), товуш талаффузидаги нуқсонлар, фонетик нуқсонлар, фонема-ларни талаффуз қилишдаги нотекисликлар.

Ринолалия нутқ камчилиги - товуш тембри ва талаффузининг нутқ апаратидаги анатомик-физиологик нуқсонлар билан боғлиқ ҳолдаги бузилишдир. Маънодошлари: димоғ билан гапириш (эскирган), палатолалия.

Дизартрия нутқ камчилиги – нутқ талаффузи томонининг нутқ апарати иннервациясидаги етишмовчилик билан боғлиқ ҳолдаги бузилишидир. Маънодоши: тили чучуклик (эскирган).

Алалия нутқ камчилиги - бош мия қобиғидаги нутқ зоналарининг боланинг она қорнидаги ёки илк ривожланиш даврида ортган шикастланиши натижасида нутқнинг йўқ бўлиши ёки ривожланмай қолиши. Маънодошлари: дисфазия, эрта ёшда пайдо бўладиган болалар афазияси, ривожланиш афазияси, гунглик (эскирган).

Афазия нутқ камчилиги – бош миянинг муайян жойи шикастланиши билан боғлиқ ҳолда нутқнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши. Маънодошлари: нутқнинг бузилиши, йўқолиши.

Дудукланиш нутқ камчилиги – нутқ апарати мушакларининг ва ихтиёрий пай тортишиш натижасида суръат-охангнинг бузилишидир.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганилиги – турли хил мураккаб нутқий камчиликдир, бунда нутқ тизимининг товуш чиқариш ва маъноли томонларига тааллуқли барча компонентларининг шаклланиш жараёни бузилган бўлади.

Ҳар бир нутқ камчиликларни ўрганиш ва таҳлил этиш этиш пайтида олимлар томонидан олиб борилган илмий-назарий ишларга назар ташлайдиган бўлсак, алалия нутқ камчилиги, ринолалия нутқ камчилиги, дислалия нутқ камчилиги, дудуқланиш нутқ камчилиги, дизартрия нутқ камчиликларни ўзига хос томонлари очиб берилади.

Махсус педагогикада олиб бориладиган ҳар бир метод нутқ камчилигига эга бўлган болаларнинг билиш фаолиятини, бармоқлар ҳаракатчанлигини, умумий тана ҳаракатчанлигини, шунингдек катталар ва тенгдошлари билан мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Маълумки, оғзаки метод, амалий метод ва кўргазмали методларнинг ўз ўрнида боланинг ёшига, билиш фаолиятига оид методлардан тўғри фойдалана олиш орқали уларни мактаб таълимига тайёрлаб борилади.

Оғзаки метода орқали болаларнинг диологик ва монологик нутқи ривожланади.

Амалий метод орқали болаларда турли ҳаракатларни амалда бажариш ёрдамида уларнинг умумий тана ҳаракатчанлиги, шунингдек бирор бир назарий билимларни амалда қўллашни ўрганади.

Кўргазмали метод ёрдамида болалар турли хил буюмлардан бирор бир гўзал нарсалар яратиш орқали уларнинг эстетик диди, яшаш ва қуриш кўрикмалари ҳам ривожланади.

Маълумки, методларни қўллашда биз бир қанча педагогик иш тизимига таянган ҳолда иш олиб борамиз. Ҳар бир педагогик иш тизимини бошлашдан аввал дефектолог-логопед ўз олдига аниқ мақсадни белгилаб олади. Мақсадни олдиндан белгилаб олиш учун биз қўшимча ёрдам сифатида тамойилларга таянамиз.

Махсус педагогик амалиётда шулар кўзга ташланадигани, методлар яқка ҳолда доим ҳам тўлиқ натижа беравермайди. Шу боисдан ҳам, методлар билан биргаликда тамойилларга таянган ҳолда иш сифатини янада оширишга ҳаракат қиламиз.

Сўнгги йилларда ўзбек олимлар томонидан Абидова Нилуфар, Ачилова Севара, Шокирова Шахноза, Тохтиярова Шахноза, Абдуллаева Гавҳар, Мусаева Наргиза, Якубжанова Дилобар, Мамаражабова Зулфия, Турғунбоев Сирождидин, Хайитов Лазиз, Рахимова Хуршидалар томонидан нутқда нуксони бўлган болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари, эшитишда нуксони бўлган болаларнинг ўзига хос томонлари, кўришда нуксони бўлган болалар, ақлий ривожланишида нутқсони бўлган болаларнинг ўзига хос томонлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Логопедик таъсир ўз ичига коррекцион таълим вазифаларини олувчи педагогик жараёндан иборат. Коррекцион таълим жараёнида кўйидаги умумдидактик тамойилларга катта аҳамият берилади: таълимнинг тарбияловчи хусусияти, илмийлик тамойили, системалилик тамойили, кетма-кетлилик тамойили, кўргазмалилик тамойили, тушунарлилик тамойили ва фаоллик тамойили, мустақамлилик тамойили, яқка ёндошиш тамойили.

Ҳар бир тамойилларни ўрганиш вақтида нутқ камчиликларнинг ўзига хос томонлари, турлари ўрганган ҳолда тамойиллар мазмуни таҳлил этилди. Тамойиллар қўллаш вақтида нутқ камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари алоҳида эътибор берилади.

Логопедик таъсир этишда махсус тамойилларга ҳам асосланади: этиопатогенетик (нутқий нуксон этиологияси ва механизмини ҳисобга олиш), системалилик ва нутқий нуксон тузилишини ҳисобга олиш, комплекслилик, дифференциал ёндошиш, шахс

хусусиятларини ҳисобга олиш, фаолиятли ёндошиш, онтогенетик тамойил, табиий нутқий муҳит шароитида нутқий кўникмаларни шакллантириш.

Нутқий нуксонларни бартараф этишда этиологик омилларни ҳисобга олиш этиологик омилларни ҳисобга олиш жуда муҳим. Булар ташки, ички, биологик ва ижтимоий-психологик омиллар.

Мисол учун, дислалия нутқ камчилигида кузатиладиган нотўғри прикус, товушлар талаффузининг бузилишига, артикуляцион моториканинг ривожланмай қолишига сабаб бўлади. Бундай пайтда логопедик ишлар прикусни тўғриловчи ортодонтик ара-лашув билан биргаликда олиб борилади.

Дудукланиш нутқ камчилигини бартараф этишда этиологик омилнинг хусусиятига қараб логопедик иш турлича қурилиши мумкин. Функционал характердаги дудукланиш нутқ камчилигида асосий эътибор нутқий коммуникацияни нормаллаштириш, ижтимоий муҳитга таъсир этиш, психоген белгиларни бартараф этишга қаратилади. Органик характердаги дудукланиш нутқ камчилигида логопедик таъсир асосан мотор белгиларни нормаллаштиришга қаратилади.

Логопедик таъсир қатор ҳолларда турли хил тиббий муолажалар билан биргаликда олиб борилади.

Логопедик таъсирнинг мазмуни нутқий нуксон механизмига боғлиқ.

Дислалия нутқ камчилигида товушларни ўзаро алмаштириш эшитув идрокининг шаклланмаганлиги, товушларин эшитиб фарқлай олмаслик, нозик артикуляцион ҳаракатларнинг ривожланмаганлиги оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Бундай ҳолларда логопедик ишнинг мақсади нормал нутқий механизмларни шакллантиришдан иборат бўлади.

Дизартрия нутқ камчилигида етакчи нуксон бўлиб, нутқий аппаратдаги парезлар натижасида товушлар талаффузининг бузилиши ҳисобланади. Аммо дизартрия нутқ камчилигида нутқнинг фақатгина фонетик томони эмас, балки лексик, грамматик томони ҳам бузилади. Шунинг учун дизартрия нутқ камчилигида логопедик таъсир фақат товушлар талаффузини тўғрилашга эмас, балки бутун нутқий фаолиятни ривожлантиришга қаратилади.

Комплекс тиббий-руҳий-педагогик таъсир мураккаб нутқий нуксонларни асосан дизартрия нутқ камчилиги, дудукланиш нутқ камчилиги ва алалия нутқ камчилигини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Турли тоифадаги, ривожланиши орқада қолган болалар билан олиб бориладиган логопедик иш ўзининг хусусиятига эга бўлади. Логопедик таъсир жараёнида нутқнинг ривожланганлик даражаси, билиш фаолияти, боланинг сенсор ва мотор хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Логопедик таъсир бир мақсадга йўналтирилган мураккаб ташкил этиладиган жараён бўлиб, бир нечта босқичларда амалга оширилади. Уларнинг ҳар бири ўзининг мақсади, вазифаси, метод ва усуллари билан белгиланади.

Логопедик таъсир онтогенетик тамойил, нутқнинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиш асосида амалга оширилади.

Мисол учун болада товушлар талаффузининг қўпол бузилишида: сирғалувчи, шовқинли, сонор, логопедик ишнинг кетма-кетлиги онтогенезда бу товушларни эгаллаш билан аниқланади (сирғалувчи, шовқинли, сонор).

Логопедик ишларни олиб боришда асосий ўринни, шахсни бир бутунликда кор-рекциялаш ва тарбиялаш эгаллайди. Бунда шахснинг ёши, нутқий нуксон тузилишлари ҳисобга олинади. Бош миyaning шикастланиши билан боғлиқ бўлган нутқий фаолият бузилишларини коррекциялашда шахс хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим

аҳамиятга эга (алалия нутқ камчилиги, афазия нутқ камчилиги, дудукланиш нутқ камчилиги, дизатрия нутқ камчилиги).

Нутқ камчилигини бартараф этишда қўлланиладиган методлар: оғзаки, кўргазмали, амалий методлардан фойдаланиш орқали болаларда ички ва ташқи нутқни ривожлантиришга ёрдам беради. Ҳар бир методлардан ўринли фойдаланиш орқали болаларда нутқ нуқсонларни бартараф этишга хизмат қилади.

Методлар ва махсус методлардан фаркли равишда коррекцион-педагогик ишларни ташкил этиш орқали нутқида нуқсони бўлган болаларда учрайдиган нутқ камчиликлар, бармоқлар ҳаракатчанлиги, фонематик идрок, умумий тана ҳаракатчанлигини бартараф этишга ёрдам беради.

Ҳар бир нутқ камчилигига эга бўлган болаларда мавжуд бўлган нутқ нуқсонларни бартараф этишда логопедик иш тизимини белгилаш ишлари қайд этилади.

Нутқий камчиликларни коррекциялаш, етакчи фаолиятни ҳисобга олиш билан биргаликда олиб борилади. Мактабгача ёшдаги болаларда ўйин фаолияти, моторика, сенсор соҳа, лугат бойлиги, тил қонуниятларини эгаллаш бола шахсини шакллантириш жараёнида олиб борилади.

Турли хил нутқий камчиликларни бартараф этишда логопедик таъсирнинг асосий шакллари бўиб, таълим-тарбия, коррекция, компенсация, адаптация, реабилитация ҳисобланади.

Биламизки, мактабгача ёшдаги болаларда ўз тенгдошлари орасида маълум ўйин турларидан фойдаланган ҳолда мулоқатга киришади. Бирок, барча болаларда бу нарсга кузатилмайди. Бунда логопед ёрдамга келади. Ҳар бир боланинг индивидуал хусусияти мавжуд бўлиб, боланинг ўзи ёқтирган ўйинини бошқа болалар ёқтирмаслиги мумкин. Шу сабабли, ўйин зерикарли ёки ўйин қўшилмаслик ҳолатлари кузатилади.

Психологларнинг фикрича, ҳар бир бола ўз дунёсидан келиб чиқган ҳолда ўйин турини танлайди. Ўйин унинг учун амалий, кўргазмали ва оғзаки ҳолда ривожланишига таъсир кўрсатади.

Ҳар бир ўйин жараёнида турли хил методлардан фойдаланиш бу боланинг ижодий фикрлаш қобилияти ривожланаётганлигидан далолат беради.

Методлар орасида мактабгача ёшдаги нутқида нуқсони бўлган болалар амалий методдан кенг фойдаланилади. Чунки, битта амалий метод орқали болада бир қанча функцияларнинг ривожланиши кўзга ташланади. Бу шундан далолат берадики, агар нутқида нуқсони бўлган бола ўйин жараёнида ҳар учала методдан фойдаланса, боланинг барча билиш жараёнлари (хотира, диққат, тасаввур, идрок...) ривожланиб борар экан.

Логопедик таъсир турли хил методлар ёрдамида амалга оширилади. Таълим методларининг турли хил таснифлари мавжуд. Логопедик ишда: амалий, кўргазмали ва оғзаки методлардан фойдаланади, у ёки бу методни қўллаш нутқий нуқсон хусусияти билан белгиланади.

Ҳар бир қўлланиладиган методлар нутқида нуқсони бўлган болаларни нутқ камчиликларни бартараф этишда олиб борилади.

Қўлланиладиган методлар натижасида нутқ нуқсонларни бартараф этиш катта ҳисса қўшади.

Адабиётлар:

1. Ачилова, С. Ж. (2020). Дизатрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракатчанлигини ривожлантириш йўллари. Science and Education, 1(Special Issue 4), 177-185.

2. Парамонова Л.Г. Логопедия для всех / Л.Г. Парамонова. - СПб: Пи-тер, 2004.

3. Ачилова Севара Жасуркуловна (2020). Особенности логопедической работы при дизартрии в специализированных дошкольных учреждениях. International scientific review, (LXVII), 88-91.
4. Ачилова, С. Д. (2022). Сбор анамнеза и обследование артикуляционного аппарата при стёртой дизартрии. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 15, 91-100.
5. Ачилова, С. Д., & Ахмедова, М. Х. (2022). Использование проектной технологии в обучении иностранному языку будущих дефектологов. Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects, 208-209.
6. Ачилова, С. Д. (2017). Монологическая речь детей с дизартрическими расстройствами. Молодой ученый, (10), 397-399.
7. Achilova, S. (2020). Phonetic and phonemic disorders and their correction in children with dysarthria. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(3).
8. Ачилова, С. Ж. (2020). Коррекционно-логопедическая работа при дизартрии дошкольного возраста. In European research: innovation in science, education and technology (pp. 109-111).

РЕЗИЮМЕ

Ушбу мақолада нутқ нуқсонлари бартараф этишда қўлланиладиган методлар ёритиб берилган.

РЕЗИЮМЕ

В этом состоянии описанные методы используются для преодоления речевых дефектов.

SUMMARY

In this state, the described methods are used to overcome speech defects.

ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА ТАЪЛИМИЙ ИННОВАЦИЯЛАРНИ АМАЛИЁТДА ҚўЛЛАШ

Тайланова Ш.З.

Сам.ДУ

Таянч сўзлар: методология, кадрят, аксиологик онг, аксиологик билиш, аксиологик дунёқараш, кадрятлар тизими, педагогик кадрятлар, педагогик кадрятлар тизими.

Ключевые слова: ценность, авесто, педагогические ценности, система ценности.

Key words: tradition, avesto pedagogical traditions. teaching traditions, educational traditions, system of traditional imaginations.

Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида таълимий инновацияларни амалиётда қўллашга тайёрлаш илмий ишланмаларни идрок этиш ва англаш, ўқитувчиларнинг инновацион тажрибаларини омалаштириш ва янги шароитларга мослаштириш, ўзининг шахсий янги ишланмаларини яратиш, шахсий инновацион тажрибасини омалаштириш орқали амалга ошади. Педагогик фаолиятда инновацияларни татбиқ этишга тайёрлик деганда янгиликларни идрок этиш, ўзлаштириш ва амалга татбиқ этиш; замонавий инновацион метод ва технологияларни самарали қўллаш олиш; ўз-ўзини доимий ривожлантиришга субъектнинг тўлиқ тайёрлиги тушунилади. Мазкур таъриф асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг инновацияларни таълим амалиётига татбиқ этишга тайёрлигининг қуйидаги компонентларини ажратиш кўрсатиш мумкин: мотивацион-кадрятга йўналтирилган, мазмунли-жараёнга доир, рефлексив-тадқиқотчиликка оид.

Педагогика олий таълим тизими Давлат таълим стандартларида бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашга қўйиладиган малака талаблари тўлиқ ўз аксини топмаган. Ана шу сабабли тадқиқот доирасида талабаларда педагогик инновацияларга аксиологик муносабатни қарор топтиришнинг тузилмаси, даражалари ва мезонлари аниқлаштирилди.

Талабаларни таълим амалиётига инновацияларни татбиқ этишга тайёрлаш

тузилмасида кадриятга ва амалий фаолиятга йўналтирилганликни таъминлашга имкон берадиган шахсий ва касбий аспектилар аниқлаштирилди.

Талабаларни инновацияларни амалиётга татбиқ этишга тайёрлашнинг шахсий аспектини ўзининг бўлғуси фаолиятини дастурлаштириш, ўзи учун мақбул иш режими белгилаш, фаолиятни амалга ошириш муддатларини аниқлаштиришга доир алоҳида индивидуал қобилиятлар ташкил этди.

Талабаларни инновацияларни амалиётга татбиқ этишга тайёрлашнинг касбий аспекти инновацияларни ўзлаштиришга доир эҳтиёж ва мотивациялар мазмуни; инновацияларни ўзлаштириш, идрок этиш ва амалга ошириш натижаларига доир масъулиятни англаш даражаси; инновацияларни амалиётга татбиқ этишга доир касбий зарурий сифатлар, билим, кўникма ва малакаларини сафарбар этиш даражаси; тадқиқотчиликка доир фаолият кўникмалари; ижтимоий установкалари сифати кабиларни ўз ичига қамраб олди.

Талабаларни инновацияларни таълим амалиётига татбиқ этишга тайёрлаш мезонлари сифатида қуйидагилар белгиланди: инновацион фаолиятини ташкил этиш жараёнида ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда қийинчиликларни бартараф этишга тайёрлик; педагогик инновацияларни идрок этишга қодирлик; илмий компетентлик хатти-ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлиги; бошқаларнинг ва ўз тажрибасини алмашиш, танловнинг вариативлиги, алтернатив фикрлаш, турли ўқув вазифаларини ҳал этиш йўллари ва усулларидан фойдаланиш кўникмаларининг мавжудлиги.

Мазкур мезонларга асосланган ҳолда, педагогика олий таълим муассасаси талабаларини инновацияларни амалиётга татбиқ этишга тайёрлашнинг мақсад ва қутила-диган натижалари аниқлаштирилди.

Талабаларни инновацияларни амалиятга татбиқ этишга тайёрлаш шартли равишда уч босқичда амалга оширилди: мотивацион-кадриятга йўналтирилган; мазмунли-жараёнга доир ва рефлексив-тадқиқотчиликка доир. Амалий фаолиятда уларни амалга оширишнинг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлиги, бироқ фаолиятга тайёргарлик компонентининг етакчи ўрин эгаллаши ҳисобга олинди. Ҳар бир босқични амалга оширишда талабаларни инновацияларни амалиётга татбиқ этишга тайёрлаш жараёнининг мақсади, ўқитилиши кўзда тутилган ўқув фанлари аниқлаштирилди. Талабаларни инновацияларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишга тайёргарли-ни жадаллаштириш педагогик фанлар ва педагогик инноватика курсининг имкони-ятларини интеграциялаш асосида амалга оширилди.

Талабаларни инновацияларни амалиятга татбиқ этишга тайёрлашнинг биринчи босқичида мақсади сифатида педагогик фаолиятга барқарор ижобий мотивацияни, кадриятга йўналганликни шакллантириш тарзида белгилаб олинди. Мазкур мақсад “Педагогика назарияси” фанини ўқитиш жараёнида амалга оширилди.

Талабаларни инновацияларни амалиятга татбиқ этишга тайёрлашнинг иккинчи босқичида инновацияларнинг турлари, мазмун-моҳияти ва тузилмасига доир билим-ларни ўзлаштиришни кўзда тутилди. У бакалаврият таълим босқичининг 2-3 курсла-рида “Педагогик маҳорат”, “Педагогик технология”, “Тарбиявий ишлар методикаси” ҳамда танлов фани сифатида “Педагогик инноватика” курсларини ўқитиш жараёнида амалга оширилди.

“Педагогик инноватика” танлов курси бўйича ишлаб чиқилган дастурда талаба-ларни инновацияларнинг пайдо бўлиши, инновацион жараён ва унинг ўзига хослиги, ўқитувчининг инновацион фаолияти ва инновацион салоҳияти, инновацион фаоли-ятни ташкил этишга тўсқинлик қилувчи ва рағбатлантирувчи омиллар, педагогик инновациялар мазмуни ва имкониятларига доир билимлар билан таништирилди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Педагогика” кафедраси томонидан ишлаб чиқилган “Педагогик инноватика” курси талабаларни инновацияларни ўзлаштириш ва амалиётга қўллашга тайёрлашнинг мазмунли-жараёнга доир компонентини муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

Талабаларни инновацияларни амалиятга татбиқ этишга тайёрлашнинг иккинчи босқичида тадқиқотчиликка ва рефлексифга доир кўникмаларни шакллантириш асосий мақсад сифатида белгиланди. Мазкур босқич педагогик амалиёт, курс ишлари ва битирув малакавий ишини бажариш жараёнида бакалаврият босқичининг 4 курсида амалга оширилди.

Малакавий педагогик амалиёт даврида талабаларда тажриба-синов ишлари мақсадини аниқлаш, уни амалга ошириш режалаштириш, ўқув-тарбия жараёнига янгиликларни татбиқ этиш ва натижаларини таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантиришга доир мақсадга йўналтирилган яхлит жараён ташкил этилди.

Курс ишлари ва битирув малакавий ишини бажариш жараёнига табақалаштирилган ёндашув татбиқ этилиб, педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг касбий педагогик етуклик даражасини ошириш имконини берувчи мустақил ва тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этди.

Талабаларнинг педагогик инновацияларни таълим амалиётига татбиқ этишга тайёрлаш жараёнини фаоллаштириш мақсадида методик таъминот интерфаол методлар асосида такомиллаштирилди. Педагогик фанларни ўқитиш жараёнида табақалаштирилган топшириқлар, ишбилармонлик ўйинлари, назарий мунозаралар, дебатлар, лойиҳаларни тақдим этишга асосланган мумамоли мунозаралар, турли концепцияларни таҳлил этиш асосида таълимнинг муқобил моделларини баҳолашда талабаларнинг асосланган нуктаи назарини ривожлантиришга имкон берувчи кейс-методи қўлланилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида қуйидаги табақалаштирилган топшириқлардан самарали фойдаланилди:

1-топшириқ. “Педагогик инноватиканинг ривожланиш тарихи”га доир топшириқлар: 1. Жамият ривожланиши нуктаи назаридан новаторлик ва анъанавийлик тушунчаларини изоҳлаб беринг. 2. “Инноватика” тушунчаси бундан юз йил аввал пайдо бўлган деб изоҳлашади. Мазкур изоҳга аниқлик киритинг. 3. “Инновацион жараёнлар” тушунчасининг тўлиқ тавсифи XX асрнинг бошларида ишлаб чиқилган, дейишади. Мазкур фикрга аниқлик киритинг. 4. “Инновация” тушунчасининг илмий амалиётга киритилишини изоҳлаб беринг. 5. “Инноватика – фанлараро тадқиқот соҳаси” тушунчасини изоҳланг. 6. Қандай жараён 1970 йилларда янгиликлар киритиш ҳақидаги фаннинг мураккаб, кенг тарқалган соҳага айланишига сабаб бўлди? 7. Педагогик инновацион жараёнлар қачон Ғарбий Европада, Россияда ҳамда Ўзбекистонда махсус ўрганиш предметиға айланганлигиға изоҳ киритинг. 8. Россияда сўнгги 20 йилда таълим соҳадаги янгиликлар киритиш муаммоси билан шуғулланиб келаётган педагог-психологлари санаб беринг (камида ўнта). 9. Бугунги кунда педагогик инноватика таълим соҳасидаги инновацион жараёнларнинг уч асосий элементи бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фан сифатида эътироф этилади. Мазкур фикрни изоҳланг. 10. Педагогик инноватика педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланаётган, деган фикрни изоҳланг.

Топшириқ юзасидан тўпланадиган максимал балл: 3,5 балл, ҳар бир вазиятни тўғри ҳал эта олсангиз,, 0,35 баллга эга бўласиз.

2-топшириқ. “Педагогик инноватиканинг ривожланиш сабаблари”га доир топшириқлар. 1. Инновацион таълимнинг ривожланишидаги асосий сабаблар-

дан бири таълим соҳасида юзага келган инқирозлар эканлигини асослаб беринг. 2. “Қўллаб-қувватловчи, норматив” таълим билан “инновацион таълим”нинг ўзаро фарқини асослаб беринг. 3. Педагогик инноватика соҳасида ечилиши лозим бўлган педагог-инноваторларда юзага келувчи муаммоларни санаб беринг.

Топшириқ юзасидан тўпланадиган максимал балл: 1,5 балл, ҳар бир рақамли инновацияни тўғри белгиласангиз, 0,5 баллга эга бўласиз.

3-топширик. Н.Ю.Посталюк таснифи бўйича қуйидаги мазмунга асосланган ҳолда инновациялар таснифини ҳосил қилинг: 1) мазкур инновациялар таълим тизимининг янги шарт-шароитларга мослашувчан ўзгаришни ўзида ифода этади; 2) тизимнинг дастлабки хусусиятларини регенерация қилиш (анъанавий таълим тизими ёки унинг элементларини қайта ишлаб чиқиш); 3) тизим ичидаги элементларни қайта гуруҳлаштириш ёки ташкилий жиҳатларини ўзгартириш билан тавсифланади; 4) мазкур инновациялар тизимда миқдор ўзгаришлар киритиш билан тавсифланади. Бунда инновациянинг дастлабки сифати ўзгармайди; 5) мазкур инновациялар янги ечимга эга бўлади (булар кўпинча таълим тизимининг баъзи таркибий қисмлари функциясини кенгайтиришни таъминлашга қаратилган сифатли содда, ўзгаришлардир); 6) мазкур инновациялар таълим тизимининг янги авлодини яратишни назарда тутади (тизимнинг барча ёки кўпчилик дастлабки хусусиятларини ўзгартириш); 7) мазкур инновацияларни амалга ошириш орқали “янги турдаги” таълим тизими яратилади. Бунда тизим ҳосил қилувчи тамойил сақланган ҳолда, тизимнинг функционал хусусиятлари ўзгаради; 8) мазкур инновациялар таълим тизимини тубдан ўзгартиришга қаратилган. Бунда таълим тизимининг асосий функционал тамойили ўзгаради ва шу тарзда янги педагогик тизим ҳосил бўлади.

Топшириқни бажариш тартиби. Эсга олинг: Н.Ю.Посталюк янгиликнинг ўзгариш тезлиги ва янгилик даражасига кўра инновацияларни саккиз гуруҳга тасниф қилган: нулевой рақамли инновациялар; биринчи рақамли инновациялар; иккинчи рақамли; учинчи рақамли инновациялар; тўртинчи рақамли инновациялар; бешинчи рақамли инновациялар; олтинчи рақамли инновациялар; еттинчи рақамли инновациялар.

Юқоридаги фикрларни ўқинг ва уларни қайси рақамли инновация моҳиятини ўзида акс эттирганлигини аниқланг.

Топшириқ юзасидан тўпланадиган максимал балл: 2 балл, ҳар бир рақамли инновацияни тўғри белгиласангиз, 0,25 баллга эга бўласиз.

4-топширик. 1-қадам. Қуйида келтирилган мисоллар билан танишинг: “электрон гуруҳ журналлари”, “электрон деканат”; “интернет-таълим”; “янги таҳрирдаги рейтинг Низоми”; “идентив ўқув мақсадларини ўқув вазибаларига айлантириш”; “таълим мазмунини интеграциялаш ва дифференциялаштириш”; “шахсга йўналтирилган масофавий таълим технологиялари”; ноанаънавий дарс шакллари, интерфаол методлар, мультимедиа воситалари, таълимнинг самарали технологиялари (модулли таълим технологиялари, маданий-инсонпарварлик ёндашув технологиялари); ўқув портфолиолари; биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятни ривожлантириш; таълимни демократлаштириш.

2-қадам. Энди эса қуйидаги келтирилган инновация турлари билан танишинг ва улар орасидан юқоридаги мисолларга тўғри келадиганларини алоҳида ажратиб, тўғри ўринга жойлаштиринг. 1) модифициялашган инновациялар; 2) ўзгартириш киритувчи инновациялар; 3) режали педагогик инновациялар; 4) тизимли педагогик инновациялар; 5) даврий педагогик инновациялар; 6) стихияли педагогик инновациялар; 7) тасодифий педагогик инновациялар; 8) тузатиш киритувчи инновациялар; 9) таълим мазмуни билан боғлиқ инновациялар; 10) интеграллашган инновациялар;

11) таълимнинг шакл, метод, восита ва технологиялари билан боғлиқ инновациялар; 12) ўқув жараёнида қўлланиладиган педагогик инновациялар; 13) локал педагогик инновациялар; 14) таълим мақсади ва вазифалари билан боғлиқ педагогик инновациялар; 15) педагог ва ўқитувчиларнинг маълум бир қобилиятларини ривожлантиришга доир инновациялар; 16) таълим олганликни ташхис этиш билан боғлиқ инновациялар; 17) таълим соҳасида қўлланиладиган педагогик инновациялар.

Топширик юзасидан тўпланадиган максимал балл: 3 балл, ҳар бир инновацияга келтирилган мисолни тўғри ўринга топиб қўя олсангиз, 0,30 баллга эга бўласиз.

Айниқса, педагогика назарияси, тарбиявий ишлар методикаси, инновацион фаолият назариясига доир маълумотларни интеграциялаш имконин берувчи муаммоли семинарларни ташкил этиш яхши самара берди. Масалан, “Педагогнинг идеал “Мен” тимсоли” мавзуси бўйича муаммоли семинар машғулотида талабалар ўқитувчи билан биргаликда республикамизда педагогик фаолиятга, педагог кадрларнинг ижтимоий нуфузини ошириш, жамиятда педагогик фаолиятнинг обрўсини юксалтириш ҳамда педагогларни ёшларга намуна ва ўрнак даражасига кўтариш борасида амалга оширилган реал вазиятлар тўғрисида фикр алмашишди. “Жонли тимсоллар”ни аниқлаштириш асосида педагогнинг идеал “Мен” тимсоли сифатида барча ҳаётий вазиятларда танлаш ҳукуқига эга бўлган, замонавий шарт-шароитларга мослашувчан, рақобатбардош, қатъий интизом ва талабларга оғли риюя қиладиган, мустақил ва ижодкоркор ўқитувчи шахсига аксиологик муносабат таркиб топтирилди.

Талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилишнинг етакчи шакли сифатида ўз-ўзини назорат қилиш билан бирга, ўзаро бир-бирини назорат қилиш методлари қўлланилди. Шу сабабли профессор-ўқитувчи томонидан назорат йўналтирувчи функцияни бажариб, ташкил этиш ва якуний хулосаларни чиқариш жараёнида амалга оширилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Гафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 92 б.
2. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: Шарқ, 2000. – 94 б.
3. Гершунский Б.С. Философия образования XXI века (В поисках практико-ориентированных образовательных концепций). – М.: Совершенство, 1998. – 608 с.
4. Горовая В.И. Конструктивная педагогическая аксиология// Педагогика. – Москва, 2007.- № 4. – С.15-21.
5. Липская Л.А. Философско-антропологический фундамент современного образования// Педагогика. – М., 2006.- № 2. – С.25-28.
6. Мардонов Ш., Эгамбердиева Н. Шарқ алломалари мероси – педагог мутахассислар тайёрлаш асоси. // Халқ таълими. – Т., 2004. - №2. – Б.25-27.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада педагогик кадрлар тизимининг талабаларда аксиологик ёндашуви таркиб топтиришдаги имкониятлари ёритиб берилган. Жаҳон педагогика фанида кейинги йилларда олий таълим муассасалари талабаларида миллий ва умуминсоний кадрлар тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг ижтимоий шарт-шароитларини вужудга келтириш, хусусан педагогика олий таълим муассасалари талабаларида педагогик касбига мотивацион-кадрли муносабатни шакллантириш хусусида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Чунки, ҳеч кимга сир эмас, глобализация жараёнида авж олган бугунги кунда талаба-ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий кадрларни ўзлаштиришга қизиқишнинг сусайиши ва аксинча, моддий фаровонликка интилиш омилининг кучайиши кузатишмоқда. Мазкур ўзгаришлар талабаларда педагогик фаолиятга аксиологик муносабатни таркиб топтиришда ўзининг салбий таъсирини кўрсатишда ҳамда эгалланган мутахассисликка доир касбий фаолият билан шугулланмасликнинг оммалашувида олиб келмоқда.

В статье рассматриваются некоторые педагого-аксиологические аспекты, проблемы ценностных ориентации. В мире все больше наблюдается нестабильность социальных условий, необоснованное подрывание авторитета педагогов, негативные изменения в мотивационно-ценностном отношении студентов педагогических высших учебных заведений к профессии педагога. Отмечается снижение интереса среди учащейся молодежи к усвоению духовно-нравственных ценностей, и, наоборот, усиление фактора стремления к материальному благополучию. Эти изменения оказывают негативное воздействие на формирование у студентов аксиологического отношения к педагогической деятельности и, в большинстве случаев, приводит к интенсификации отдаления от полученной специальности.

SUMMARY

In article is considered some aspects, problems shaping the system valuables as well as is brought forth categorization valuables to orientation, is generalized glances seen teacher on given to problem. In the world, there are unstable social conditions for the development of the education sector, cases that damage teachers' reputation and negative changes in the motivational-value attitudes of the students of pedagogical higher education institutions to the pedagogical profession. The lack of interest in mastering moral and ethical values, on the contrary, the increase of the factor of striving for material well-being are observed among students. These changes have a negative effect on establishing students' axiological attitude to pedagogical activities, and often lead to the increase of unemployment rate for the acquired specialty.

BO‘LAJAK BIOLOGIYA O‘QITUVCHILARINI KASBIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISHDA MUAMMO VA YECHIMLAR

Achilova N.R.

NavDPI Biologiya o‘qitish metodikasi kafedrası o‘qituvchisi

Tayanch so‘zlar: dars loyihalari, tashkiliy-boshqaruv, tushuntirish-motivatsion, kognitiv, texnologiyalar, kreativ, oq qaldirg‘och, doya delfinlar, kanareykalar, anor, moxlar, meduzalar,

Ключевые слова: планы уроков, организационно-управленческие, объяснительно-мотивационные, познавательные, технологические, творческие, ласточка белая, дельфины-акушерки, канарейки, гранат, мхи, медузы.

Key words: lesson plans, organizational-managerial, explanatory-motivational, cognitive, technological, creative, white swallow, midwife dolphins, canaries, pomegranates, mosses, jellyfish.

Dunyoda bo‘lajak o‘qituvchilarda kasbiy kompetentlikni tarkib toptirishning zamonaviy texnologiyalarini joriy qilish, ularning dasturiy ta‘minotini ta‘minlash, kasbiy kompetensiyasini o‘zlashtirishda qadriyatlar tizimidan foydalanish, kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning psixologik-pedagogik mexanizmlari, jumladan, innovatsion texnologiyalarining didaktik tizimini takomillashtirish dolzarblilik kasb etgan. Ta‘limning yangi paradigmalariga o‘tish bo‘lajak o‘qituvchilarning nafaqat o‘zini o‘zi natijaviy ijodiy rivojlantirishga innovatsion yondashuvlarni, balki ushbu jarayonni ta‘minlashga imkon beruvchi metodik ta‘minotni ham takomillashtirishni taqozo qiladi.

Mamlakatimizda oliy ta‘lim tizimini rivojlantirish mazmuni va o‘qitish texnologiyasi, uning sifat va samaradorligini oshirish borasida olib borilayotgan islohotlar ta‘limni insonparvarlashtirish, bo‘lajak o‘qituvchilarda kasbiy kompetentlikni tarkib toptirishga yo‘naltirilgan pedagogik yondashuvlardan foydalanish imkoniyatini oshiradi.

Joriy yilning 12-avgust kuni «Kimyo va biologiya yo‘nalishlarida uzluksiz ta‘lim sifatini va ilm-fan natijadorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi prezident qarori imzolandi. Mazkur qarorda mamlakatimizda kimyo va biologiya fanlarini rivojlantirish, ushbu yo‘nalishlarda ta‘lim sifati va ilm-fan natijadorligini oshirish ustuvor vazifa qilib belgilangan.

Shuningdek, kimyo va biologiya fanlari bo‘yicha ta‘lim sifatini tubdan oshirish,

umumta'lim maktablarida ushbu fanlarni o'qitishning mutlaqo yangi tizimini joriy etish, ta'lim muassasalarini zamonaviy laboratoriyalar, darsliklar va boshqa o'quv jihozlari bilan ta'minlash, ushbu yo'nalishlarga malakali o'qituvchi-murabbiylarni jalb etish, kadrlar tayyorlash va ilm-fan natijalaridan foydalanishda ta'lim, ilm-fan va ishlab chiqarish sohalari o'rtasida o'zaro yaqin muloqot va hamkorlikni yo'lga qo'yish masalalariga alohida e'tibor qaratilgan.

Mazkur qaror ijrosini ta'minlashda eng avvalo umumta'lim maktablarida biologiya fanini zamon talablari darajasiga yetkazib o'tadigan raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash masalasi oldimizda turgan eng dolzarb vazifa hisoblanadi.

Bo'lajak biologiya o'qituvchisi nimalarni bilishi kerak?

Darsni qanday o'tsa o'quvchilarga qiziqish uyg'onadi?

Bugungi kunda biologiya o'qituvchisi raqobatbardosh kadr bo'lishi uchun o'z mutaxassisligini, zamonaviy axborot texnologiyalarini va xorijiy tilni mukammal bilishi talab qilinadi. Biologiya fani tabiat va inson hayoti bilan bog'liq bo'lgan hayotiy fan hisoblanadi. Shuning uchun o'quvchilarni biologiya faniga qiziqitirish ularni tabiat bilan tanishtirish biologiya o'qituvchilari uchun muammo emas. Bu uchun barcha tabiatda bo'ladigan hodisalarni, hayotiy jarayonlarning kechishini, kundalik turmushdagi jarayonlarni biologic o'zgarishlarni fan tilida aytib bera olsa bo'ldi. Bunda o'quvchida dunyoqarash ham, biologiya faniga bo'lgan qiziqish ham, sezilarli darajadi ortadi.

Tajribamizda o'tkazilgan ayrim tavsfiyalardan namunalar keltirib o'tamiz.

Biologiya darsni boshlashdan oldin o'quvchilarning ruhiyatini aniqlab olish muhim. Buning uchun hayotiy muammoli vaziyat yoki o'quvchi aqliga borib yetadigan ibratli hikoyalar bilan boshlagan ma'qul. Siz har doim ham buni bajara olmaysiz. Buni oldindan tayyorlash uchun siz darsingizni loyihasini oldindan tuzib chiqishingizni va unga barcha qiziqarli ma'lumotlar, hayotiy tajribalar bilan boyitishni taklif qilamiz.

Biologiya faniga oid qiziqarli hayotiy muammoli vaziyatlar:

1) Ular juda ibtidoiy tomirlarga ega va na ksilema, na floema hosil qilmaydi. Ular rizoidlar orqali erga bog'langan. Ildiz o'rniga, ularda o'xshash narsa bor - cauloid va barglar o'rniga - filloid deb ataladigan juda o'xshash pichoqlar mavjud.

Tog'li yashash joylarida osongina quyosh yoki soyali, toshli yoriqlarda kolonizatsiya qilinadi. Ular eroziyaning oldini olish, suvni ushlab turish va tuproq hosil bo'lishini tezlashtirish uchun muhimdir. Bu ushbu o'simliklarning boshqa o'simliklar tomonidan kolonizatsiyasini osonlashtiradi. Ular qon tomirsiz o'simliklar deyiladi. Bu nima? (moxlar)

2) Tabiat mo'jizalarga boy. Shunday bir o'simlik bor-ki siz uni mevasini is'temol qilasiz. Bu o'simlik kamalak rangidek butun umri davomida bir necha xil rangda tovlanadi. Erta bahorda qizil, so'ng yashil, keyin yana qizil gullar hosil qiladi va yana yashil rangga kiradi, keyin yana qizil hayotini tugaganda esa sariq rangga kiradi. Bu belgilar sizni qiziqitirdimi? O'ylab ko'ringchi bu qaysi o'simlik? (anor)

3) Kanareykani hammamiz bilamiz. Lekin uning boshqa qushlarga uchramaydigan noyob qobiliyati haqida tasavvur ham qilmaymiz. Yaxshi bilamizki, shaxtyorlar ko'mir qazish uchun yer qa'riga tushishadi. Yer tagida havo tarkibida inson salomatligiga ta'sir etuvchi har xil gazlar mavjud. Shularning eng xavflisini aniqlash uchun avvallari shaxtyorlar shaxtaga o'zlari bilan kanareykali qafasni olib tushishgan. Kanareykalar sayrashni to'xtatgan xaxoti shaxtyorlar yer ostidan yuqoriga ko'tarilishgan. Aytinch, kanareykalar qaysi gazni tez sezgan? [1,137 b] (metan)


O'simliklar dunyosidagi qiziqarli ma'lumotlar

1. Terak va qayin eng sovuqqa chidamli hisoblanadi. Ular — 196 darajagacha bo'lgan sovuqqa ham bardosh bera oladi.

2. O'simlik dunyosining eng to'yimli mevasi sifatida avokado e'tirof etiladi.

3. Dunyoda yesa bo'ladigan kaktuslar ham bor. Taxminan 50 ta mevani l kaktus qo'llab-quvvatlaydi.

4. Qadimda petrushka qayg'u elchisi hisoblangan. Petrushka - rus xalqo'g'irchoq teatri personaji, xuddi



shu nomdagi kulgili spektaklning qahramoni. Qizil ko'ylakda, kanvas shimida va to'ng'iz bilan uchli shapkada tasvirlangan.

5. Yerdagi kislorodning asosiy qismini suv o'tlari ishlab chiqaradi.

6. Qora va O'rta Yer dengizi atrofida «quturgan bodring» degan o'simlik o'sadi. Agar kimdir unga

tegib ketsa, u o'z-o'zidan ochilib, ichidan urug'lari otilib chiqadi. Urug'lar shu qadar kuch bilan otiladiki, o'n metrgacha yetadi.

7. Dunyoda shunday bir meva turi borki, odamning og'iz bo'shlig'idagi ta'm bilish xususiyatlarini tamoman o'zgartirib yuboradi. Uni yegach, orqasidan masalan, limon yesangiz, ta'mi nordon emas, shirin tuyula boshlaydi.

8. And tog'larida bir o'simlik o'sadi. U umri davomida, aniqrog'i, 150 yilda bir marta gullaydi. Gullaydi-yu, halok bo'ladi.

“Biologiyada sonlar so'zlaydi”

O'rta statistik tipratikanning ignalari soni 10 mingga yetadi.

Asalari butun umri davomida choy qoshiqning 1 / 12 qismichalik asal ishlab chiqara oladi.

100 gramm asal yig'ish uchun asalari 46 ming km. masofani uchib o'tadi. Bu butun Yer sharini ekvator bo'ylab kezib chiqish bilan barobar.

Tovuq yiliga o'rtacha 190 ta tuxum qo'yadi.

Filning tishlari 9 kg gacha tosh bosishi mumkin.

Chumolilar hech qachon uxlamaydi. Buning o'rniga ular kuniga ikki marta 8 daqiqadan «dam olishadi». Chumolilar malikasi esa kuniga 90 daqiqa dam oladi.

Janubiy Afrikada o'sadigan fikus guli eng uzun ildizli o'simlikdir. Uning ildizi 120 metrgacha yetadi.

Ot daqiqada taxminan 8-16 marta nafas oladi.

Kitning yuragi bir daqiqada 9 marta uradi.

Sigir yelinida sut 37,7 °C haroratda saqlanadi.

Oqqush patlarining soni 25000 dona atrofida bo'lib, u pati eng ko'p qush hisoblanadi.

O'rtacha kattalikdagi daraxtdan 120 ta qalam yasasa bo'ladi.

Har darsda “biologiyada ingliz tili” sahifasini joylashtirish: bunda yangi mavzuga oid



atamalarini ingliz tilida o'rgatib borish, o'quvchilarda fanlararo integratsiyani rivojlantiradi. Ushbu namuna asosida o'simliklar va hayvonlar haqida haqida ingliz tilida yodlash.


My Favourite Flower.

My favourite flower is the red rose. In my opinion, it is the most beautiful and graceful flower. It can be presented to show ardent love and devotion. However, most people buy them on any occasion, be it someone's birthday or wedding day, anniversary or special holiday. People know that roses show respect and good attitude. That's why nearly everyone loves them. Rose oil and petals are used in gastronomy and cosmetology. For example, I know that some nations make a delicious marmalade from rose petals. And, the beauticians use the essence of rose to make face masks or conditioner for hair.

My Favorite Animal

My favorite animal is a dog. I like dogs because they are fluffy. I also like dogs because you can pet some of them and they will not bite. Sometimes they will bite. I also like dogs because they can be different sizes and different breeds. They are sometimes nice and they can also be mean. But they are normally nice. I only like nice dogs because they do not hurt you.

O'quvchilarni fanga bo'lgan ishtiyoq va qiziqishlarini oshirishda **"Biologik fakt"**lardan foydalanish ham yaxshi natija beradi:



Yer yuzida bitta va yagona o'lmas mavjudot mavjud. Bu biologlar tomonidan yaxshi o'rganilgan meduza. U polipdan rivojlanadi va meduzaning hayotiy tsikli tugagandan so'ng u o'lmaydi, balki tubiga cho'kadi va yana polipga aylanadi, undan keyin tsikl yana boshlanadi. Ushbu meduzalarni baliq ishtiyoq bilan iste'mol qiladi va bu ularni abadiy yashashga xalaqit beradigan yagona narsa.

Doya delfinlar- o'ta tez suzuvchi jonivor yuz metr masofani o'n soniyada bosib o'tadi. Delfinlar uxlamaydi. Uxlab qolsa cho'kib o'ladi. Olimlar tekshirganda delfin miyasining ikkala yarim bo'lagi ham bir vaqtning o'zida emas balki navbat bilan uxlar, biri uxlaganda, ikkinchisi sergak bo'lar ekan. Delfinlar tirik tug'adi. Delfin bolasi boshi bilan emas dumi bilan tug'ilar ekan. Bunda ona delfin hushtak chalib ikkinchi bir delfinni doyalikka chaqirar ekan. Doya

delfin indi tug'ilgan bolaga yordam berish maqsadida uni onasidan ajratib olib suv betiga chiqaradi ilk bor nafas olishga yordam berarkan. Ona delfin ovga ketganda doya delfin bolani qo'riqlaydi bunday yordam 2 hafta davom etgach doya delfin ularni tark etadi.



Qush iniga inson qo'li tekkach, ular uchib ketishadi va hech qachon bu go'shasiga qaytib kelishmaydi.

Hayvolar ham yig'laydimi? –odamni biron joyi qattiq og'risa yig'laydi. Hayvonlar ustida olib borilgan tajribalarda aniqlanishicha organizm bekorga yosh chiqarmas ekan. Malum bo'lishicha hayvonlar terisida paydo bo'lgan jarohatlar ko'z yoshi oqqan jonivorlarda tezroq tuzalar ekan demak ko'z yosh oqizib yig'lash odamlarning tezroq tuzalishiga ko'maklashar yengillashtirar ekan.

Qordek oppoq –oq qaldirg'ichni yuz yilda yoki ikki yuz yilda bir marta ko'rish mumkin. Uni ko'rgan odam barcha kasalliklardan shifo topadi. Bu qush patlarida tyg'ma ravishda rang beruvchi pigment yo'q. Bu albinizm deyiladi. Bu boshqa hayvonlarda ham uchraydi. M; oq chumchuq, oq kiyik, oq qarg'a, oq zog'cha, oq bo'ri, oq jirafa, oq yo'lbars, oppoq gorilla kabi oq jonivorlar ham mavjud. Xulosa qilib aytganda albinizmning kelib chiqish sabablari aniqlangan emas. Chunki uning hosil bo'lish jarayoni juda ko'p omillar bilan belgilanadi va ota-onaning birida irsiy belgi sifatida organizmda uzoq muddat saqlanib qoladi.

Zamonaviy ta'lim tajribasida bir dars uchun belgilangan standart vaqt mavjud. Bu vaqt ta'lim muassasalarining tabiati, ta'limning bosqichlari va o'quvchilar imkoniyatidan kelib chiqib, 45, 40, 35 va 30 min. ni tashkil etadi. Ta'lim tizimida dars va uy vazifasi munosabatlari o'ta muhim sanaladi. Zamonaviy ta'lim tizimining turli bosqichlarida o'quvchilarga uy vazifasi berilishi yoki berilmasligi, uning miqdori singari jihatlari o'quv muassasalarining nizomlarida aks ettiriladi. [3, 123-125 b]

Biz bo'lajak biologiya o'qituvchilari taklif qilayotgan dars loyihalarida-darsning texnologik xaritasi keltiriladi undan bir soatlik dars uchun qanday bilimlar, qiziqarli ma'lumotlar, qanday noan'anaviy innovatsion ta'lim metodlari, interaktiv o'yinlardan samarali foydalanish, turli xildagi mavzuga oid rasmlar, karikaturalar bilan boyitilgan risoladir. Dars loyihasidan o'quvchi qanday bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyaga ega bo'lishi haqida bilib oladi va darsga kirishga oshiqadi

Har bir dars uchun yaratilgan dars loyihasi yordamida bo'lajak biologiya fani o'qituvchilari dars mashg'ulotlarini qiziqarli, mazmuni, hayot bilan bog'liqlikda, hikoya va hadislardan foydalanib insonlar bilan muloqot qilish madaniyati rivojlantirishda samarali natjalarni beradi. [8. 78-79 b]

Shuningdek, bo'lajak biologiya o'qituvchisi har bir dars mashg'ulotiga oldindan tayyor holda bo'lib, o'z ustida mustaqil ishlashga imkoni bo'ladi, mashg'ulotlarni to'g'ri tashkil qila oladi. Ushbu yaratilgan dars ishlanmalari katalogi orqali ta'lim sifati samaradorligi ortadi.

Har bir kishining o'rganish uslubi turlicha bo'ladi, ba'zilar ma'lumotni eshitish orqali yaxshi qabul qilsa, boshqalar ko'rish natijasida, uchinchi toifadagilar esa ham eshitish, ham ko'rish orqali yaxshi o'zlashtiradilar.

Demak, yuqorida tavsiya qilayotgan dars mashg'ulotlarini loyihasini tuzishda keltirilgan qiziqarli ma'lumotlar, hayotiy muammoli vaziyatlar, biologik faktlardan foydalangan holda o'quv jarayoni tashkillashtirilsa, o'quvchilar biologiya fanlarini chuqur egallashlari ta'lim sifati va samaradorli oshishiga sabab bo'ladi.

Shuningdek, bo'lajak o'qituvchilarda o'z ustida mustaqil bilim olish, boshqa falar bilan bog'liqlik ko'nikmalari shakllanadi, bu muhitda o'quv jarayonini tashkillashtirish va ta'lim sifati oshirish hozirgi kunning yosh o'qituvchilari uchun ayni muddaodir.

Adabiyotlar:

1. Ixtiyarova G., D.Bekchanov, M.Ahadov. "Kimyoni o'qitishda zamonaviy texnologiyalar" o'quv qo'llanma. Toshkent 2019. 137 b.
2. J.O. Tolipova, A.T. G'ofurov. Biologiya ta'limi texnologiyalari. — T.: O'qituvchi, 2002.
3. M. Ochilov. Yangi pedagogik texnologiyalar. - Qarshi: Nasaf, 2000.
4. J.O. Tolipova, A.T. G'ofurov. Biologiya o'qitish metodikasi. Pedagogika oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. — T.: Moliya-iqtisod, 2007.
5. J.O. Tolipova, A.T. G'ofurov. Biologiya o'qitish metodikasi. O'quv-metodik qo'llanma. — T.: «Bilim» 2004.
6. Azimov va boshqalar. Biologiya. Metodik qo'llanma. — T.: Abu Ali ibn Sino nomidagi Tibbiyot nashriyoti. 2002.
7. N.N. Azizxojayeva. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma. — T.: 2003, TDP.
8. N.N. Azizxojayeva. Ta'lim jarayoni samaradorligini oshirishda pedagogik texnologiyalar. Oliy o'quv yurti o'qituvchilari va malaka oshirish kurslari tinglovchilari uchun metodik qo'llanma. T.: 2007.

РЕЗЮМЕ

Maqolada bo'lajak biologiya o'qituvchilarini kasbiy tayyorgarligini oshirishdagi muammo va yechimlar shuningdek, zamonaviy biologiya darslarini tashkil qilish va biologiya ta'limida pedagogik texnologiyalardan foydalanish metodikasini takomillashtirish, uning tarkibiy tuzilishi va mazmuni, ta'lim amaliyotiga joriy etish, ko'nikmalarini shakllantirish bosqichlari o'rganilgan. Bo'lajak biologiya o'qituvchilari dars mashg'ulotlarini qanday tashkil qilishlari, dars ishlanmalarini loyihalash ko'nikma va malakalarini egallaganlik darajalari haqida ma'lumotlar keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены проблемы и пути решения проблем повышения профессиональной подготовки будущих учителей биологии, а также организации современных уроков биологии и совершенствования методики использования педагогических технологий в биологическом образовании, его структуры и содержания, внедрения в педагогическую практику, умений и навыков. образование. Он предоставляет информацию о том, как будущие учителя биологии будут организовывать свои уроки, и насколько хорошо они развили навыки и компетенции для разработки планов уроков.

SUMMARY

The article presents the problems and solutions to improve the professional training of future biology teachers, as well as the organization of modern biology lessons and the improvement of methods of using pedagogical technologies in biology education, its structure and content, implementation in teaching practice, skills formation. It provides information on how future biology teachers will organize their lessons, and how well they have developed the skills and competencies to design lesson plans.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР УЧУН ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ЭРГОНОМИК СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Жумамуратов А.П.

НДПИ таянч докторанти

Таянч сўзлар: бошланғич синф, электрон таълим ресурси, педагогик-эргономик талаблар, методик қўлланма, интерфаоллик, мулоқот, визуал муҳит.

Ключевые слова: начальный класс, электронный образовательный ресурс, педагогико-эргономические требования, методическое пособие, интерактивность, общение, визуальная среда.

Key words: primary class, electronic educational resource, pedagogical and ergonomic requirements, methodological manual, interactivity, communication, visual environment.

Ҳаётимизнинг барча соҳалари каби таълим тизимини ҳам модернизациялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Инновацион таълим муҳитини яратиш, уни халқаро андозаларга тўлиқ мослигини таъминлаш ёшла-

римизни бугунги тез ўзгарувчан ижтимоий ҳаётга муваффақиятли ижтимоийлаштиришнинг муҳим омилidir.

Ўзлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ҳамда мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажриба асосида такомиллаштиришни кўзда тутлади. Бунинг учун, аввало, барча таълим муассасаларидаги дарс жараёнларини илғор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган замонавий услубиёт билан таъминлаш лозим. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмунини янгилаш тизим олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим самарадорлигини ошириш, ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни, интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қондаларидан хабардор ўқитувчилар керак. Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда ёшларга замонавий билим бериш ва уларда амалий кўникмани ривожлантиришда инновацион технологияларнинг ўрни бекиёс. Илғор педагогик технологияларни қўллашда замонавий ахборот технологиялари кенг имкониятлар яратмоқда. Таълимда инновацион технологиялар ҳамда замонавий услублар таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириб, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Мазкур инновацияларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим муассасасида амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Инновацион технология ва ишланмаларни тараққий эттириш масалалари мамлакатимизда илм-фан ва илмий тадқиқотлар ривожланишига, уларнинг қўллаб-қувватланишига узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан таълим муассасалари, олий ўқув юртларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, уларнинг базасида тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш, олий ўқув юртларининг илм-фан, саноат ва иқтисод билан алоқасини кучайтириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шунингдек ёшларнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш кўникмасини ошириш, пировард натижада таълимда инновацион усулларни кенг жорий этиш орқали рақобатбардош, малакали кадрларни етиштиришга қаратилган.

Бу жараёнда таълим ва ахборот-коммуникацион технологияларининг алоҳида ўрни бўлиб, у таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга қўтаришда етакчи восита ҳисобланади, ҳамда давлат ва жамият, меҳнат бозори эҳтиёжларига мос тарзда жавоб беради.

Н.А.Муслимов электрон ўқув қўлланма (ЭЎҚ)га қуйидагича таълиф беради ЭЎҚ – бу муайян ўқув модели бўйича яратилиб, бу турдаги ўқув адабиётини яратишга қўйилган талабларга тўла жавоб берган ҳолда нашр маҳсулоти сифатида чоп қилиниши учун расман рухсат этилган ҳолда қисман ёки тўлалигича электрон дарслик ўрнини босадиган ёки қўшимча дарслик бўлган электрон шаклдаги ўқув манба . Шунингдек, муаллиф электрон таълим ахборот ресурсларига қўйиладиган муҳим талабларни қуйидагича санаб ўтган: педагогик (дидактик ва методик) талаблар; психологик-физиологик талаблар; техник ва дастурий талаблар; эргономик талаблар; дизайн талаблари; электрон таълим ресурсининг тузилиши ва уларнинг яратилишига қўйиладиган талаблар [3].

Бошланғич синфлар учун электрон таълим ресурсининг эргономик хусусиятларига қўйиладиган талаблар қуйидагича:

- Мулоқотни ташкил этишга қўйиладиган талаблар: фойдаланувчи конфорини амалга ошириш (фойдаланувчи сўровларига мақбул жавоб вақти; бошқарув тугмаларидан фойдаланиш, экраннинг фаол зоналари, мулоқот пайтида экрандаги маълумотларнинг тузилиши орқали ҳаракат қилиш; маълумотларни мулоқот режимига киритиш ва жавоб олиш); ҳисоблаш операцияларини бажариш, видеоклиплар, 3D графикалар, анимация эффектлари; клавиатурадан фойдаланувчи маълумотларини киритиш майдонларига тўғридан-тўғри кириш орқали ахборот ўзаро таъсирини амалга ошириш; кирилл алифбосининг ишлаши, ишлаб чиқувчилар томонидан белгиланган бошқариш тугмачаларининг ишлаши; маслаҳатлар, кўрсатмалар мавжудлиги.
- Визуал муҳитга қўйиладиган талаблар: нормал визуал муҳитнинг мавжудлиги - ранг-баранг ранглар палитрасига мувофиқ экранда объектларнинг кўринадиган элементлари.
- Санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ матн формати ва белгилар параметрларига қўйиладиган талаблар [2].
- Мультимедиа технологияларини жорий қилиш даражаси: фото ва видео роликларнинг мавжудлиги; компьютер графикасининг мавжудлиги; овознинг мавжудлиги; овоз баландлиги даражасини созлашни амалга ошириш (экранда); Асосий ва фон ўлчамларини алоҳида созлаш.

Электрон дарслик, ўқув ва методик қўлланма каби одатдаги ўқув қўлланмаларга қўйилган дидактик талабларга жавоб бериши керак. Дидактик талаблар таълим беришнинг специфик қонуниятларига ва мос равишда таълим беришнинг дидактик тамойилларига мос келиши керак.

Электрон таълим ресурсларига қўйиладиган эргономик талаблар – таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб тузилади, таълимнинг самарадорлик даражасини оширишни таъминлайди, ахборотли тасвирлаш ва электрон таълим ресурсларига бўлган талабларни ўрганади.

Электрон дарсликни ишлаб чиқиш ва фойдаланишга қўйиладиган саломатликни сақлаш ва эргономик талабларга ҳисоблаш техникаси билан ишлашнинг гигиеник ва санитария талаблари қиради.

Бошланғич синфлар учун электрон таълим ресурсининг педагогик ва эргономик хусусиятларига қўйиладиган талабларни қўйидагича изоҳлаймиз.

1. Педагогик хусусиятларига қўйиладиган талаблар

1.1. Қўлланиш соҳаси:

ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш; ўқув материалларини тақдим этишнинг ҳар хил турларнинг мавжудлиги.

1.2. ЭТР дан фойдаланишнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги

меъёрий ҳужжатларнинг мақсад вазибалари ва мазмунига мувофиқлиги: ўқитишнинг асосий дидактик тамойиллари ва АКТнинг дидактик имкониятларини амалга ошириш; ўқув материалларини тақдим этишнинг тўлиқлигини амалга ошириш; ноқонуний маълумотларнинг йўқлиги.

1.3. Бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мослиги:

ўқув вазибалари мазмунининг ўқувчилар ёшига мувофиқлиги; ўқув ва ўқув-услубий материалларни етказиб бериш даражаси ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига ва уларни компьютерда ишлаб олиш тайёргарлиги даражасига мувофиқлиги.

1.4. Таълимнинг ўзгарувчанлиги:

4	Куч импульси нима?

Хулоса қилиб айтганда, талабаларнинг таълим олишида янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши фанга, мавзунинг мазмунига бўлган қизиқишларини ва машғулотда фаоллигини оширади [4]. Янги педагогик технологиялар асосида олган билимларни мустаҳкамлашга, ўз фикрларини мустақил баён этишга, фаол иштирок этишга, ўз тенгдошлари билан биргаликда вазифаларни бажариш, ўзгалар фикрларини ҳурмат қилишга ёрдам беради. Дарсни қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди. Худди шундай педагогик инновациялар ҳар томонлама камол топган ёшларни тарбиялаб бериш вазифасини ҳал этади [4].

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032-сон Қарори <https://lex.uz/docs/5338558>

2. Абдурахмонов А. “Физика курси” 2017 й. Т.

3. Усаров Ж.Э. Таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетенцияларини ривожлантириш (физика фанини ўқитиш мисолида). Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.:2019. 67 б.

4. Назаров А.А. Талабаларни умумкасбий фанлар негизда инновацион муҳандислик касбий фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш (Технологик машиналар ва жихозлар таълим йўналиши мисолида). Пед.фан.фал.док.(PhD) дис...авто. Т.:2020. 52 б.

5. Бекнозарова З.Ф. Муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш (физика фанини ўқитиш мисолида) Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.:2022. 102 б.

Интернет сайтлари

1. <http://mahorat.uz-Pedagogik-mahorat-portal>.

РЕЗЮМЕ

Мақолада, олий таълимда физика фани машғулотларни олиб боришда янги педагогик технология усуллари қўллашнинг самарали усуллари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье выделены эффективные методы использования методов новых педагогических технологий при проведении занятий по физике в высшей школе.

SUMMARY

The article highlights effective methods of using the methods of new pedagogical technologies in conducting physics classes in higher education.

ФИЗИКА ФАНИДАН МАРУЗА ДАРСЛАРИДА МУОММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бекнозарова З.Ф.

ТИҚХММИ, МТУ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: компетенция, технология, ўтказгич, қаршилик, муоаммо, инновация, психологик.

Ключевые слова: компетентность, технология, проводник, сопротивление, вызов, инновация, психологический.

Key words: competence, technology, conductor, resistance, challenge, innovation, psychological.

Жаҳонда физика фанидан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, муҳандислик йўналиши талабаларининг таълим олишларини қўллаб-қувватлаш жараёнида компетентли ва методологик ёндашувлардан кенг миқёсда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳоннинг энг илғор университетларида тизимли, амалий ва усқунавий дастурий таъминотлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда физика фанидан таълим жараёнини самарали ташкил этиш ҳамда бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш ўта муҳим долзарбликка эга. Бунинг учун замонавий педагогик технологиялар (Case-Study, Pyramid, Research) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб физика фанини ўқитиш муҳим аҳамият касб этмоқда [1].

Бу вазифаларни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар зиммасига юклатилади. Шу боис, физика фанини ўқитиш жараёнида юқори самарали технологияга асосланиш, ҳар бир маърузада замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, талабаларда мустақил ва ижодий фикрлашни ривожлантириш, ватанпарварлик ва миллий ғурурни шакллантириш, мустақиллик тамойиллари ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, масалаларига эътибор қаратилади.

Талабаларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш деганда талабаларда юқори даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж,

натижанинг юқорилиги ва фикрлаш қобилиятининг кенглиги билан аниқланади.

Таълим жараёнида салмоқли ўрин эгаллаган муаммоли (аклий ҳужум) маъруза, мунозарали (илмий мунозарали ва эркин фикрлаш) мавзулар муаммоли таълим технологиясига асосланади.

Мазкур мавзуларнинг ўзига хос жиҳати маъруза давомида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларга асосланади.

Муаммоли таълим деб, ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишнинг энг муқобил тури ёрдамида фикр юритиш қонуниятларига таянган ҳолда, талабаларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнида фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва билиш эҳтиёжини қондириш мақсадига йўналтирилган, талаба билимининг умумий ва махсус ривожланишига замин тайёрлайдиган жараёнга айтилади.

Муаммоли таълим жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малакага эришиш мақсадида қўлланилиб, унда талаба ўқув мавзусини таҳлил қилади, таққослайди, маълумотларни умумлаштириб, янги ахборот олади. Бошқача айтганда, аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларини янги вазиятларда қўллаб, билимларини чуқурлаштиради, кенгайтиради.

Билимларни бундай ўзлаштириш усулини ҳеч бир маърузачи ўргата олмайди, фақат талабалар муаммоли вазиятларни ҳал этиш жараёнида изланади ва муаммолар ечимини топади.

Талабаларни ижодий ва мантикий фикрлашга ўргатиш, аклий фаолият усуларини эгаллашга, уларда илмий, танқидий-таҳлилий, мантикий фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга олиб келади.

“ТИҚХММИ” МТУнинг “Физика ва кимё” кафедраси профессор ўқитувчилари томонидан маруза дарсларини олиб боришда муаммоли таълим технологияларни жорий этиб, самарали натижаларга эришилмоқда [5].

Масалан, “Ўтказгичлар қаршилигининг ҳароратга боғлиқлиги” мавзусини мушоада қилиб кўрсак. Мавзуга оид “Нима учун ҳарорат ортиши билан ўтказгичларнинг қаршилиги ортади?” деган биргина савол, навбатдаги қатор муаммоли саволларни келтириб чиқаради. Нима учун ўтказгичнинг ҳарорати ортиши билан унинг ўлчамлари ортади? Нима ҳисобга олинмайди?, деган яна бошқа-бошқа саволларга жавоб топиш учун талабалар олдиндан маълум бўлган маълумотлар асосида қуйидагича: ҳарорат ортиши билан кристалл панжара тугунларида жойлашган атомлар ва ионларнинг иссиқлик, тебранма ҳаракати кўчаяди, натижада тебраниш амплитудаси ортади. Ҳарорат қанча юқори бўлса, электронларнинг атомлар ва ионлар билан ўзаро тўқнашиши ҳам шунча тез-тез содир бўлади. Бундан ташқари, ҳарорат ортиши билан электронларнинг тартибсиз ҳаракати ҳам кўчаяди. Буларнинг ҳаммаси ўтказувчан электронлар тартибли ҳаракатининг сусайишига олиб келади, натижада ток кучи камаяди, қаршилиқ ортади, яъни $\rho = \frac{1}{m_0 e}$. Металл ўтказгич қиздирилганда ток ташувчи зарраларнинг ҳаракатчанлиги u камаяди, n_0 ва e эса ўзгармай қолади. Демак, бу ҳолда ортиши керак.

Қиздирилганда ўтказгичнинг геометрик ўлчамлари жуда кам ўзгаради. Ўтказгичнинг қаршилиги асосан солиштирма қаршилиқ ўзгариши ҳисобига ўзгаради, яъни “ортади” деган хулоса ясаб, фикрларни далиллаш лозим. Сўнг намоиш экспериментларини кўрсатиш билан асослаб берилади. Саволларнинг бу тарзда муаммоли қўйилиши талабаларнинг таҳлилий ва мантикий фикрлаш кўникмаларини эгаллашларида имкон беради [2].

Муаммоли таълимнинг муваффақияти қуйидаги омилларга боғлиқ:

- муайян мавзуга оид ўқув материални муаммолаштириш;
- муаммоли вазиятларни вужудга келтириш орқали талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- ўқитувчи томонидан муаммоли усуллардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
- муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар мажмуасини тузиш ва мантикий кетма-кетликда талабаларга баён этиш.

Муаммоли методлар, муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, талабаларнинг муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, физикавий ҳодиса ва қонунларни таҳлил қилиш кўникмалари ва билимларини фаоллаштиришга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этади. Шу сабабли, физика ўқитишда, ўқитишнинг репродуктив усуллари бўлган оғзаки баён, кўргазмали ва амалий методлар билан биргаликда муаммоли изланиш ва мантикий методлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ўқитувчи мазкур методларнинг ўзига хос хусусиятлари, улар таркибига қирадиган методик услубларни тўғри англаши ва ўз ўрнида самарали фойдаланиш кўникмаларини эгаллаган бўлиши лозим.

Муаммоли изланиш методлари гуруҳига мансуб муаммоли изланиш ҳаракетидаги суҳбат методидан фойдаланилганда, аввал муаммоли вазиятлар яратилади, олдиндан тайёрланган муаммоли саволлар мажмуаси баён этилади, талабаларнинг ўқитувчи билан биргаликда мантикий мулоҳаза юритишига, ўқув фаразларини ҳосил қилиши ва исботлаши, суҳбат жараёнида муаммоли саволларга жавоб топишга имкон яратилади.

Муаммоли баён усулида, ўқитувчи, янги мавзунини ўрганиш жараёнида муаммоли вазиятларни яратади, суҳбат жараёнида муаммоли саволларга жавоб топишга, ўқув фаразларини ҳосил қилиш ва далиллаш, талабалар билан ҳамкорликда уларнинг жавоблари асосида муаммолар ҳал этилади.

Муаммоли амалий методдан фойдаланишда муаммоли топшириқлар тузилади, шу асосда экспериментлар ўтказилади, муаммоли вазиятларни ҳал этиш юзасидан ўқув фаразлари ҳосил қилинади ва ўқув тадқиқот экспериментлари ўтказилиб, ўқув хулосалари ва умумлашмаларини таърифлаб, муаммолар ҳал этилади.

Талабалар, таҳлил методи ёрдамида ахборотни англаб идрок этади, ўрганилган объектларнинг ўхшашлик ва фарқли томонларни аниқлайди, ўрганилган объектларни таркибий қисмларга ажратиб, улар ўртасидаги боғланишларнинг сабаб-оқибатларини аниқлайди.

Бош ғояни ажратиш методи муҳим аҳамият касб этиб, ўқув материалидаги асосий ғояни ажратиш ва саралаш, ахборотни мантикий тугалланган фикрли қисмларга ажратиш, асосий ғоя ва иккинчи даражали фикрларни ажратиш, таянч сўзлар ва тушунчаларни ажратиш, асосий фикр ҳақида хулоса чиқаришга замин тайёрлайди. Талабалар, қиёслаш методи воситасида, ўқув топшириқларида берилган қиёсий объектларни аниқлаш, объектларнинг асосий белгиларини аниқлаш, таққослаш, ўхшашлик ва фарқларини аниқлаш, қиёслаш натижаларини шартли белгилар билан расмийлаштиришга ўрганади.

Умумлаштириш методи, муаммоларни ҳал этиш жараёнида, ўқув материалидаги асосий тушунчаларни аниқлаш, қиёслаш, дастлабки хулосалар, ҳодисанинг ривожланиш динамикасини тасаввур қилиш, умумлаштириш натижаларини шартли белгилар ёрдамида расмийлаштириш, умумий хулоса чиқаришга замин тайёрлайди.

Муаммоли таълимнинг замонавий назариясида муаммоли вазиятларнинг икки тури ажратилади:

I. Психологик муаммоли вазиятлар;

II. Педагогик муаммоли вазиятлар.

Психологик муаммоли вазиятлар талабалар фаолиятига, педагогик муаммоли вазиятлар ўқув жараёнининг ташкил этилишига тааллуқлидир.

Муаммоли вазиятларнинг бу икки тури бир-бирини тақозо ва талаб этади. Педагогик муаммоли вазиятлар талабалардан фақат фикр юритишнигина талаб қилмай, балки билиш мунозарасида иштирок этиш, у ёки бу ҳодиса ҳақидаги ҳаётий ва илмий тасаввуларни қиёслаш, олимларнинг турли нуктаи назарларини таққослаш, шунингдек, уларнинг қизиқишларини орттириш мақсадида, маъруза давомида янги далилларни маълум қилиш, мазкур далилларнинг фан-техника ривожини учун аҳамиятини ёритиш, ажабланарли далилларни, қизиқарли физикавий масалаларни баён этиш орқали вужудга келтирилади.

Психологик муаммоли вазиятларни ҳал этишда, ўқитувчи, талабалар фаолиятини фикр юритишнинг мантикий кетма-кетликлари, таҳлил, синтез, таққослаш, аналогия, умумлаштириш, таснифлаш ва хулоса ясашга йўналтирилади.

Муаммоли вазиятлардан ўқув жараёнининг барча босқичларида: янги мавзу баёни, мустаҳкамлаш ва билимларни назорат қилишда муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Муаммоли вазиятлар тизими муваффақиятли яратилган ҳолларда мазкур мавзунини муаммоли маъруза шаклида ўтиш тавсия этилади. Ўқитиш жараёнига муаммоли мавзуларни қўллаш учун ўқитувчи қуйидаги муаммоларни ҳал қилиши зарур:

- ўқув дастури бўйича қайси мавзуларни муаммоли маъруза шаклида ўтиш мумкинлигини белгилаши;
- мавзу мағнидаги масалалар бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар, топшириқларни аниқлаши, бунда дидактиканинг илмийлик, мантикий кетма-кетлик, изчиллик тамойилларига амал қилиши;
- талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усулларни аниқлаши, улардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш йўллари белгилаши.

Муаммоли маърузаларда ўқитувчининг фаолияти, аввало, мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммоларини аниқлаш, муаммоли вазиятлар тизимини яратиш, талабалар олдига ўқув муаммоларини юқори илмий ва методик савияда қўйиш ва маърузада мазкур ўқув муаммоларни ҳал этишга йўналтиришдан иборат бўлади.

Талабаларнинг фаолияти муаммоли вазиятларни идрок этиш, ҳал қилиш усулларини излаш, муаммони таҳлил қилиб, тахминларни илгари суриш, тахминларни илмий ва мантикий нуктаи назардан асослаш, исботлаш, текшириш ва хулоса чиқаришдан иборат бўлади [3].

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида яъни маъруза дарсларида муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш яъни, янги педагогик технологиялар таълим олувчиларнинг фанга, мавзунинг мазмунига бўлган қизиқишларини ва машғулотда фаолигини ошириш билан бирга билимларни мустаҳкамлашга, ўз фикрларини мустақил баён этишга, ўз тенгдошлари билан биргаликда вазифаларни бажариш, ўзгалар фикрларини ҳурмат қилишга ёрдам беради. Бу эса инновация қафолатланган натижани бериб, ҳар томонлама камол топган, баркамол авлодни тарбиялаб бериш вазифасини ҳал этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасидаги таълим

сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032-сон Қарори <https://lex.uz/docs/5338558>

2. Абдурахмонов А. “Физика курси” 2017 й. Т.

3. Усаров Ж.Э. Таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш (физика фанини ўқитиш мисолида). Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.:2019. 67 б.

4. Назаров А.А. Талабаларни умумқасбий фанлар негизда инновацион муҳандислик касбий фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш (Технологик машиналар ва жиҳозлар таълим йўналиши мисолида). Пед.фан.фал.док.(PhD) дис...авто. Т.:2020. 52 б.

5. Бекнозарова З.Ф. Муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш (физика фанини ўқитиш мисолида) Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.:2022. 102 б.

Интернет сайтлари

1. <http://mahorat.uz-Pedagogik-mahorat-portal>.

РЕЗЮМЕ

Мақолада физика фани маруза машғулотларини олиб боришда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш методлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны методы использования технологии проблемного обучения при проведении занятий по физике.

SUMMARY

The article describes the methods of using problem-based learning technology in physics classes.

БЎЛАЖАК ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Арзikuлов Ҳ.Н.

Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси

Таянч сўзлар: касбий компетентлик, креатив, компьютер графикаси, ахборот технологиялари, илгор педагогик технология.

Ключевые слова: профессиональная компетентность, креативность, компьютерная графика, информационные технологии, передовые педагогические технологии.

Key words: professional competence, creativity, computer graphics, information technology, advanced pedagogical technology.

Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири – креатив фикрлайдиган ва касбий компетенцияларга эга битирувчиларни тайёрлашдан иборат. Бунинг учун эса олий таълим муассасаларида мутахассисларнинг тайёрлашга қўйилган малака талабларида таълим эҳтиёжларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган янги ёндашувларни жорий этишни, яъни рақамли ўқув воситалар ва илгор педагогик технологиялар ёрдамида ўқув жараёнини ташкил этишни тақозо этади.

Бу борада, яъни олий таълим муассасалари талабаларининг компетентлигини ривожлантириш назарияси ва амалиёти ҳамда методикасига оид изланишлар С.М.Абдиева, Ф.Х.Хазратов, Ш.У.Эшонкулов, Р.М.Садиков, Г.Ж.Абылова, Д.М.Камбарова, З.К.Курбаниязова, У.Н.Ибрагимов, Н.Я.Курбонов, М.Р.Кадилова, Н.А.Муслимов, М.Ҳ.Усмонбоева, Д.М.Сайфуров, А.Б.Тўраев, Қ.Абдуллаева, Т.М.Сорокина, В.В.Демидов, Н.М.Слаутина, Ю.В.Пузиенко, М.Г.Даудов, Е.В.Шостак, Е.Б.Башкин, Е.В.Тимохина, О.А.Волкова каби олимлар томонидан ўрганилган.

Келтирилган олимларнинг ишларида олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда турлича фикр ва мулоҳазалар ҳамда ёндашувларни илгари сурган.

Хусусан, Н.А.Муслимов, М.Х.Усмонбоева, Д.М.Сайфуров, А.Б.Тўраевларнинг фикрига кўра, “Компетентлик” (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олишдир [1].

Г.М.Коджаспированинг фикрига кўра, “ўқитувчи малакали ўқитувчи бўлиши учун муайян педагогик компетентликка эга бўлиши керак”, деб ҳисоблайди [2]. Н.А.Муслимов ва К.Абдуллаевларнинг фикрича, компетентлик – олинган назарий билим, кўникма ва малакалар мажмуасини амалиётга мустақил ва ижодий қўллай олиш даражаси, бу ҳам талабанинг амалиёт жараёнида ва олий таълимдан кейинги фаолиятида шаклланиб боради [3].

Шу билан бирга ҳозирги вақтда бутун жамиятнинг эътибори касбий компетентлик масаласига қаратилиб, педагогика соҳасида ўқитувчиларнинг касбий муаммосини ҳар томонлама таҳлил қилишга оид изланишлар олиб борилмоқда ва касбий компетентликка оид олимлар томонидан турлича таърифлар келтирилган [4].

Хусусан, В.Н.Введенскийнинг фикрича, касбий компетентлик – бу шахсий хусусиятга эга ва малакали профессионал ёки функционал хусусиятлар мажмуасидир [5]. Н.А.Муслимов, М.Х.Усмонбоева, Д.М.Сайфуров, А.Б.Тўраевларнинг фикрига кўра, Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши, уларни амалда юқори даражада қўллай олинишидир [1].

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутати. Шунингдек, компетентлик мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Келтирилган олимларнинг ишларини таҳлилига кўра, бугунги кунда бўлажак информатика ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришни шакл, усул ва воситаларни такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Бу борада, мамлакатимизда, яъни олий таълим муассасаларида информатика ва ахборот технологиялари фанларининг ўқитиш методикаси, информатика фанларини ўқитишга мўлжалланган ахборот-таълим муҳитларини, дидактик электрон таълим ресурсларни яратиш ва жорий этиш технологияларига бағишланган тадқиқотлар Н.И.Тайлақов, Ф.М.Закирова, Т.Т.Калекеева, С.С.Бабаджонов, С.Хайтуллаева, Н.А.Отахонов, С.К.Турсунов, Б.Б.Мўминов, М.Х.Алламбергенова, А.И.Аширова, М.Р.Файзиева, А.Д.Онгарбаева, Б.А.Кондратенко, Л.М.Ивкина, Е.В.Киргизова, М.М.Абдуразаков каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган олимларнинг ишларида олий таълим муассасаларида информатика фанларининг мазмунини такомиллаштириш методикаси, информатика ва ахборот технологиялари фанларининг электрон таълим ресурслари ҳамда илгор педагогик технологияларида фойдаланишни назарий ва амалиётга оид тадқиқот ишлари ҳисобланиб, аммо уларнинг ишларида талабаларни информатика ва ахборот технологияларига оид фанлардан компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Шу билан бирга, талабаларни ахборот-коммуникация технологияларига оид компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва ечимларига оид тадқиқотлар Д.В.Лучанинов, Б.З.Тўраев, И.А.Эшмаматов, А.Ғ.Эминовнинг, У.А.Насритдинова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ушбу номлари қайд этилган олимларнинг ишларида олий таълим муассасалари талабаларни информатика ва ахборот технологияларига оид компетентлигини ривожлантириш бўйича изланишлар олиб борилган бўлиб, уларнинг ишларида талабаларни компьютернинг график дастурлари ёрдамида турли лойиҳалар тайёрлашга оид компетентлигини ривожлантириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Шу билан бирга Б.З.Тўраев “Компьютер графикаси” ўқув курсининг мазмуни касбий йўналтирилган ва умумкасбий фанлар билан узвийлаштирилган тузилмаси компьютер графикасига оид масалаларни дастурлаштириш компетентлигини шакллантириш асосида такомиллаштирилганлигини [6], Ш.Д.Дилшодбеков муҳандислик графикаси йўналишида компьютер графикасининг ўқитишни инновацион усулларини ишлаб чиққанлигини [7], Ш.Н.Муслимов бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини компьютернинг график дастурларига оид компетентлигини ривожлантириш назарияси ва амалиётига доир изланишлар олиб борганлигини [8], А.Ғ.Эминов информатика ўқитувчисининг компьютер графикаси фанидан компетентлиги ривожлантиришни методикасини ишлаб чиққанини [9], У.А.Насритдинова олий таълим муассасаларида “Компьютер графикаси” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш учун мультимедияли электрон ўқув қўлланмаси ишлаб чиқиб, таълим жараёнига тадбиқ этганлигини [10] келтириш мумкин.

Келтирилган тадқиқотларда олий таълим муассасаларида талабаларни компьютернинг график дастурларига оид компетентлигини ривожлантиришни айрим ёндашувлари илгари сурилган бўлсада, аммо педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчиларини компьютерни график дастурларига оид компетентлигини ривожлантиришда ахборот-таълим муҳитлардан ва муаммоли топириқлардан фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмаган ҳамда ушбу кўп компонентли хусусиятларнинг ривожлантириш даражасини ўлчаш ва баҳолаш муаммолари тўлиқ ҳал этилмаган. Шу боис, илгари сурилаган тадқиқот, яъни бўлажак информатика ўқитувчиларини компьютерни график дастурларига оид компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчиларини компьютерни график дастурларига оид компетентлигини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Чунки компьютернинг график дастурлари ёрдамида турли амалий лойиҳалар, рекламлар, анимация эффектларини таёрлашда қўлланилади.

Бўлажак информатика ўқитувчиларини компьютернинг график дастурларига оид тайёргарлиги сифатига қўйиладиган талабларни кучайиши, ўқув жараёнини ташкил этишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади. Ўқув жараёнига компьютер технологияларининг фаол жорий этилиши ўқитишнинг инновацион усулларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди ва методистлар олдида ўқитишни анъанавий ва инновацион ёндашувлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммосини пайдо қилади.

Бошқа фанлар катори компьютернинг график дастурларини ҳам ўқитишда замонавий ўқув воситалардан фойдаланиб, таълимни ташкил этиш, бўлажак информатика ўқитувчиларининг график дастурларга доир билимларини пухта ўзлаштиришда муҳим ўринни эгаллайди. Бизнинг тадқиқотимиз мавзуси айти шу муаммога

бағишланганлиги учун бўлажак информатика ўқитувчиларининг компьютернинг график дастурларига оид билим, кўникма, малака ва компетентлигини аниқлаш мақсадида дастлаб кузатиш ишларини олиб бордик. Кузатиш Навоий давлат педагогика институтида график дастурларни ўқитиш билан боғлиқ. Ушбу таълим йўналишига касбий фанлардан машғулотларни олиб бораётган “Информатика ўқитиш методикаси” кафедраси профессор-ўқитувчилари билан биргаликда турли хил ўқитиш методикалари тўғрисида суҳбатлар ўтказилди. Бўлажак информатика ўқитувчиларининг компьютернинг график дастурларига доир билим даражасини аниқлаш учун бир нечта маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари кузатилди. Бунда профессор-ўқитувчилар маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларни ижодий ёндашиш асосида ташкил этаётганлигини гувоҳи бўлдик.

Аммо “Компьютер графикаси ва веб дизайн” фани мазмунидаги кўпгина мавзуларни ўқитишда профессор-ўқитувчилар бўлажак информатика ўқитувчиларига етарлича билим беришга эришаолмади. “Компьютер графикаси ва веб дизайн” фанини ўқитишда мавжуд муаммолардан бири, бу Adobe Photoshop, CorelDRAW, 3 D Max, Macromedia Flash, HTML, Dream Weaver, CSS дастурлари билан ишлаш, улар ёрдамида турли лойиҳалар ва веб иловалар, сайтлар тайёрлашни бўлажак информатика ўқитувчиларга ўргатишдан иборат.

Бу каби дастурлар билан ишлашни, улар ёрдамида турли лойиҳалар ва веб иловалар, сайтлар тайёрлашни бўлажак информатика ўқитувчиларига ўргатишда қийинчилик пайдо бўлади. Чунки келтирилган график дастурларни тўлалигича аудиторияда бўлажак информатика ўқитувчиларга ўргатиш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун бўлажак информатика ўқитувчиларининг мустақил ўрганишга оид дидактик ўқув воситаларни ва муаммоли топшириқлар тўпламини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. – Тошкент, 2015. – 120 б.
2. Коджаспирова Г.М.. Педагогика // Учебник для студентов высших учебных заведений. – М.: “Гардарика”, 2004. – 528 с.
3. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ. Бўлажак касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг айрим масалалари // “Олий таълим муассасалари педагог ва бошқарув кадрларининг малакасини ошириш назарияси ва амалиёти” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2012. – Б. 26-28.
4. Барышникова И. Е. Профессиональная компетентность: виды, структура и современные подходы // <file:///C:/Users/User/Downloads/professionalnaya-kompetentnost-vidy-struktura-i-sovremennye-podhody.pdf>
5. Введенский В.Н. Моделирование профессиональной компетентности педагога // Педагогика. – 2003. – №10. – С. 51-55.
6. Тўраев Б.З. Информатика ва ахборот технологиялари соҳаси педагогларининг умумкасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантириш // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 48 б.
7. Дилшодбеков Ш.Д. Компьютер графикаси асосида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишнинг инновацион усули // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022. – 48 б.
8. Муслимов Ш.Н. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022. – 48 б.
9. Эминов А.Ғ. Бўлажак ўқитувчиларининг компьютер графикаси компетентлигини ривожлантириш методикаси // Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2012. – 172 б.
10. Насритдинова У.А. Компьютер графикаси фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситаси-

дан фойдаланиш методикаси // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 50 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак информатика ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари, уларнинг компьютернинг график дастурларига оид компетентлигини ривожлантириш масалаларига оид фикр-мулоҳазалар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлены проблемы развития профессиональной компетентности будущих учителей информатики, а также мнения по вопросам развития их компетентности в компьютерных графических программах.

SUMMARY

This article presents the problems of developing the professional competence of future IT teachers, and opinions on the issues of developing their competence in computer graphic programs.

MA'LUMOTLAR BAZASI FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY DASTURLASH TEXNOLOGILARIDAN FOYDALANISH METODIKASI

Qodirov B.Q.

TATU Qarshi filiali mustaqil tadqiqotchisi

Tayanch soʻzlar: ma'lumotlar bazasi, axborot texnologiyalari, predmet soha, MySQL, Denwer, Xampp, Microsoft Access, Open Server, Oracle.

Ключевые слова: база данных, информационные технологии, предметная область, MySQL, Denver, Xampp, Microsoft Access, Open Server, Oracle.

Key words: database, information technology, subject area, MySQL, Denwer, Xampp, Microsoft Access, Open Server, Oracle.

Bugungi kunda ma'lumotlar bazasi fanini o'qitishda bir qancha zamonaviy dasturlardan foydalanib kelinmoqda. Ammo, zamonaviy turdagi dasturlardan dars jarayonida foydalanish bir qancha muammolarni ham yaqqol ko'rsatmoqda. Bu kabi muammolarni topish orqali esa fanning o'zlashtirish ko'rsatkichini oshirish va zamon talablariga mos kadrlar yetqazib berish mumkindir.

Axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishi bilan ma'lumotlar bazasi texnologiyasi ko'plab sohalarida, jumladan, an'anaviy ma'lumotlarni qayta ishlash, axborotni boshqarish, tranzaksiyalarni qayta ishlash, sun'iy intellekt, qidiruv tizimi, hayotning barcha jabhalarida ofislarni avtomatlashtirish tizimlari, turli xil tarmoq ilovalari tizimlari va boshqalarda muhim rol o'ynaydi. bulutli hisoblash va boshqa rivojlanayotgan sohalar. Shu sababli, ma'lumotlar bazasi texnologiyasiga oid kurslar kollej va universitetlarda kompyuter mutaxassisliklari uchun majburiy kurslarga aylandi. "Ma'lumotlar bazasi tizimi" (Wang & Sa, 2018) kuchli nazariy va amaliy ma'noga ega bo'lgan amaliy ilovalarga qaratilgan. Zamonaviy kompyuter dasturiy ta'minoti texnologiyasida ma'lumotlar bazasi tizimi bilimlari dasturiy ta'minot texnologiyasini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash uchun muhim tarkibga aylandi. Shunday qilib, ma'lumotlar bazasi tizimini o'qitish jarayonida biz talabalarga nafaqat chuqur nazariy bilimlarni egallashga imkon berishimiz, balki talabalarning amaliy qobiliyatini rivojlantirishga ham e'tibor qaratishimiz kerak.

Oliy ta'lim muassasalari (OTM) da bugunga kelib fanning o'tilish sifati va uni o'qitilish rejasiga kiritilishi bo'yicha talabalar o'rtasida bir qancha so'rovnomalar o'tkazilmoqda. Bu esa fanning o'qitilishdagi metodikasining rivojlantirishga va zamonaviy fanlarni saralab olishga yordam bermoqda. Bizga ma'lumki har bir me'tod fan, auditoriya, fan mavzusi, mavzuda ko'tariladigan muammolar va boshqa tashqi omillardan kelib chiqilgan holatda

tanlanadi. Shu bilan bir qatorda dunyo olimlarining texnika fanlarini o'qitishda bir qancha fikrlarini va mustaqil izlanishlarini keltirib o'tish mumkin:

R. Daniyel, O. Tihomir va L. Alen ning fikricha talabalarga fanning asosiy qismini o'tishdan oldin ularning qiziqishlari, dunyo qarashlari va hoxish-istiklarini o'rganish zarurdir. Asosiy hollarda auditoriyadan veb platformalar orqali bir qancha so'rovnoma olinib, yagona metod tanlanadi. Fan mavzularini o'tishda mavzularni hayotiy jarayonlarga bog'lash va undan kelib chiqadigan natijalarni tahlil qilish kerak bo'ladi [1].

A.P.Ershov (Maktab ta'limiga "Informatika va kompyuter texnologiyalari asoslari" fanini joriy etish tashabbuskori) "Dasturlash – ikkinchi savodxonlik" deb atalgan shiorini yaratdi [2]. Mashg'ulot vaqtining ko'p qismi avval dasturlash bilan band bo'lib, trening ko'pincha kompyuterlarsiz tashkil etilar edi. Albatta, ko'plab tanqidchilar dasturlashni hammaga o'rgatish shart emasligini ta'kidlaganlar, chunki bu qiyin va hamma uchun tushunarli emas edi. Andrey Petrovich o'z raqiblariga o'xshatish bilan e'tiroz bildirdi: juda kam odam yozuvchi bo'ladi, lekin hamma maktabda insho yozishni o'rgatadi. Uning fikricha, bolalarni ijodkorlik va o'zini namoyon qilish imkoniyatidan mahrum qilish joiz emas va dasturlash ijodiy jarayondir [2].

Allen G. Taylor kitobda, har qanday inson ma'lumotlarni to'g'ri modellashtirishni, ishlaydigan ma'lumotlar bazasini qanday loyihalashni, mustahkam aloqador ma'lumotlar bazalarini qanday yaratishni, ularni o'z vaqtida va budjetda etkazib berishni, foydalanuvchilarga qulay ma'lumotlar bazasi ilovalarini qanday yaratishni va hatto qanday qilib ma'lumotlar bazasini internetga yuklash uchun o'z fikrlarini aytib o'tgan [3].

R. Chad va S. Jon larning kitobida MySQL (ingliz tilida – My Structured Query Language, o'zbek tilida – bepul relyatsion ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimi)-ning so'nggi versiyalari bilan yangilanmagan bo'lsa-da, mualliflar MySQL bilan ma'lumotlar bazasi dizayniga juda yaxshi kirishni taqdim etishga muvaffaq bo'lishdi. Ilmiy izlanishdagi yozilgan kitob juda dolzarb bo'lib, asosiy tushunchalardan tortib normalizatsiya usullarigacha bo'lgan barcha asosiy ma'lumotlarni qamrab oladi [4].

H. Garsia-Molina, J. Ulman va J. Vidom larning kitobida ma'lumotlar bazasi tizimlarini yangi o'rganuvchilar uchun ajoyib fikrlar aytib o'tilgan. O'rganish metodikasi shu qadar optimal rejalashtirilgan bo'lib, qismlarga bo'lib o'rgatishga asoslangan. Tarkib ikki qismga bo'lingan. Birinchi qism dastur dizaynerlari, foydalanuvchilar va dasturchilarga mo'ljallangan bo'lib, ma'lumotlar bazalarining asosiy jihatlari va so'nggi SQL, JDBC va XML standartlari va boshqalarni chuqur qamrab oladi. Ikkinchi qism ma'lumotlar tuzilmalari, so'rovlarni qayta ishlash va ma'lumotlar bazasini amalga oshiruvchilar uchun qimmatli ma'lumot manbai sifatida tranzaksiyalarni boshqarishga qaratilgan [5].

R.V.Qobulov, B.B.Akbaraliyev, J.T.Usmonov, O.B.Ro'ziboyev larning o'quv qo'llanmasida ma'lumotlar modellari, relyatsion model, ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimlari, relyatsion algebra va hisob, SQL tilida ma'lumotlar bazasini yaratish, so'rovlar yaratish, cheklanishlar va tasvirlar, ma'lumotlar bazasini loyihalashtirish, CASE tizimlari, tranzaksiyalarni qayta ishlash, ma'lumotlar bazasini himoyalash, XML va multimodel ma'lumotlar bazalarini o'rganish bo'yicha bir qancha tavsiyalar berilgan va misollar orqali ko'rsatib berilgan [6].

X.N.Zaynitdinov, J.T.Usmonov, Sh.B.Redjepov, I.Yusupov larning darsliklarida ma'lumotlar bazasining asosiy tushunchalari, ularning tuzilmasi, mohiyat-aloha diagrammasini qurishni o'rgatadi. Shuning, darslikda ma'lumotlar bazasining SQL tili va uning so'rovlarni tuzish, ular ustida amallar bajarish va so'rovlarni amalga oshirish kabi tushunchalar berib o'tilgan [7].

OTM da ma'lumotlar bazasini o'rganish jarayoni bir-qancha qiyinchiliklar bilan amalga oshirilmoqda. Bunga sabab sifatida quyidagilarni ko'rsatish mumkin:


- ▶ Axborot texnologilaridan fundamental bilimga ega emaslik;
- ▶ Matematik hisob-kitoblar va ularning qonuniyatlarida oqsash;
- ▶ E'tiborsizlik;
- ▶ O'z fikrida qat'iy tura olmaslik;
- ▶ Ma'lumotlarni tahlil qilish qobiliyatining pastligini;
- ▶ Predmet sohaning to'g'ri tanlanmaganligi;
- ▶ Moddiy texnik bazaning yuqori quvvatga ega emasligi;
- ▶ Dasturlash texnologiyasining murakkab tuzilishga ega ekanligi va boshqalar.

Talabalarda ma'lumotlar bazasi fanini o'qitishda iloji boricha osonroq bo'lgan dasturlash texnologiyalaridan foydalangan yaxshiroqdir. Chunki, fanni nazariy tomonloma endigina tushunish vaziyati paydo bo'lganda, murakkab tuzilishga ega interfeys talabani tushkunlikga olib keladi. Bu esa orqaga qarab chekinish bilan tengdir. Quyida talabalarining ma'lumotlar bazasini fanini yaxshiroq o'zlashtirishlari uchun dasturlash texnologiyalari ko'rsatib o'tilgan:

MS Access – Microsoft Office dasturlar paketining qism dasturi bo'lib, ma'lumotlar bazasini yaratish qulayroq hisoblanadi. Bir qancha yangilanishlarga ega bo'libgina qolmasdan yuqori quvvatli texnikani ham talab qilmaydi. Hozirga kelib, bir qancha rivojlangan davlatlarning ayrim tashkilot, korxona va ta'lim sohalarida ham keng qo'llanilib kelinmoqda;

Denwer – Ma'lumotlar bazasini yaratish uchun bir qancha dasturiy texnologiyalarni o'zida mujassam etgan dasturdir. Asosan veb saytlar yaratishdagi ishlarni o'z ichiga olib, MySQL so'rovlar tili bilan ishlashga qulayroq muhitni yaratadi;

XAMPP – Ma'lumotlar bazasi bilan ishlashga moslashtirilgan va bir qancha murakkabroq funksiyalarni o'zida saqlaydi. MySQL so'rovlar tili bilan ishlaydi. Foydalanuvchilarga juda ham qulay hisoblanib, uning interfeysi juda sodda ko'rinishga ega;



Open Server – Ma'lumotlarni yig'ishga va uni so'rovlar asosida chaqirib olishga mo'ljallangan dasturlash texnologiyasi hisoblanadi. Murakkabroq funksiyalarga ega bo'libgina qolmasdan, yuqori quvvatli texnik ta'minotni talab etadi. MySQL so'rovlar tili bilan murojat qilinib, yuqoridagi kabi sodda interfeysga ega hisoblanadi;

Oracle – Ma'lumotlar bazasini mukammalroq ko'rinishga keltirish va uning xavfsizligini ta'minlash dasturiy texnologiyasi hisoblanadi. Asosan, bugungi kunda biznes jarayonlarida katta rol o'ynab kelmoqda. Bir qancha turlari mavjud bo'lib, Oracle korporatsiyasining dasturiy mahsulotidir. Ushbu dastur ham bir qancha murakkab bo'lib, yuqori quvvatli texnik ta'minotlarni talab qiladi.

Yuqorida ketricib o'tilgan dasturlash texnologiyalarning 2006 yildan 2021 yilgacha bo'lgan foydalanish holati tahlili qilindi va u quyidagicha ko'rinishga ega [8]:

Bugungi kunda yuqorida aytib o'tilgandan bir necha barobar ko'proq ma'lumotlar bazasini yaratish dasturiy texnologiyalari mavjud. Ammo, talabalarga osonroq bo'lishi uchun qadamma-qadam harakat qilishlarini tavsiya bergan bo'lar edik.

Adabiyotlar:

1. Р. Даниел, О. Тихомир ва Л. Аллен. New Approaches and Tools in Teaching Programming. ResearchGate. September 2009.
2. Semenov, A.L., Education, informatics, and computers, Inf. Obraz., 1995, № 5, page 6–11.
3. Allen G. Taylor. Database Development for Dummies. May 9, 2011.
4. R. Chad, S. Jon. Beginning MySQL Database Design and Optimization: From Novice to Professional. June 7, 2013.
5. H. Garsia-Molina, J. Ulman, J. Vidom. Database systems. The complete book. January 11, 2011.
6. R.V.Qobulov, B.B.Akbaraliyev, J.T.Usmonov, O.B.Ro'zibayev. Ma'lumotlar bazasi. (O'quv qo'llanma) – T.: “Aloqachi”, 2021 – 140 b.
7. X.N.Zayniddinov, J.T.Usmonov, Sh.B.Redjepov, I.Yusupov. Ma'lumotlar bazasi. (Darslik). – T.: “Aloqachi”, 2020. – 136 b.
8. <https://foss.ua/data-base-ru/>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада маълумотлар базаси фанини ўқитишда замонавий дастурлаш технологияларидан фойдаланиш методикаси ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается методология использования современных технологий программирования в обучении науке о базах данных.

SUMMARY

This article describes the methodology for using modern programming technologies in teaching database science.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ

Ғуломов Ж.Ғ.

*Низомий номидаги ТДПУ Информатика ва уни ўқитиш
методикаси кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: ахборот-коммуникациялар технологиялар, технологиялари инфратузилмаси, ахборот технологияларининг таълимга таъсири, виртуал таълим.

Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии, технологическая инфраструктура, влияние информационных технологий на образование, виртуальное образование.

Key words: Information and communication technologies, technology infrastructure, the impact of information technology on education, virtual education.

Кириш. Охирги йигирма йилда ривожланган мамлакатларда ахборот фаолиятининг кўп қисми бозор инфратузилмасининг асосий элементларидан бўлиб бозор муносабатлари таркибига сингиб кетган. Шу мақсадда ахборот-коммуникациялар технологиялари бозорининг бозор инфратузилмаси сифатида шаклланиши 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланди. Ҳозирги кунда бозорнинг ушбу тармоқ ҳар бир мамлакат миллий иқтисодининг асосий негизи бўлиб ҳисобланмоқда. Чунки глобал иқтисодиётни таркиб топтириш учун замонавий ахборот-коммуникациялар технологиялари инфратузилмаси талаб этилмоқда. Ишбилармонлик фаолиятининг мақбул муҳитини шакллантиришда зарур бўлган турли ахборот, таҳлилий материаллар ва уларни тезкор усулда олиш ахборот-коммуникациялар технологияларининг ривожланиб бораётганлиги эвазига эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда «...Реал иктисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг барҳаманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш...» белгилаб қўйилган.

Муаммонинг таҳлили ва натижалари. Республикамиз кутубхона, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва вазирликларида тўпланган катта миқдордаги ахборот ресурсларига эга. Бироқ ушбу манбаларга интеграциялашган ҳолда кириш усули ҳали йўлга қўйилмаган. Чунки, иктисодий ва ижтимоий ривожланишнинг янги даражасига ўтиш, жаҳон ахборот маҳсулотлари ва хизматларига чиқиш юқорида келтирилган манбаларга турли аҳоли гуруҳларининг тез суратда кириб боришини ташкил қилиш муаммо бўлиб турибди. Республикамизда ахборотлар соҳасининг ривожланишига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатмоқда, жумладан:

Жамиятни ахборотлаштиришнинг паст даражадалиги, ахборот технологиялари ривожланиши учун зарур ресурсларнинг етарли даражада эмаслиги, ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, ЭХМ локал ва ҳудуд тармоқларини қўллаш ва ривожлантириш борасидаги қоқоқлик, технологик маълумотлар ва билимлар базаларининг суст қўлланилишидир [1].

Жаҳон амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўз фуқароларини ахборотлашган муҳитда фаолият кўрсатишга ўргатган жамиятгина вақтдан ютади, чунки фақат миқдорий кўрсаткичларга асосланган иктисодиёт тизимининг келажаги йўқ.

Ахборот-коммуникациялар технологиялари бозорида асосий товар бўлиб ахборот маҳсулотлари ва хизматлари саналади, яъни ахборот-коммуникациялар технологияси ёрдамида фойдаланувчиларга кўпроқ ахборот хизматини кўрсатиш лозим [2].

Бозор муносабатлари ахборот маҳсулотларининг янгилиги, ишончлилиги ва тўлиқлиги даражаларига юқори талаблар қўймоқда. Чунки бусиз самарали маркетинг, молия-кредит ва инвестиция фаолиятини юритиш мумкин эмас. Ахборот маҳсулотларининг республикамиз ҳаётида тутган ўрни ва роли ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Мамлакатимизда ахборот-коммуникациялар технологиялари бозори индустриясини таркиб топтириш жамиятимизда чуқур ижтимоий ўзгаришларга олиб келиб, уни «индустриалдан ахборотлашган жамиятга» айлантиришга ишончимиз комил. Ҳозирги кунда жаҳон таълим хизматлари ахборот-коммуникациялар технологияларига таянган ҳолда йўлга қўйилмоқда.

1-жадвал

Ахборот технологияларининг таълимга таъсири

Усуллар	Ўқитувчи билан шутулланиш	Китоблар	Ўқув видео-фильмлари	Электрон дарсликлар
Ахборотларни тақдим этиш шакли	қоникарли	қоникарли	қоникарли	яхши
қидириш ва йўллаш	ёмон	қоникарли	қоникарли	Яхши
Билимни назорат қилиш	Яхши	ёмон	қоникарли	қоникарли

Ўқитувчи билан тескари алоқа	Яхши	ёмон	қониқарли	қониқарли
---------------------------------	------	------	-----------	-----------

Шулардан келиб чиқиб, бугунги кунда таълимда, жамиятда ахборот технологияларининг қуйидаги тамойилларини келтириш мумкин:

- Мультимедиа-маълумотлари (матн, график, аудио, видео, анимация) асосида ахборотларни тақдим этиш;
- Қидириш ва йўллаш имкониятларини киритиш;
- Олинган билимлар даражасини назорат қилишнинг объектив тизимини киритиш;
- Тармок технологиялари асосида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро интерактив ва тескари алоқасининг йўлга қўйилиши.
- Олинган билимлар даражасини назорат қилиш.

Электрон дарсликлар асосида билим олаётган талабаларнинг билим даражаларини аниқлаш учун улар таркибидаги автоматлаштирилган тест тизимлардан фойдаланилади. Тест тизимлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- Тест натижаларининг объективлиги;
- Ўқув материалларини қамраб олиш;
- Ўқитиш элементларини тест жараёнига киритиш;
- Қайта тест тошириш имконияти.

Ишлаб чиқарилаётган электрон дарсликларни икки усулда, яъни локал ва глобал тармокда фойдаланиш мумкин. Локал усули индивидуал ҳолда таълим беришда, тармок усули эса ўқувчининг ўқитувчи билан алоқасини ўрнатиш учун қўлланилади. Талабанинг ўқитувчи билан ўзаро алоқаси диалог (online) ёки электрон почта (e-mail) кўринишда амалга оширилиши мумкин. Асосий ўқув материали талабанинг компютерида жойлашган бўлиб, серверда айрим маълумотлар сақланади, бу эса тармокда катта ҳажмдаги ахборотларни узатишга чек қўяди. Бундан ташқари, серверда ҳар бир талаба учун унинг исми, шарифи, фамилияси, пароли, тест натижалари кабилар сақланади [3].

Охирги йилларда ғарбда E-learning яъни Электрон ўқув жараёни машҳур бўлиб бормокда. E-learning бу электрон дарслик ёки электрон ўқиш, электрон кутубхона деган маъноларни англатади [4].

Талабани ўқиши ва келажакда касбий маҳоратини ошириш фақат анъанавий усул ва услубларда эмас, балки замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Янги билимларни «E-learning» (Elektronis Learning) - электрон ўқитиш тизими ёрдамида ўзлаштириш истеъмолчиларнинг эҳтиёжини максимал даражада қондириши, ушбу ўқитиш тизимини дунёда тобора оммалашиб таълим олишга ва таълимни янада ривожлантириш ишларига ёрдам бермокда [5].

E-learning интернет орқали ўқув жараёнинг бошқаруви кенг оммага ёйилмок тушунилади E-learning ҳардоим корпаратив амалиётда айниқса электрон ўқишнинг анъанавий тизимида CD-ROM дастурини ишлатиш таъминланишда, қўплаб мутахассислар баҳолашига кўра, АҚШ ғарбий европа бозорларида 2004 йилга келиб, электрон ўқиш тизими доминиконт белги бўлиб келади. Бунда шуни кўриш мумкинки, аналитик компания IDC ташхисга кўра электрон ўқиш тизими доираси 63% ни ташкил қилади. Бу истеъмолчининг электрон кўринишда сақланган электрон воситаларни қўллаш ёрдамида (компьютер, компьютер тармоғи, алоқа воситалари ва телевидения) ўқув материалларини мустақил ўрганишига ёрдам беради. Шунингдек, узоқдаги бўлган

экспертдан маслаҳат олиш имкониятининг мавжудлиги, яъни узоқдан алоқа ўрнатиш ва виртуал муҳитда тақсимланган истеъмолчилар жамоаси билан ўқув жараёнини олиб боришдир.

АҚШ да бу электрон ўқиш катта ўқув масканларига одат тусга кириб бомокда. Фақат 1998 йил шу мақсад учун 1,5 млрд доллар сарфланган. 2005 йил АҚШ Стандарт ва Технология Институт кўрсаткичига кўра интернет хизматни ўрганиш учун 46 млрд долларга етган.

Виртуал курслар ҳамма учун очиқ бўлиб, айрим ҳолларда унга маълум талаблар қўйилади. Шулар қаторига рўйхатдан ўтиш шартлари киради. Виртуал ўқув курсидан интернет бор жойларда шуғинланиш мумкин. Электрон ўқишни бошланиш ва тугатиш вақтини талаба ўзи белгилайди. Шу билан бирга кўпгина дарс берувчилар кундалик виртуал синфга қатнашишни талаб қилади. Ўқув курсга боғлиқ маълумотни юбориш, олиш билан бирга талабалар доимо бошқа талабалар ва ўқитувчилар билан ҳар доим мулоқатда бўлади.

Анъанвий ўқув курсларида бўлганидек виртуал ўқув курсда ҳам дарс берувчи ўқувчи ўқув режасини ўзи тузади, виртуал дарслар ўтади, ўрганилаётган мавзу бўйича дискуссиялар ўтказилади. Шу билан бирга талабалар билан савол жавоб қилади. Ҳар бир ўқув курс маълум бир вақтни эгаллайди. Ўқиш вақти, имтиҳон топширишни ўқувчи белгилайди. Ўқув курси учун 20 дан ортиқ бўлмаган гуруҳ ташкил қилинади. Бу ўз навбатида ўқувчининг ҳар бир талаба билан ишлашига имкон яратади.

Виртуал таълимда таълим берувчи яъни ўқитувчи билан турли услалар билан алоқа қилиш мумкин. Жумладан, e-mail, аудиоалоқа ёки видеоконференция ва реал вақтда маълумотларни янгиллаб туриш усуллари.

Масофадан таълим олишнинг асосан икки категорияга бўлинади.

1. Синхрон

2. Асинхрон

Синхрон категория. Бунда студент реал вақтда виртуал аудиторияда алоқанинг турли усуллари билан боғланиб туради.

Асинхрон категория. Бунда талаба таълим шаклини танлаш имконига эга ва уни ўз вақти режасига қараб амалга оширилади. Айрим ҳолларда ахборот ташувчиларни танловига эга бўлади.

Бу ахборот технологиялари ёрдамида янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни ўқитувчиларга узатиш, масофали ўқиш жараёнини яратади. Шунингдек катта қулайликларга эга бўлади.

Хулоса. Кўпчилик одамлар Интернет орқали масофадан ўқишда яққаланиб қолишдан қўрқади. Аммо шуниси қизиқарлики қўшма лойҳаларни тузишда, ўқишда бу гуруҳлар баҳсида ранг-баранг фикрлар ва интенсив мулоқатлар кўринади.

Агар билим куч, деб айтадиган бўлсак, масофадан таълим бу фикрни тўла исбот қилади. “Масофадан таълим” кенг қамровли бўлиб таълимнинг ҳаддан ташқари таълимнинг турли кўринишларини ўз ичига қамраб олади. Энг оммалашган шакли анъанавий аудиторияда муомиладан таълим олиш ўрнини қуйдаги оддий компьютер ёки CD лар эгаллайди. Таълим учун зарур маълумотлар барчаси Intranet ва Internet орқали амалга ошади. Интерактив таълим илм олувчининг виртуал аудиторияда билим олишга имкон яратади. Оддатда виртуал аудитория шаклини эндиликда Веб-браузерлар ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Джурарев, Р. Х., & Карахонова, Л. М. (2022). Педагогическое сопровождение одаренных детей обра-

зовательными учреждениями. интеграцион оф ссиэнсэ, эдусатион анд прастисэ. ссиэнטיפис-метҳодисал жоурнал, 3(4), 66-70.

2. Джурарев, Р. Х. (2021). Пути совершенствования педагогической подготовки докторантов. Академический журнал ин эдусатионал ссиэнсэс, 2(ССПИ конференция 1), 1256-1260.

3. Гулноза, А. (2022, Апрель). Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-психологик компетентия ва ахлоқий кўникмаларини ривожлантириш. Ин Э Конференция Зона (пп. 243-245).

4. Самадова У. И. Қ. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида миллий ва умуммаданий компетентини шакллантириш //ссиэнטיפис прогресс. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 577-581.

5. Ибрагимова, С., & Исмоилова, З. (2020). Болажак бошланғич синф оқитувчиларининг методик компетентлигини шакллантириш педагогик муаммо сифатида. Академический журнал ин эдусатионал ссиэнсэс, (4), 347-351.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мамлакатимизда ахборотлашган жамият куриш йўлидаги асосий масалалардан бўлиб ахборот майдонининг барча таркибий қисмларини ривожлантириш ва ундаги бошқарув субъектлари фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган давлат ахборот сиёсатини ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ахборот-коммуникациялар технологиялари бозорини шакллантиришнинг объектив заруриятдан келиб чиққан ҳолда, миллий иқтисоднинг деярли барча тармоқлари манфаатларига таъсир этувчи кенг миқёсдаги иқтисодий, ҳуқуқий, педагогик ва сиёсий ечимларни ҳал қилишни талаб қиладиган муаммолар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье одним из ключевых вопросов построения информационного общества в нашей стране является разработка государственной информационной политики, направленной на развитие всех составляющих информационного пространства и стимулирование деятельности его субъектов. Учитывая объективную необходимость формирования рынка информационно-коммуникационных технологий, возникают вопросы, требующие широкого комплекса экономических, правовых, педагогических и политических решений, затрагивающих интересы практически всех отраслей народного хозяйства.

SUMMARY

In this article, one of the key issues in building an information society in our country is the development of state information policy aimed at developing all components of the information space and stimulating the activities of its subjects. Given the objective necessity of shaping the information and communication technology market, there are issues that require a wide range of economic, legal, pedagogical and political solutions that affect the interests of almost all sectors of the national economy.

O'QUVCHILARNI PARAMETR QATNASHGAN KVADRAT TENGLAMALARNI YECHISHGA O'RGATISH –ULARNING IJODIY FIKRLASH QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA

Axlimirzayev A.

ADU Matematika kafedrası professori

Mamadjonova M.

ADU Matematika kafedrası katta

o'qituvchisi, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Rustamova Z.

ADU Matematika kafedrası o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: kvadrat tenglama, parametrlı tenglama, diskriminant, ildiz, parametr, teng kuchli tenglama.

Ключевые слова: квадратные уравнения, уравнение с параметрами, дискриминант, корень, параметр, равносильные уравнения.

Key words: quadratic equations, equation with parameters, discriminant, root, parameter, equivalent equations.

Ma'lumki, so'nggi yillarda respublikamizda matematikani o'qitishni takomillashtirish kun tartibidagi asosiy vazifalardan biriga aylandi. Bu borada respublikamiz Prezidenti alohida qarorlar ham qabul qildi. Bunga yaqqol misol sifatida 2019 yil 9-iyuldagi "Matematika ta'limi va fanlarini yanada rivojlantirishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasining V.I.Romanovskiy nomidagi Matematika instituti faoliyatini tubdan takomillashtirish to'g'risida"gi PQ-4387-sonli qarorni keltirish mumkin. Qabul qilingan bu qarordan ko'zda tutilgan asosiy maqsad ta'lim muassasalarida, jumladan, umumiy o'rta ta'lim maktablarida matematikani o'qitishni yanada takomillashtirishga qaratilgan. Chunki umumiy o'rta ta'lim maktablarida matematikani chuqur egallagan o'quvchilar oliy o'quv yurtlarida o'qitiladigan matematik fanlarni o'zlashtirishda qiyinchiliklarga duch kelmaydilar va kelgusida yetuk mutaxassis bo'lib yetishadilar. Shuning uchun ham umumiy o'rta ta'lim maktablari matematika o'qituvchisi o'quvchilarni matematikadan puxta bilimlarni egallashlarini ta'minlashi kerak. Buning uchun esa o'qituvchi dars jarayonida asosiy e'tiborni o'quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishga yo'naltiruvchi topshiriqlarga qaratishi lozim. Bunday topshiriqlarga misol sifatida parametr qatnashgan kvadrat tenglamalarni keltirish mumkin.

Ma'lumki, umumiy o'rta ta'lim maktablarida tenglama va tengsizliklarni o'rganish har gal parametr qatnashgan tenglama va tengsizliklarni o'rganish bilan yakunlanadi, ya'ni tenglama va tengsizliklarni yechish bo'yicha o'quvchilarda yetarlicha bilimlar shakllangandan so'ng parametr qatnashgan tenglama va tengsizliklarni yechishga o'tiladi. O'qituvchi bunday topshiriqlarni bajarishga o'tishdan avval o'quvchilarga parametr tushunchasi va parametr bilan noma'lumning bir-biridan farqlashni o'rgatishi kerak. Parametr tushunchasining mazmun-mohiyatini ochib berish maqsadida quyidagi misolni qaraymiz:

Aytaylik, $2x + y - z = x + 1$ tenglama berilgan bo'lsin. Agar bizning oldimizga tenglikdagi x va y o'zgaruvchilarning berilgan tenglikni to'g'ri tenglikka aylantiradigan qiymatlar juftligini topish masalasi qo'yilgan bo'lsa, u holda bu tenglikni x va y o'zgaruvchili tenglama, z o'zgaruvchini esa parametr deb ataladi. Bu holda berilgan tenglamani x va y o'zgaruvchilarning quyidagi juftliklari qanoatlantiradi:

1) $x = 1, y = z$; 2) $x = z, y = 1$; 3) $x = 2z, y = -z + 1$ va hokazo.

Bunda z parametrga shunday qiymatlar beriladiki, natijada berilgan tenglamaning chap va o'ng tomonlarida aniqlanish sohasi bo'sh bo'lmagan funksiyalar hosil bo'ladi.

Parametrlar bilan noma'lumlarni chalkashtirmaslik uchun ularni odatda $a, b, c, d, \dots, m, n$ harflar bilan belgilanadi. Berilgan tenglamada bir nechta parametrlar qatnashishi ham mumkin. Umuman olganda o'quvchilar parametr tushunchasi bilan quyidagi mavzularni o'rganish jarayonida tanishadilar:

- $y = kx$ – to'g'ri proporsional bog'lanish (x va y o'zgaruvchilar, k parametr va $k \neq 0$);
- $y = kx + b$ – chiziqli funksiya (x va y o'zgaruvchilar, k va b – parametr);
- $y = \frac{k}{x}$ – teskari proporsional bog'lanish (x va y o'zgaruvchilar, k parametr);
- $y = \frac{ax+b}{cx+d}$ – kasr-ratsional funksiya (x va y o'zgaruvchilar, a, b, c va d – parametrlar);
- $y = ax^2 + bx + c$ – kvadrat uchhad (x va y o'zgaruvchilar, a, b va c lar parametrlar);
- $y = a^x$ – ko'rsatkichli funksiya (x va y o'zgaruvchilar, a – parametr, $a > 0, a \neq 1$);
- $y = x^r$ – darajali funksiya (x va y o'zgaruvchilar, r – parametr);
- $y = \log_a x$ – logarifmik funksiya (x va y o'zgaruvchilar, a – parametr, $a > 0, a \neq 1$);
- $ax = b$ – chiziqli tenglama (x – noma'lum miqdor, a, b – parametrlar);
- $ax^2 + bx + c = 0$ – kvadrat tenglama (x – noma'lum miqdor, a, b va c parametrlar);
- $\frac{ax+b}{cx+d} = 0$ – kasr – ratsional tenglama (x – noma'lum miqdor, a, b, c va d parametrlar);

– $ax^4 + bx^2 + c = 0$ – bikvadrat tenglama (x – noma'lum miqdor, a , b va c lar parametrlar);

– $\sin x = a$, $\cos x = a$, $\operatorname{tg} x = a$ va $\operatorname{ctg} x = a$ – trigonometrik tenglamalar (x – noma'lum miqdor, a – parametr) va hokazo.

Parametrlı topshiriqlarnı o'rganishda ko'pincha parametrning (parametrlarining) mumkin bo'lgan qiymatlari tushunchasiga duch kelamiz.

Masalan, $y = a^x$ va $y = \log_a x$ funktsiyalarda $a > 0$ va $a \neq 1$; $\sin x = a$ va $\cos x = a$ da esa $|a| \leq 1$. Ba'zi hollarda parametr har qanday qiymatlarnı qabul qilishi mumkin. Masalan, $y = kx$, $y = kx + b$, $y = \frac{k}{x}$ larda k parametr har qanday qiymatlarnı qabul qiladi. $\frac{1}{a-2} + \frac{1}{a-3}$ ifodada esa $a \neq 2$ va $a \neq 3$ bo'lishi kerak.

Endi parametr qatnashgan (parametrlı) tenglama tushunchasiga to'xtalamiz.

$$f(a, b, c, \dots, k, x) = \varphi(a, b, c, \dots, k, x) \quad (1)$$

tenglamaga parametr qatnashgan tenglama deyiladi. Bu yerda $a, b, c, \dots, k$ lar parametrlar, x – noma'lum. Masalan,

$$\frac{2nx - 5}{(m-3)nx} - \frac{3nx + 5}{n+1} = \frac{n-1}{nx}, \quad (a^2 - 3a + 2)x^2 - (a^2 - 5a + 4)x + a - a^2 = 0 \quad \text{lar}$$

parametrlı tenglamalardir. Birinchi misolda m va n lar parametrlar, x – noma'lum, ikkinchi misolda esa a – parametr, x – noma'lum. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida asosan bitta yoki ikkita parametr qatnashgan tenglamalar o'rganiladi. Tenglamani yechish va tenglamalarning teng kuchlilikı tushunchalari parametrlı tenglamalar uchun ham o'rınlidir.

Parametr qatnashgan tenglamalarnı: parametr qatnashgan chiziqli tenglamalar, parametr qatnashgan kvadrat tenglamalar, parametr qatnashgan irratsional tenglamalar, parametr qatnashgan ko'rsatkichli va logarifmik tenglamalar hamda parametr qatnashgan trigonometrik tenglamalarga bo'lish mumkin.

Biz ushbu maqolada parametr qatnashgan kvadrat tenglamalarnı o'rganish bo'yicha fikrlarimizni o'rtoqlashamiz.

Ma'lumki, umumiy o'rta ta'lim maktablari matematika kursida o'rganiladigan tenglamalar ichida kvadrat tenglamalar muhim o'rin egallaydi. Chunki, ko'plab tenglamalarnı yechish pirovard natijada kvadrat tenglamaga keladi. Shuning uchun ham o'quvchilar kvadrat tenglama, uni turlari va ularni yechish usullarini puxta o'zlashtirgan bo'lishlari kerak.

$$ax^2 + bx + c = 0 \quad (2)$$

ko'rinishdagi tenglamaga kvadrat tenglama deyiladi. Bu yerda a, b, c lar parametrlar, $a \neq 0$, x – noma'lum. Kvadrat tenglamalarda ham ko'pincha bitta parametr qatnashadi. Masalan, $x^2 + (2m+1)x + 2n+1 = 0$, $x^2 - ax + 1 = 0$, $x^2 - (k+1)x + k^2 + k - 8 = 0$ tenglamalar parametrlı kvadrat tenglamalar bo'lib, ularning birinchisida 2 ta m va n parametrlar, ikkinchisida bitta a parametr va uchinchisida bitta k parametr qatnashyapti.

Parametrlı kvadrat tenglamalarnı yechishda ko'pincha quyidagicha savollar qo'yiladi:

1. Parametr qatnashgan tenglama yechilsin.
2. Parametrning qanday qiymatlarida tenglama yagona yechimga ega bo'ladi?
3. Parametrning qanday qiymatlarida tenglama bittadan ortiq yechimga ega?
4. Parametrning qanday qiymatlarida tenglama yechimga ega bo'lmaydi?
5. Parametrning qanday qiymatlarida tenglamaning ildizlari qarama-qarshi ishorali bo'ladi?
6. Parametrning qanday qiymatlarida tenglamaning ildizlari qarama-qarshi sonlar bo'ladi?
7. Parametrning qanday qiymatlarida tenglamaning har ikkala ildizi biror k_0 sonidan kichik (katta) bo'ladi?
8. Parametrning qanday qiymatlarida tenglamaning ildizlari (k_1, k_2) oraliqda bo'ladi?

9. Parametrning qanday qiymatlarida tenglamaning ildizlaridan biri k_1 dan kichik, ikkinchisi esa k_2 dan katta bo'ladi?

10. Parametrning qanday qiymatlarida tenglama ildizlari kvadratlari (kublari) ning yig'indisi eng katta (kichik) bo'ladi?

11. Parametrning qanday qiymatlarida tenglama ildizlaridan biri ikkinchisidan k marta katta bo'ladi? va hokazo.

Agar $x^2 + px + q = 0$ keltirilgan kvadrat tenglamaning ildizlari $x_1 = \frac{-p - \sqrt{p^2 - 4q}}{2}$ va $x_2 = \frac{-p + \sqrt{p^2 - 4q}}{2}$ bo'lsa, u holda quyidagi teoremlar o'rinlidir:

1. Agar keltirilgan kvadrat tenglamada $p > 0$, $q > 0$ bo'lsa, u holda uning har ikkala ildizi manfiy bo'ladi.

2. Agar keltirilgan kvadrat tenglamada $p < 0$, $q > 0$ bo'lsa, u holda uning har ikkala ildizi musbat bo'ladi.

3. Agar keltirilgan kvadrat tenglamada $p > 0$, $q < 0$ bo'lsa, u holda uning ildizlaridan biri manfiy, ikkinchisi musbat bo'ladi.

4. Agar keltirilgan kvadrat tenglamada $p < 0$, $q < 0$ bo'lsa, u holda uning ildizlaridan biri manfiy, ikkinchisi musbat bo'ladi.

5. Agar keltirilgan kvadrat tenglamada $p > 0$, $q = 0$ bo'lsa, u holda uning ildizlaridan biri manfiy, ikkinchisi esa nolga teng bo'ladi.

6. Agar keltirilgan kvadrat tenglamada $p < 0$, $q = 0$ bo'lsa, u holda uning ildizlaridan biri musbat, ikkinchisi nolga teng bo'ladi.

7. Agar keltirilgan kvadrat tenglamada $p = 0$, $q < 0$ bo'lsa, u holda uning ildizlari qarama qarshi sonlar bo'ladi.

Bu teoremlar yordamida berilgan keltirilgan kvadrat tenglamani yechmasdan qachon u ildizlarga ega, qachon uning har ikkala ildizlari manfiy (musbat), qachon qarama-qarshi sonlar, qachon ildizlaridan biri nolga teng va ikkinchi ildizi musbat (manfiy) ekanligini aniqlash mumkin bo'ladi.

Quyida parametr qatnashgan kvadrat tenglamalarga misollar keltiramiz:

1. $mx^2 + 3mx - (m + 2) = 0$ tenglama yechilsin.

Yechish: Bu tenglama m parametrning har qanday qiymatlarida ma'noga ega.

Agar $m = 0$ bo'lsa, berilgan tenglama $0 \cdot x^2 + 3 \cdot 0 \cdot x - (0 + 2) = 0$ yoki $-2 = 0$ ko'rinishga keladi. Bu esa berilgan tenglamaning $m = 0$ bo'lganda yechimga ega emasligini bildiradi.

$m \neq 0$ bo'lganda berilgan tenglama kvadrat tenglama bo'ladi. Bu holda tenglama yechimga ega bo'lishi uchun uning diskriminanti manfiy bo'lmasligi kerak. Ya'ni, $D = b^2 - 4ac = (3m)^2 + 4 \cdot m(m + 2) = 9m^2 + 4m^2 + 8m = 13m^2 + 8m = m(13m + 8) \geq 0$ bo'lishi kerak. Bundan $m \leq -\frac{8}{13}$ va $m > 0$ ($m = 0$ da tenglama yechimga ega emasligi ravshan) kelib chiqadi. Bu shartlarni e'tiborga olsak, berilgan tenglamaning ildizlari quyidagicha bo'ladi:

$$x_{1,2} = \frac{1}{2m} [-3m \pm \sqrt{m(13m + 8)}]$$

2. $ax^2 - x + 3 = 0$ tenglama a ning qanday qiymatlarida yagona yechimga ega bo'ladi?

Yechish: Agar $a = 0$ bo'lsa, berilgan tenglama $0 \cdot x^2 - x + 3 = 0$ yoki $-x + 3 = 0$ ko'rinishga keladi va undan $x = 3$ ni topamiz. Demak, bu holda tenglama yagona yechimga ega.

Агар $a \neq 0$ бўлса, у holda берилган tenglama kvadrat tenglamadan iborat бўлади ва у $D = 1 - 12a = 0$ ya'ni $a = \frac{1}{12}$ бўлганда yagona yechimga ega бўлади. Demak, берилган tenglama $a = 0$ va $a = \frac{1}{2}$ бўлганда yagona yechimga ega.

3. a ning qanday qiymatlarida $(a-1)x^2 + x + (a-2)(a^2+4) = 0$ tenglamaning ildizlari qarama-qarshi ishorali бўлади?

Yechish. Dastlab tenglamaning har ikkala qismini hadma-had $(a-1)$ ($a \neq 1$) ga бў'lamiz va $x^2 + \frac{1}{a-1}x + \frac{(a-2)(a^2+4)}{a-1} = 0$ keltirilgan kvadrat tenglamani hosil qilamiz. Bu

tenglamaning ildizlari qarama-qarshi ishorali бў'lishi uchun $\frac{(a-2)(a^2+4)}{a-1} < 0$ (Viyet teoremasiga asosan) бў'lishi kerak. Hosil бў'lgan tengsizlikda $a^2 + 4 > 0$ бў'lgani uchun undan $\frac{a-2}{a-1} < 0$ tengsizlik kelib chiqadi. Uni yechib $1 < a < 2$ ni topamiz. Demak $a \in (1; 2)$ бў'lganda берилган tenglamaning ildizlari qarama-qarshi ishorali бў'лади.

4. m ning qanday qiymatlarida $3x^2 + (3m - 15)x - 27 = 0$ tenglamaning ildizlari qarama-qarshi sonlar бў'лади?

Yechish: $ax^2 + bx + c = 0$ kvadrat tenglamaning ildizlari qarama-qarshi sonlar бў'lishi uchun uning ikkinchi hadining koeffitsienti nolga teng, ya'ni $b = 3m - 15 = 0$ бў'lishi kerak. Bundan $m = 5$ ni topamiz.

5. a ning qanday qiymatlarida $x^2 - 2ax - 2a - 1 = 0$ tenglama ildizlari yig'indisi ildizlar kvadratlarining yig'indisiga teng бў'лади?

Yechish: $x^2 - 2a(x-1) - 1 = 0$, $x^2 - 2ax + 2a - 1 = 0$. Aytaylik bu tenglamaning ildizlari x_1 va x_2 бў'lsin. U holda Viyet teoremasiga asosan quyidagini yozamiz:

$$\begin{cases} x_1 + x_2 = 2a, \\ x_1 \cdot x_2 = 2a - 1 \end{cases}$$

Masalaning shartiga asosan $x_1 + x_2 = x_1^2 + x_2^2$ бў'lishi kerak. Ikkinchi tomondan $x_1^2 + x_2^2 = (x_1 + x_2)^2 - 2x_1x_2 = (2a)^2 - 2(2a - 1) = 4a^2 - 4a + 2$ ekanligini e'tiborga olsak, $2a = 4a^2 - 4a + 2$, $4a^2 - 6a + 2 = 0$, $2a^2 - 3a + 1 = 0$, $a_{1,2} = \frac{3 \pm \sqrt{9-8}}{4} = \frac{3 \pm 1}{4}$; $a_1 = 1$, $a_2 = \frac{1}{2}$.

Demak, $a = 1$ va $a = \frac{1}{2}$ бў'lganda $x_1 + x_2 = x_1^2 + x_2^2$ tenglik bajarilar ekan.

6. a ning qanday qiymatlarida $x^2 + ax + 8 = 0$ va $x^2 + x + a = 0$ tenglamalar umumiy ildizga ega бў'лади?

Yechish: Agar $x = x_0$ берилган tenglamalarning umumiy ildizi бў'lsa, u holda quyidagi sistemani yozish mumkin бў'лади:

$$\begin{cases} x^2 + x + a = x^2 + ax + 8, \\ x^2 + x + a = 0, \\ D_1 = a^2 - 32 \geq 0, \\ D_2 = 1 - 4a \geq 0. \end{cases}$$

Sistemaning ikkinchi tenglamasini x ga ko'paytirib $x^2 + ax + 8$ ga tenglaymiz va undan x ni topamiz.

$$x^3 + x^2 + ax = x^2 + ax + 8, \quad x^3 = 8, \quad x = 2.$$

Demak, umumiy ildiz $x_0 = 2$ ekan. Buni sistemaning birinchi tenglamasiga qo'yamiz:

$x^2 + x + a = x^2 + ax + 8$, $4 + 2 + a = 4 + 2a + 3$, $a = -6$. Bu sistemaning uchinchi va to'rtinchi shartlarini qanoatlantiradi.

7. a ning qanday qiymatlarida $x^2 + (2a-1)x + a^2 + 2 = 0$ tenglamaning ildizlaridan biri ikkinchisidan ikki marta kata bo'ladi?

Yechish. Agar tenglama ildizlarini x_1 va x_2 deb olsak, masala shartiga asosan $x_1 = 2x_2$ bo'lishi kerak. Viyet teoremasi va $x_1 = 2x_2$ shartni e'tiborga olsak

$$\begin{cases} x_1 + x_2 = 1 - 2a, \\ x_1 \cdot x_2 = a^2 + 2 \end{cases} \text{ yoki } \begin{cases} 3x_2 = 1 - 2a, \\ 2x_2^2 = a^2 + 2. \end{cases}$$

Sistemaning birinchi tenglamasidan x_2 ni topamiz va uni ikkinchi tenglamaga qo'yamiz:

$$3x_2 = 1 - 2a, x_2 = \frac{1 - 2a}{3}; 2 \cdot \left(\frac{1 - 2a}{3}\right)^2 = a^2 + 2, 2 \cdot \frac{1 - 4a + 4a^2}{9} = a^2 + 2, 2 - 8a + 8a^2 = 9a^2 + 18,$$

$a^2 + 8a + 16 = 0$, $(a + 4)^2 = 0$, $a + 4 = 0$, $a = -4$. Demak, $a = -4$ bo'lganda berilgan tenglama ildizlaridan biri ikkinchisidan ikki marta kata bo'ladi.

8. $2x^2 + mx + m^2 - 5 = 0$ tenglamaning har ikkala ildizi 1 dan kichik bo'lishi uchun m qanday qiymatlarni qabul qilishi kerak?

Yechish. Bu masalani yechishda Viyet teoremasidan foydalanish ancha murakkab irratsional tenglamalarni yechishga olib keladi. Shuning uchun bu holda quyidagi teoremadan foydalanish qulay bo'ladi:

Teorema. $ax^2 + bx + c$ kvadrat uchhadning har ikkala ildizi biror x_0 sonda kichik bo'lishi uchun bir vaqtda quyidagi shartlar bajarilishi kerak:

$$\begin{cases} D = b^2 - 4ac \geq 0, \\ \frac{b}{2a} = \frac{x_1 + x_2}{2} < x_0, \\ f(x_0) > 0. \end{cases}$$

Bizda $f(x) = 2x^2 + mx + m^2 - 5$ bo'lib, unda $a = 2$, $b = m$ va $c = m^2 - 5$. Bularni e'tiborga olib yuqoridagi shartlarni tekshiramiz:

$$\begin{cases} m^2 - 2 \cdot 4 \cdot (m^2 + 5) \geq 0, \\ -\frac{m}{4} < 1, \\ 2 \cdot 1^2 + m \cdot 1 + m^2 - 5 > 0. \end{cases} ; \begin{cases} -7m^2 + 40 \geq 0, \\ m > -4, \\ m^2 + m - 3 > 0. \end{cases} ; \begin{cases} m^2 \leq \frac{40}{7}, \\ m > -4, \\ m < \frac{-\sqrt{13}-1}{2}, m > \frac{\sqrt{13}-1}{2} \end{cases}$$

$$\begin{cases} -\sqrt{\frac{40}{7}} \leq m \leq \sqrt{\frac{40}{7}}, \\ x > -4, \\ m < \frac{-\sqrt{13}-1}{2}, m > \frac{\sqrt{13}-1}{2} \end{cases} ; -\sqrt{\frac{40}{7}} \leq m < \frac{-\sqrt{13}-1}{2} \text{ va } \frac{\sqrt{13}-1}{2} < m \leq \sqrt{\frac{40}{7}}.$$

Demak, $\left[-\sqrt{\frac{40}{7}}; \frac{-\sqrt{13}-1}{2}\right) \cup \left(\frac{\sqrt{13}-1}{2}; \sqrt{\frac{40}{7}}\right]$.

9. a ning qanday qiymatlarida $(2-a)x^2 - 3ax + 2a = 0$ tenglamaning har ikkala ildizi $\frac{1}{2}$ dan kata bo'ladi?

Yechish. Bu masalani yechishda quyidagi teoremdan foydalanish qulaydir:

Teorema. $ax^2 + bx + c$ uchhadning har ikkala ildizi biror M sonidan kata bo'lishi uchun quyidagi shartlarning bajarilishi zarur va yetarlidir:

$$\begin{cases} D = b^2 - 4ac \geq 0, \\ x_0 = -\frac{b}{2a} > \frac{1}{2}, \\ a \cdot f(M) > 0. \end{cases}$$

Bizda $f(x) = (2-a)x^2 - 3ax + 2a$. Yuqoridagi teoremdan foydalanamiz.

$$\begin{cases} D = b^2 - 4ac = 9a^2 - 8a(2-a) \geq 0, \\ x_0 = \frac{3a}{2(2-a)} > \frac{1}{2}, \\ (2-a)f\left(\frac{1}{2}\right) = (2-a)\left(\frac{2-a}{4} - \frac{3}{2}a + 2a\right) > 0. \end{cases} ; \begin{cases} a\left(a - \frac{16}{17}\right) \geq 0, \\ \frac{2(2a-1)}{2-a} > 0, \quad ; \quad \frac{16}{17} \leq a < 2. \\ (2-a)(2+a) > 0 \end{cases}$$

Demak, $a \in \left[\frac{16}{17}; 2\right)$ bo'lganda berilgan tenglamaning har ikkala ildizi $\frac{1}{2}$ dan kata bo'ladi.

10. k ning qanday qiymatlarida $x^2 + 2(k-3)x + 9 = 0$ tenglamaning har ikkala ildizi $(-6; 1)$ oralig'ida yotadi?

Yechish. Bu tenglamani yechishda quyidagi teoremdan foydalanish qulaydir:

Teorema. $ax^2 + bx + c = 0$ tenglamaning ildizlari biror (p, q) oralig'ida yotishi uchun quyidagi shartlarning bajarilishi zarur va yetarlidir:

$$\begin{cases} D = b^2 - 4ac \geq 0, \\ f(p) > 0, \\ f(q) > 0, \\ p < -\frac{b}{2a} < q. \end{cases}$$

Bizda $p = -6, q = 1$. $D, f(p), f(q)$ va $-\frac{b}{2a}$ larni topib sistemaga qo'yamiz:

$$\begin{cases} [2(k-3)]^2 - 4 \cdot 9 \geq 0, \\ (-6)^2 + 2(k-3)(-6) + 9 > 0, \\ 1^2 + 2(k-3) \cdot 1 + 9 > 0, \\ -6 < -(k-3) < 1. \end{cases} ; \begin{cases} 4k^2 - 24k + 36 - 36 \geq 0, \\ 36 - 12k + 36 + 9 > 0, \\ 1 + 2k - 6 + 9 > 0, \\ -9 < -k < -2. \end{cases} ; \begin{cases} 4k^2 - 24k \geq 0, \\ 12k < 81, \\ 2k > -4, \\ 2 < k < 9. \end{cases} ; \begin{cases} k(k-6) \geq 0, \\ k < \frac{27}{4}, \\ k > -2, \\ 2 < k < 9. \end{cases}$$

Oxirgi sistemadan $6 \leq k < \frac{27}{4}$ ga ega bo'lamiz. Demak, $k \in [6; 6,75]$ bo'lganda berilgan tenglamaning har ikkala ildizi $(-6; 1)$ oralig'ida yotadi.

Ba'zi kvadrat tenglamalarda parametrdan tashqari modul belgisi ham qatnashib qolishi mumkin. Bunday tenglamalarni yechishda modulning ta'rif va uning xossalardan foydalaniladi. Quyida bunday tenglamalarga misollar keltiramiz:

11. a parametrning qanday qiymatlarida $x = -1$ soni $x^2 + 4x - 2|x-a| + 2 - a = 0$ tenglamaning ildizi bo'la olmaydi?

Yechish. $x = -1$ soni berilgan tenglamaning ildizi bo'lsin deylik. U holda $1 - 4 - 2|-1 - a| + 2 - a = 0$, $2|a + 1| + a + 1 = 0$. Bu tenglama a o'zgaruvchiga bog'liq va uning ildizi -1 ga teng. Uning boshqa ildizlari yo'q, chunki $a \neq -1$ bo'lganda $2|a + 1| + a + 1 > 0$. Shunday qilib, $a = -1$ bo'lganda tenglama $x = -1$ ildizga ega bo'ladi. Demak, $x = -1$ berilgan tenglamaning ildizi bo'lishi uchun $a \neq -1$ bo'lishi kerak.

12. $x = 1$ soni $|2x + a| \cdot (x^2 + 1) + 3 - 2a = 0$ tenglamaning ildizi bo'lmaydigan a ning barcha qiymatlarini toping.

Yechish. $x = 1$ soni berilgan tenglamaning ildizi bo'lsa, u holda $2|a + 2| + 3 - 2a = 0$ yoki $2|a + 2| = 2a - 3$.

Hosil bo'lgan tenglama a o'zgaruvchiga bog'liq tenglamadir. Uni yechamiz:

1) $a \geq -2$ bo'lsa, $2(a + 2) = 2a - 3$, $2a + 4 = 2a - 3$, $4 = -3$. Bu mumkin emas. Demak, bu holda tenglama yechimga ega emas.

2) $a < -2$ bo'lsa, $-2(a + 2) = 2a - 3$, $-2a - 4 = 2a - 3$, $4a = -1$, $a = -\frac{1}{4} > -2$. Demak, bu

holda ham yechim yo'q.

Javob: a -har qanday son.

Shunday qilib biz, ushbu maqolada umumiy o'rta ta'lim maktablari matematika kursida muhim o'rinni tutadigan kvadrat tenglamalarning turlaridan hisoblangan parametrlilik kvadrat tenglamalarni yechish bilan shug'ullandik. Bunday tenglamalarni odatda nostandart shakldagi tenglamalar tarkibiga kiritishadi. Ularni yechish jarayonida Viyet teoremasidan tashqari bir qancha muhim teoremlardan foydalanildi. Bunday tenglamalarni yechish o'quvchilardan ijodkorlikni talab qiladi va ularni fikrlash qobiliyatlarini yanada rivojlantiradi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 9-iyuldagi "Matematika ta'limi va fanlarini yanada rivojlantirishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasining V.I.Romanovskiy nomidagi Matematika instituti faoliyatini tubdan takomillashtirish to'g'risida"gi PQ-4387-sonli qarori. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 2019-yil, 07/19/4387/3397-son.

2. Alixonov S. Matematika o'qitish metodikasi. -Toshkent: Tafakkur-bo'stoni. 2011.-385 b.

3. A.Axlimirzayev, M.Ibragimov, N.Mamadaliyeva. Parametrlilik masalalar. T. "Innovatsiya-ziyo", 2019.-92 b.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada parametrlilik qatnashgan kvadrat tenglamalar, ularning turlari va yechish usullari yetarlicha misollar yordamida bayon qilingan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются основные виды квадратных уравнение с параметрами и способы их решения. Кроме того в статье приведена достаточного квадратных уравнение с решениями.

SUMMARY

This article discusses the main types of quadratic equations with parameters and how to solve them. In addition, the article provides a sufficient quadratic equation with solutions.



БАСЛАЎШИ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

BOLALARNI JISMONIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK TIZIMI

Ashirboev I.M.

*Toshkent viloyati Chirchik davlat pedagogika instituti Maktabgacha
talim fakulteti Maktabgacha va boshlangich talimda jismoniy
tarbiya va sport yunalish 20/1 guruh talabasi*

Tayanch soʻzlar: jismoniy chiniqtirish, kuzatuvchanlik, topqirlik, qoʻzgʻalish, tormozlanish, botirlik, chaqqonlik, harakatli oʻyinlar.

Ключевые слова: физическая подготовка, наблюдательность, смекалка, азарт, торможение, храбрость, ловкость, подвижные игры.

Key words: physical training, observation, ingenuity, passion, inhibition, courage, dexterity, outdoor games.

Yosh avlodni umuminsoniy va milliy qadriyatlar asosida tarbiyalashda maʼnaviy merosdan keng foydalanish milliy madaniyatimiz rivojiga muhim oʻrin tutadi. Yosh avlodni taʼlim-tarbiya jarayoni har bir jamiyat uchun dolzarb, ahamiyatli boʻlgan va shunday boʻlib qoladi. Chunki, jamiyat taraqqiyoti koʻp jihatdan shu jamiyat aʼzolarining qanchalik bilimli, ongli, maʼnaviy, axloqiy jihatdan yetuk tarbiyalanganlik darajasiga bogʻliq.

Hozirgi zamon pedagog- tarbiyachilaridan kuchli bilim va yuksak mahorat bilan bir qatorda fidoyilik hamda ulkan sabr-toqat talab etiladi. Chunki, Xazrat Alisher Navoiy oʻzining “Mahbub ul-qulub” (Koʻngillarning sevgani) asaridagi “Dabiriston ahli zikrida” (Maktab ahli toʻgʻrisida) deb nomlangan faslida taʼkidlaganidek, “Insof bilan aytganda, har qanday irodali odamni ham birgina bola tarbiyasi charchatadi”.

Alisher Navoiy bolaning voyaga yetishida, kamol topishida tarbiyaning kuchi va qudratiga alohida eʼtibor beradi. Oʻqish ham, oʻqitish ham ogʻir va masʼuliyatli ish, u qunt, havas va mehnat talab qiladi deb uqtiradi. Maktabgacha yoshdagi bolalarga taʼlim-tarbiya berishning asosiy vazifalari, bolalarni jismoniy, aqliy va maʼnaviy jihatdan rivojlantirishdan, ularning tugʻma layoqati, qiziqishi, extiyoji va imkoniyatlarini xisobga olgan holda, milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida muntazam taʼlim olishdan iboratdir.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni rivojlantirish jarayoni oldiga qoʻyilgan maqsad va vazifalarning bajarilishi, bolalar taʼlim-tarbiyasiga koʻyiladigan davlat talablari orqali nazorat qilinadi. Davlat talablarida bolalarga beriladigan taʼlim-tarbiya mazmunining asosiy

yo'nalishlari xamda ularni tayyorgarlik darajasiga qo'yiladigan minimal talablar belgilab berilgan bo'lib, u davlat xujjati sifatida e'tirof etiladi.

Davlat talabi ko'rsatkichlarini belgilashda, davlat va jamiyatning ijtimoiy buyurtmasi, maktabgacha talim tashkilotidagi bolalarning jismoniy sog'ligi, qobiliyati, extiyoji va imkoniyatlari, ya'ni bola shaxsining ustivorligidan kelib chiqilgan. Ta'lim-tarbiya mazmunining asosiy yo'nalishlarida bolalarni jismoniy rivojlantrishga katta axamiyat berilgan.

Mutaxassislarning fikriga ko'ra, maktabga boradigan bolalarning 30-50% da, surunkali kasalliklar mavjuddir. Maktabgacha yoshdagi bolalarni qancha erta jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlariga jalb qila olsak, ularning organizmini kasalliklarga qarshi kurashida, immunitetini oshirish bilan birga sog'ligini mustahkamlagan bo'lar edik.

Rivojlanayotgan organizmga, bolalar sog'ligiga, ish qobiliyatini oshirishga tasir qiladigan omillardan biri, bu jismoniy faollikdir. Jismoniy faollik, bu jismoniy xarakatlanishga tabiiy extiyoj xisoblanib, ushbu faollik orqali bolalarni garmonik rivojlanishi va axloqiy tarbiyalash shartidir. Maktabgacha talim tashkilotlarida tashkil qilinadigan jismoniy tarbiya mashg'ulotlari, ommaviy sport tadbirlari (harakatli o'yinlar, estafetalar, sport o'yinlari, musobaqalar) bolalarning sog'ligini mustahkamlashi, ularda sog'lom turmush tarzini shakllantirishi, shaxsiy gigiena bilimlari va ko'nikmalarini shakllantiradi.

Mamlakatimizda maktabgacha talim tashkilotlarida teatr vositasida bolalarni motorik faoliyatini rivojlantrishga aloxida etibor berilib kelinmoqda.

Teatr bolalarning tabiatiga juda yaqin xisoblanib, uning asosiy xususiyatlari quyidagilardan iboratdir.

1. Obrazli
2. Hissiyot-hayajonli (emotsiya)
3. Yoshiga mosligi
4. Qiziqarlighi
5. O'yinlardan iboratligi
6. Jamoaviylighi

Shuning uchun, maktabgacha talim tashkilotlarida bolalarni motorik faoliyatini rivojlantrishda teatr vositasidan foydalanib kelinmoqda.

N.N. Yefimenko muallifligidagi "Maktabgacha va boshlang'ich sinflardagi bolalarni sog'lomlashtirish va jismoniy tarbiya teatri" texnologiyasida qo'llaniladigan metodikasi, jismoniy mashqlardan iborat; ertaklar, qiziqarli obrazlar, mimika, imo-ishoralar, nutq, (ovoz) va (monolog va dialog) syujetlarga boy bo'lgan teatrlashtirilgan jismoniy tarbiya mashg'ulotlari, talimiy va sog'lomlashtirish vazifalarni xal qilishda samarali xisoblanadi.

Texnologiyaning zaminida adabiy asarlardan yani, og'zaki xalq ijodi, ertaklar, milliy xalq o'yinlari, chet el xalqlarning harakatli o'yinlaridan xamda atrof muxit, xayvonot dunyosi, tabiat xodisalaridan unumli foydalaniladi.

Ushbu metodika bolalarda quyidagi manaviy- tarbiyaviy, ruhiy va jismoniy fazilatlarini tarbiyalaydi:

1. Sog'lomlashtirish;
2. Botirlik;
3. Chaqqonlik;
4. Sabr-toqat;
5. Kuzatuvchanlik;
6. Topqirlik;
7. Atrof-muxitda mo'ljal olish qobiliyati;
8. Kirishimlik (kommunikabelnost);

9. Jamoada o'zini tuta bilish;
10. Jamoadoshiga yordam berish;
11. Mantiqiy fikrlash;
12. Jismoniy faollik;
13. Tezkor qaror chiqarish;
14. Diqqatni jamlash;
15. Xotira mustahkamlanadi;
16. Moslashuvchanlik

Maktabgacha yoshdagi bolalar motorik faoliyatini rivojlantirishda pedagogik tizimni uzluksizligini taminlash, Davlat talim standartlari, o'quv rejaları, yangi innovasion pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish orqali talim sifati va mazmunini oshishiga ijobiy tasir ko'rsatadi.

Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari jarayonlarida bolalar qomatini to'g'ri shakllantirish, o'zini o'zi boshqarish, kun tartibiga rioya qilish va gigienik talablarga to'g'ri amal qilish malakalari bilan bir qatorda bola organizmini sog'lomlashtirish xamda jismoniy rivojlantirish aqliy, axloqiy, ma'naviy, estetik, iroda xislatlarini shakllantirish uchun sharoitlar yaratilishi zarur. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida bolalar tomonidan bajariladigan jismoniy harakatlar va jismoniy mashqlarning bola organizmini rivojlanishiga ijobiy ta'siri yuqori bo'lishida xamda ularni samarali amalga oshirilishida ko'p jixatdan pedagogning amaliy bilim malaka va kasbiy maxoratiga bog'liqdir.

Bolalar bilan jismoniy tarbiya mashg'ulotlar jarayonida safda to'g'ri turish va harakatlanish, umumrivojlantirish mashqlarini bajarish, to'g'ri nafas olish xamda mashqlarni uslubiy to'g'ri tashkil etilishi va mashqlarni me'yorlash muxim ahamiyatga egadir. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari o'tkazilayotgan joyning sanitariya-gigienik talablarga mos bo'lishi, bolalar sport kiyim va poyabzallarni mashg'ulotlar maqsadiga mosligi, bolalar jismoniy rivojlanishidagi tibbiy, jismoniy nuqson va kamchiliklarni bartaraf etishning xamda jismoniy rivojlantirishning muxim vositasi xisoblanadi. O'qituvchi tomonidan mashg'ulotlar joyining va bolalarga qo'yiladigan gigienik talablarga mos bo'lishini ta'minlanmasa bolalarning tayanch harakat a'zolari va qomatlarini to'g'ri shakllanishiga, jismoniy rivojlanishlari uchun salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Bolalar o'z yoshlariga mos bo'lgan harakatli, shu jumladan milliy o'yinlar nomlarini, koidalarni bilishi va ularda faol ishtirok eta olishi, yugurish va sakrash, yoshiga mos xolda belgilangan me'yornlarni bajarishi, saflanishi, chaqqon harakat qilish, chiniqtirish mashqlarini bajarish kabilarga o'rgatish bolalarning jismoniy rivojlanishini ta'minlovchi ta'lim-tarbiya mazmunining asosini tashkil etadi.

Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini tashkil etishda bolalarning yoshi, jinsi, shaxsiy-ruxiy va fiziologik xususiyatlari xisobga olinishi zarur. o'qituvchi tomonidan bolalarning muntazam ravishda kun tartibi va gigienik talablarga to'g'ri rioya qilish, o'z vaqtida to'g'ri ovqatlanish, ertalabki badan tarbiya mashg'ulotlarini to'g'ri tashkil etilishini doimiy nazorat qilib borilishi kerak. Harakatli o'yinlarni o'tkazishda erishiladigan sog'lomlashtirish samarasi bolalarning o'yin faoliyati jarayonida yuzaga keladigan va bola ruhiyatiga yaxshi ta'sir etadigan ijobiy emotsiyalar bilan uzviy bog'liqdir. Emotsional ko'tarinkilik bolalarda barcha uchun umumiy bo'lgan maqsadga erishishga intilish uyg'otadi va u vazifalarni aniq tushunishda, harakatlarning o'zaro mosligida, fazoda va o'yin sharoitlarida aniq mo'ljal olishda, topshiriqlarni tezlashtirilgan sur'atda bajarilishi lozim.

Bolalarning maqsadga erishishga nisbatan kuchli ishtiyuqi va zavqli intilishi asosida turli to'siqlarni yengib o'tishga yordam beruvchi irodaning roli oshadi. Harakatli o'yinlar bolalar tomonidan avval egallangan harakat ko'nikmalarini takomillashtirish va jismoniy sifatlarni

tarbiyalash metodi bo'lib xizmat qiladi. O'yin jarayonida bola o'z e'tiborini harakatni bajarish usuliga emas, balki maqsadga erishishga qaratadi. U o'yin shartlariga muvofiq harakat qiladi, bunda chaqkonlik ko'rsatadi va shu asnoda harakatlarni takomillashtiradi. Harakat faoliyati sifatida harakatli o'yin muayyan o'ziga xos xususiyatlarga ega: u boladan signal va o'yinda to'satdan bo'ladigan o'zgarishlarga tezda javob berishni talab qiladi. Deyarli har bir harakatli o'yinda harakatlar va bolalar harakatiga oid signallar mavjud. Masalan «chumchuqlar va avtomobil», «samolyotlar».

O'yindagi faol harakat faoliyati bola qo'zg'alish va tormozlanish jarayonlarini takomillashtirgan holda nerv tizimini mashq qildiradi, kuzatuvchanlik, topqirlik, atrof-muxitda mo'ljal olish qobiliyatini, botirlik, chaqonlik tashabbus ko'rsatish, maqsadga erishishning mustaqil usulini tanlashni tarbiyalaydi.

Adabiyotlar:

1. Ефименко Н.Н. «Театр физического воспитания и оздоровления детей дошкольного и младшего школьного возраста» - Таганрог: 2000.
2. R.Yo'ldoshev, R.Xusainova, U.Bobojonova. Ta'limning interfaol metodlari(metodik qo'llanma). Urganch-2011.
3. G'. Yo'ldoshev, S.Usmonov. Pedagogik texnologiya asoslari. Toshkent-2004.
4. «Воспитатель по физической культуре в дошкольных образовательных учреждениях» под ред. С.А.Козловой – М.: Издательский Центр «Академия»,2002.
5. Кожухова Н.Н., Рыжова Л.А., Борисова М.М. « Теория и методика физического воспитания детей дошкольного возраста» - М.: Гуманитарный издательский центр «ВЛАДОС», 2003.
6. «Нормативно – правовые основы физического воспитания детей дошкольного возраста»/ Р.И. Амарян, В.А.Муравьев–М:Айрис-пресс,2004.
7. Рунова М.А. «Двигательная активность ребенка в детском саду» - М.: Издательство «Мозаика – Синтез»,2000.
8. «Театр физического развития и оздоровления детей дошкольного и младшего школьного возраста»(рабочие материалы к оригинальной авторской программе) Ефименко Н.Н. – М.: ЛИНКА-ПРЕСС, 1999.
9. Усмонхўжаев Г.С. “Харакатли ўйинлар” Т.Медицина 1999 й.
10. Қорабоев У. “Ўзбек халқ ўйинлари” Тошкент 2001й
11. Азизходжаева Н.Н.Педагогические технологии педагогическое мастерство-Т. Фан ва ахборот технологиялари, 2006.

РЕЗЮМЕ

Maqolada jismoniy harakatlar teatri vositasida maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy faoliyatini rivojlantirishning pedagogik tizimi tahlil qilindi.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализирована педагогическая система развития двигательной активности дошкольников через театр физической активности.

SUMMARY

The article analyzes the pedagogical system for the development of motor activity of preschoolers through the theater of physical activity.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА ВА КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

Ўлдошев Ф.Б.

ЖДПУ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: диагностика, коррекция, педагогик диагностика, таълим, таълим натижалари, ўқувчи, шаклланиш, ривожланиш.

Ключевые слова: диагностика, коррекция, педагогическая диагностика, воспитание, образовательные результаты, ученик, формирование.

Key words: diagnosis, correction, pedagogical diagnosis, education, educational results, student, formation, developments.

Таълим-тарбия жараёнида баркамол инсонни шакллантириш маҳсуласи орқали мустақил фикрловчи, ижодий изланувчи, кучли иродали, ишчан, ғоявий эътиқодли, маънавияти юксак, пок виждонли шахсни камол топтириш долзарб муаммолар сира-сига киради. Бу ўринда педагогик диагностика катта аҳамият касб этади ва таълим жараёнини инновацион ташкил этишда педагогик диагностикадан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш асосида жамиятнинг баркамол шахсни етишти-ришдек мақсадига мос келиши билан тавсифланади [1].

Педагогик диагностика: биринчидан, индивидуал таълим жараёнини қулайлаштириши, иккинчидан, жамият талабидан келиб чиққан ҳолда, таълим-тарбия натижаларини тўғри аниқлашни тامينлаши, кафолатлаши, учинчидан, ўзига хос таълим йўналиши ва мутахассисликни оқилона танлашга ёрдам бериши керак. Педагогик диагностика ёрдамида маънавий-маърифий жараён таҳлил қилинади ва таълим-тарбия натижалари аниқланади.

Ташхислашда нафақат таълим-тарбия натижаларини сарҳисоб қилиш, балки уларнинг ўзгариш динамикасини ҳам назарда тутиш лозим [2].

Педагогик диагностика қуйидаги тамойилларга асосланади:

- биринчиси-шахсни ҳар томонлама ўрганиш, ташхис қилиш ёки ўзини-ўзи ташхислаш;
- иккинчиси- педагоглар жамоаси томонидан таълимий-тарбиявий жараённинг самарадорлигига эришишни таъминлаш.

Педагогик диагностика ўқув-тарбиявий жараёни тадқиқ қилади. Унинг метод-лари илмий-педагогик тадқиқот методларидан шу билан фарқ қиладики, у алоҳида ўспиринга ёки ўқувчи-ёшлар гуруҳига долзарб педагогик тadbирларни қўллашни кўзда тутди [3].

Ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштиришга хизмат қилувчи педагогик диа-гностика ҳар бир режали ўқув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланиб, таҳсил олувчи ўқув материални қандай ўзлаштираётганини доимо кузатиб боради, тарби-явий жараёндаги муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилади. Моҳир педагог ўқув жараёнида туғиладиган қийинчиликларни бошқалардан кўра яхшироқ тушу-нади.

Педагогик диагностика ўз замирида коррекцион тadbирларни ҳам назарда тутди. Машғулот ўтказиладиган шароитлардан қатъи назар ўқув жараёнининг самарадор-лигига хизмат қилувчи педагогик коррекция қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши керак:

- таълим натижаси нотўғри баҳоланганда ички ва ташқи таҳрирга;
- таълимдаги камчиликларни аниқлашга;
- таълимнинг муваффақиятли натижаларини тасдиқлашга;
- ўқув жараёнининг кейинги bosқичларини режалаштиришга;
- таълим-тарбиядаги муваффақиятларни рағбатлантириш орқали мотивация пайдо қилишга ва кейинги мураккаб қадамларни йўналтиришга;
- ўқув-тарбиявий шароитларда йўл қуйилган камчиликлар, бўшлиқларни коррек-циялашга, бартараф этишга.

Нуфузли Америка маълумотномаларининг (Линдгуист) бирида педагогик диаг-

ностика ва коррекция вазифалари (Эдисационал Меасуремент)га йирик боблар учун ўрин ажратилган: ўқитиш жараёнида услубий ёрдам кўрсатиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқув масканидаги ижтимоий педагог маслаҳати, тарбиявий жараёнда таълимнинг ўрнини аниқлаш (Плазиеринг)дан иборат [4]. Демак, илмий асосланган педагогик диагностика ва коррекция ўқув-тарбиявий жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда ўқитиш сифатини ташхислаш ва коррекциялаш учун қуйидагиларни аниқлаш талаб этилади:

- амалда қўлланилаётган ўқув дастурларининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги;
- методик ҳамда ташкилий инновациялар;
- мазкур инновацияларнинг ўқитиш натижаларининг сифати ва битирувчиларнинг билимдонлик даражасига кўрсатадиган таъсири;
- ўқув жараёнининг технологик жиҳатдан таъминланганлик даражаси;
- умумий ўрта таълим муассасасининг турли бўғинлари фаолияти мақсад ва вазифаларининг ўзаро мувофиқлиги;
- ўқитиш концепциялари, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуалар мазмуни орасидаги ўзаро узвийлик;
- педагогик, методик, бошқарув соҳасидаги ахборот тармоқларининг самарадорлиги, уларни оммалаштириш ва фойдаланиш учун қулайлиги ва ишончилиги;
- фанлар бўйича ўқитиш сифати баҳолалишини таъминловчи квалиметрик, ташхислаш методикаларининг ўқитувчилар тажрибасида фойдаланилганлиги ва синовдан ўтказилганлиги кабилар.

Ўқитиш сифатини аниқлашда умумий ўрта таълим муассасасининг методик қувватини ташкил этувчи кўрсаткичлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан:

- ▶ аввалги йилларда тузилган ўқув дастурлари;
- ▶ умумий ўрта таълим муассасасида ишлаб чиқилган методик ҳамда дидактик материаллар;
- ▶ синовдан ўтказилган ўргатувчи ва ташхисловчи методикалар;
- ▶ инновацион ғоялар банки;
- ▶ методик ишларнинг ташкилий шакллари, илғор тажрибаларни аниқлаш, танлаш, умумлаштириш ва оммалаштириш кабилар.

Ўқитиш сифатини ташхислашда информацион-методик ҳамда таълимий-технологик манбаларни таҳлил қилиш ҳам алоҳида қимматга эга. Унинг асосий кўрсаткичлари:

- эксперт хулосалари;
- назорат ва текшириш натижаларини ифодаловчи материаллар;
- йиғилишлар, кенгашларнинг материаллари;
- методик семинарларнинг материаллари кабилар.

Ўқитиш сифатини ташхислашда моддий-молиявий манбаларни ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда зарур. Мазкур манбалар сирасига:

- таълим муассасасида амалга ошириладиган алоҳида тадбирларни молиялаштириш манбалари;
- қабул қилинган меъёрлар ва талабларга мос тарзда ўқув материаллари мазмунига мувофиқ келадиган моддий-техник базанинг тавсифи;
- умумий ўрта таълим муассасасидаги синф хоналари ва ўқув кабинетла-

- рининг компьютерлар, аудио, видео-визуал техникалар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги;
- умумий ўрта таълим муассасасининг алоқа воситалари билан таъминланганлиги;
- умумий ўрта таълим муассасасининг ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлиги;
- умумий ўрта таълим муассасасининг спорт майдончалари, заллари, инвентарлари билан таъминланганлиги;
- умумий ўрта таълим муассасасининг моддий-техник базани кенгайтиришга йўналтирилган режаси;
- ўқитиш жараёни сифатининг ўқув жараёни сифати натижалари билан мос келишининг таъминланганлиги;
- умумий ўрта таълим муассасасида масофавий таълимни жорий этиш учун моддий-техник базанинг мавжудлиги кабиларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда педагогик диагностика ва педагогик коррекциянинг тамойилларини такомиллаштиришда ёшларнинг шахсиятига зарар келтирмаслик, уларнинг педагогик дахлсизлигини таъминлаш, миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар орқали уларга ижобий таъсир кўрсатишинобатга олиниши зарур.

Бугунги кунда педагогик диагностиканинг қуйидаги функциялари таснифланади:

Педагогик диагностиканинг натижалари таълим сифатини ошириш, тахсил олувчиларнинг таълимий ва тарбиявий эҳтиёжларини қондириш, педагогик жараён йўналтирувчилари - педагогларнинг касбий фаолиятини инновацион ташкил этиш ва уларнинг касбий малакаларини оширишда катта аҳамиятга эга. Диагностикада мавжуд педагогик муаммолар равшанлашади, уларнинг ечимини топиш зарурати борлиги аниқланади. Муаммолар ечими фаолиятнинг таркибий қисмларида, вазифаларни оқилона тақсимлашда ўз аксини топади. Педагогик диагностика функциялари айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқади:

- тесқари алоқа функцияси-кўзланган ўқув-тарбиявий мақсадларга эришиш шакллари ва йўллари таҳлил қилиш;
- мақсад ва вазифаларни белгилаш функцияси- жамоанинг тараққий қилиш истикболларини, истикболлий режаларини аниқлаш;
- тақсимот функцияси-жамоа аъзолари ўртасида бурч ва вазифаларни тақсимлаш;
- яратиш функцияси- катталарнинг ёшлар билан мулоқот қилишининг соғлом муҳитини таркиб топтириш;
- педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш функцияси;
- педагогик коррекциялаш функцияси- ёшлар ҳулкидаги, таълимий фаолияти, тарбиявий жараёндаги нуқсонларни бартараф этиш вазифасини ўтайди, таълим берувчи ва таълим олувчиларни аттестациялашда қўл келади;
- мотивация ва рағбатлантириш функцияси-ўқувчи-ёшларнинг ҳамда мураббий-ўқитувчиларнинг таълим олиш ва таълим бериш фаолиятини рағбатлантиришни, ташқи стимуллари адекват қабул қилишни назарда тутади. Тарбиявий жараёнда комилликка интилишни кучайтиради;

- назорат функцияси-таълимий-тарбиявий жараёнда турли хил назорат турларини ўтказишни назарда тутати, чунки диагностика маънавий-маърифий жараён ҳолати тўғрисидаги ахборотга эга бўлишни билдиради.

Таълим-тарбия жараёнида педагог доимо вазиятни башорат (прогноз) қилиб боради, унинг натижаларига қараб ўқув-тарбиявий тизимда коррекция талаб жойларни тўғирлайди, кейинги босқичларини тўғри ташкил қилишга ҳаракат қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг таълим натижаларини диагностика ва коррекция қилиш учун талаб қилинадиган ўқув масканида ўқиши, тайёргарлиги, ижтимоий ҳаётдаги фаоллик даражаси кўрсаткичи каби масалаларни башорат қила олиш талаб этилади. Ҳозирги кун талаби асосида ҳар бир ўқитувчи прогностика билан шуғулланиши зарур.

Бошланғич таълимда педагогик диагностика ва коррекция таълимий натижаларнинг турли элементлар, ҳодисаларнинг эса, объектив равишда аниқлаш учун, уларни интерпретациялаш, башоратлашга хизмат қилувчи ўзаро алоқаларни акс эттирувчи тизим сифатида баҳоланади.

Адабиётлар:

1. Йўлдошев Ф.Б. Бошланғич синф ўқувчиларининг билим ўзлаштириши диагностикасида ўқув-меъёрий ва дидактик талабларнинг ўзига хослиги. “Таълим ва инновацион тадқиқотлар” халқаро илмий-методик журнал. Махсус сон. Тошкент 2021. 6.311
2. Асадов Й.М., Турдиев Н., Акбарова С., Темиров С., Бабаджанов С. Ўқувчиларда компетентсияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикаси.-Тошкент: Қори Ниёзий номидаги ЎЗПФИТИ босмахонаси, 2016.-158 б.
3. Абдуллаева Ш.А., Рўзиева Д.И. Педагогик диагностика ва коррекция. – Тошкент, 2018.- 264 б.
4. Lindquist E. F. Educational measurement. Hardcover – Isha Books, 2013. 7852 p.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг таълим натижаларини диагностика ва коррекция қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари ҳусусида маълумотлар баён этилган. Шунингдек, мазкур мақолада педагогик диагностиканинг функциялари (вазифалари) ва тамойиллари ҳақидаги фикрлар акс эттирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны научно-теоретические аспекты диагностики и коррекции образовательных результатов учащихся начальных классов. Также в данной статье отражены размышления о функциях (задачах) и принципах педагогической диагностики.

SUMMARY

The article presents information on the scientific-theoretical aspects of diagnosis and correction of the educational results of primary school students. Also, this article reflects the opinions about the functions (tasks) and principles of pedagogical diagnostics.



ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

JISMONIY TARBIYA VA SPORT MASHG'ULOTLARIDA QO'LLANILADIGAN ASOSIY USLUBIY TAMOIYILLAR

Ashirboev I.M.

*Toshkent viloyati Chirchik davlat pedagogika instituti
Maktabgacha talim fakulteti Maktabgacha va boshlangich talimda
jismoniy tarbiya va sport yunalish 20/1 guruh talabasi*

Tayanch so'zlar: faollashtirish jarayoni, jismoniy tarbiya darslari, mashg'ulotlar, jismoniy mashqlar, uslubiy tamoyillar.

Ключевые слова: активизационный процесс, занятия по физическому воспитанию, упражнения, физические упражнения, методические принципы.

Key words: activation process, physical education classes, exercises, physical exercises, methodological principles.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoev 2021 yilni "Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili" deb nom berdilar. Barchamizga ma'lumki jamiyatda sog'lom turmush tarzini shakllantirishda, aholi salomatligini mustahkamlashda jismoniy tarbiya va sportni o'rni beqiyosdir. Mamlakatimizda o'sib kelayotgan yosh avlodning jismoniy va ma'naviy salomatligini shakllantirishni, sog'lom turmush tarziga intilish va sportga mehr-muhabbatni singdirishning g'oyat muhim sharti hisoblanadi.

Aholini ayniqsa yoshlarni jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan shug'ullanishlari, turli sport musobaqalarida ishtirok etishlari orqali yoshlarda o'z irodasi, kuchi va imkoniyatlariga bo'lgan ishonchini oshiradi.

O'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama aqliy, ahloqiy va jismoniy jihatdan rivojlantirishda jismoniy tarbiya va sport muhim ahamiyat kasb etadi va ularda mardlik, vatanparvarlik, sadoqat va halollik tuyg'ularini shakllantirishda yordam beradi.

Davlatimiz rahbari ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sahalaridagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lga qo'yish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surdi. Bunda ikkinchi tashabbus yoshlarni jismoniy chinqitirish, sport sohasida qobiliyatini nomoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan. Shunday yaratib berilgan imkoniyatlardan foydalanib, o'quvchi yoshlarimizni qiziqishiga qarab sportning turli xil yo'nalishlariga jalb qilib, ulardan yangi chempionlarni tayorlashimiz zarur.

Shu o'rinda Davlatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev quyidagi fikrlarini misol qilib keltirmoqchiman "Dunyoda qobilyatsiz bola bo'lmaydi, biz ana shu qobiliyatni ko'ra olishimiz, taxlil qilib yuksaltirishimiz va shu qatorda o'quvchilarning qobiliyatidan kelib chiqqan holda biror bir kasbga yoki hunarga yo'naltira olishimiz bizning eng asosiy vazifamizdir".

Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari orqali olinadigan foyda juda ko'p, bu yoshlarda sog'lom turmush tarzi muhimligini biladigan mas'uliyatli kattalar bo'lib yetishishiga yordam beradi. Jismoniy tarbiya va jismoniy madaniyat jarayonini boshqaradigan, inson vujudiga, jismoniy o'sishga ta'sir qiladigan tabiat qonunlari jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyotida printsip-tamoyil nomini olgan.

Organizm rivojlanishining umumiy tamoyillarini bilish va ularni amaliyotda qo'llash, o'quvchilar jismoniy tarbiyasi jarayonini yanada samarali darajaga olib keladi.

Jismoniy tarbiya va pedagogikaga oid adabiyotlarda tamoyillar har xil ta'riflangan, lekin manbalarning tahlili shuni ko'rsatadiki, har xil nomlar bilan ta'riflangan bir printsip quyidagi mazmunlarni bildiradi:

-jismoniy tarbiya darslari jarayonida o'quvchilarning har tomonlama rivojlanishlari uchun jismoniy mashqlarni ongli, tushungan holda tashkil etish;

-o'rgatayotgan mashqlarni yaxshi o'zlashtirilishi uchun ko'rgazmalilikning turli xil shakllaridan foydalanish;

-har bir o'quvchiga taklif qilinadigan muayyan maqsadga yo'naltirilgan va psixologik og'irliklarning soddaligini, tushunarligini ta'minlash;

Shug'ullanuvchi o'quvchilar avvalgi mashg'ulotlarda o'zlashtirib olganlarini mustahkamlashlarida talabni kuchaytirish va keyingi mashg'ulotlar uchun zamin yaratishni ta'minlash. Pedagogika fanida bu printsiplarni o'rgatishda taalluqligini hisobga olib, didaktik tamoyillar deb ataymiz.

Jismoniy tarbiya, jismoniy mashqlarga o'rgatish va shug'ullanuvchilarni bilimlar bilan qurollantirish, jismoniy sifatlarini tarbiyalashni o'z ichiga qamrab olganligi uchun tamoyillarni didaktik emas, metodik - uslubiy deb atash qonuniyroqdir.

Ko'nikma va malakalarni shakllantirishda qo'llaniladigan asosiy uslubiy tamoyillar o'quvchilarning yoshlari qanday bo'lishidan qat'iy nazar, barcha uchun bir xil va zarurdir. Har bir tamoyilning mohiyatini va o'quvchilar jismoniy tarbiyasi jarayonida uni amalga oshirish yo'llarini alohida ko'rib chiqish maqsadga muvofiqdir. Onglilik va faollik tamoyili.

"Didaktik adabiyotlarda onglilik deganda, o'rganilayotgan temaga oid qonuniyat, ta'rif va faktlarni asosli egallash, xulosa va umumlashlarni chuqur, atroflicha fahmlash, tema yuzasidan bilimlarni izchil va to'g'ri bayon qila olish, bilimlarning ishonch va e'tiqodga aylanishi, o'rgatilgan bilimlardan turmushda mustaqil foydalana bilish kabilar tushuniladi. Onglilik bilimlarni ongli o'zlashtirishga yo'nalgan printsipdir.

Bilim malakalarni ongli o'zlashtirish quyidagicha xususiyatlarga ega: ta'limning maqsadi, hayot uchun zarurligini anglash; faktik materiallarni ongli egallash va ularni o'zaro farqlay bilish; bilimlarni o'rganish, mustahkamlash, takrorlash jarayonlarini sezish; tema yuzasidan o'zi erishgan natijalarni baholay bilish.

Faollik esa, o'z navbatida bolalarda mustahkamlikni tarbiyalash uchun asos bo'ladi. Bu printsiplar bir-birini to'ldiradigan hodisalar bo'lib, ularning mohiyatini tashqaridan ichkariga va ichkaridan tashqariga yo'nalgan jarayonlar sifatida tasavvur qilingandagina anglash mumkin. Faollik tashqaridan ichkariga yo'nalgan jarayon sifatida tasavvur etilsa, unda bolalarda mustahkamlikni shaxsiy sifat shaklida tarbiyalashni anglaymiz.

Agar faollik ichkaridan tashqariga yo'nalgan jarayon sifatida qaralsa, unda insonning

ichki intilishlari, emotsiyalari, qiziqishlari mustaqillikni shakllantirish vositasi ekanligini tan olishga to'g'ri keladi".

Jismoniy tarbiya jarayoni-bu ikki tomonlama jarayondir. Bir tomondan o'rgatishga intilayotgan o'qituvchi, ikkinchi tomondan o'rganishga xohishi bo'lgan o'quvchi qatnashadi. Tajribalar shuni ko'rsatadiki, agar o'quvchi oldiga qo'yilgan vazifaning mohiyatini tushunib etsa va uning hal etilishiga qiziqsa, o'rgatishning muddati tezlashadi va sifati yaxshilanadi.

Uslubiy adabiyotlarda ongliklik va faollik alohida mustaqil tamoyillar hisoblanadi. Amaliyotda esa ongliklik va faollik jarayoni o'zaro bog'liqdir, ularni bir-biridan ajratish mumkin emas. Sababi shuki o'quvchining faolligisiz ongliklikni amalga oshirish mumkin emas, faoliyatning maqsadi esa ongli ravishda tushunib etilgandagina inson faol bo'ladi.

Faollashtirish jarayoni deganda o'qituvchi tomonidan shug'ullanuvchilarning intellektual, axloqiy, irodaviy va jismoniy kuchlarini o'rganib, tarbiya sifatini oshirish tushuniladi. Ammo mavjud tabiiy va ma'naviy qonuniyatlarni bilishning o'zi o'quvchilarni ongli va faol qila olmaydi. Bu vazifani o'qituvchi bajarishi kerak.

Qulaylik va individuallik tamoyili. Bu tamoyillar yosh va jinsiy farqlanish bolalarga xos. Bunday tashqari bir xil yoshdagi va jinsdagi bolalar, har xil qobiliyatga ega, shuning uchun o'rgatish va tarbiya jarayonida shu tomonlarni albatta hisobga olish zarur. Bunda qulaylik va individuallik tamoyiliga amal qilinadi. Bu yerda so'z, o'qituvchining har bir bola yuragiga yo'l topa olishi, vaqtincha qiyinchiliklarni angelay olishi va uni tuzatishga yo'l topa olishi, ularning qobiliyati va qiziquvchanligini rivojlantirishda hamkorlik qilishi ustida boradi.

Ko'nikma va malakalarni shakllantirish yo'llarini shunday tashkil qilish kerakki, ular har doim rivojlanishda bo'lmog'i zarur. Shuni ham unutmaslik kerakki, o'qituvchi dars jarayonida faqat alohida yaxshi tayyorgarligi bor yoki faqat qoloq o'quvchilar bilan ishlamaydi, albatta.

U sinfdagi barcha o'quvchilar bilan ishonchli muammolarda va bir-birini to'liq tushungan holda ishlamog'i zarur. Xo'sh, buning uchun o'quvchilarning qaysi xususiyatlarini hisobga olish kerak va bularga muvofiq tarzda nimalarga amal qilish kerak? Hammadan oldin bolaning o'qishga va uning natijasiga bo'lgan munosabatini farqlash, o'qishga va uning natijasiga salbiy munosabatda bo'lgan o'quvchilar pedagogning muntazam diqqat markazida bo'lmog'i kerak.

Ulgara metodik ta'sir etishning xilma-xil usullaridan foydalanishi kerak. O'quv materialini o'zlashtirish va mustahkamlash uchun, mashqlarga bo'lgan ehtiyojda katta farq mavjud. Har bir o'quvchida zaruriy mashqlarning soni va hajmi har xil: alohida shug'ullanuvchilarning o'rgatish tempi har xil. Alohida harakat faoliyatining texnikasini o'zlashtirib olishda o'quvchilarning xususiyatlarini hisobga olib, yordamchi mashqlarning karakterini va hajmini o'zgartirib berish zarur.

Adabiyotlar:

1. Tolipov O'Q va boshq. Pedagogik texnologiyaning tatbiqiy asoslari. T., "Fan"2006y 130-b
2. Usmonxo'jayev T. va boshq. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubi. T. "Oqituvshi"2004y
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning" Oliy Majlisga murojaatnomasi". 29.12.2020.
4. A.V.Keneman, D.V.Xuxlaeva Bolalarni jismoniy tarbiyalash nazariyasi va metodikasi. T.,1988
5. Zaysev A. A. Osnovnye komponenty sportivnoy trenirovki : metod. rek. po spetskursu «Teoriya sporta vysshix dostizheniy». – Kaliningrad : Izd-vo Kaliningradskogo universiteta, 2007.

PE3HOME

Ushbu maqolada jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarida qo'llaniladigan asosiy uslubiy tamoyillar to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.

В данной статье представлена информация об основных методических принципах, применяемых в физкультурно-спортивной тренировке.

This article provides information about the main methodological principles used in physical culture and sports training.

JISMONIY TARBIYA VA SPORT MENEJMENTI TIZIMINI MOLIYALASHTIRISH

Raximova Z.A.

*O'zbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti
ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrası o'qituvchisi*

Tayanch so'zlar: jismoniy tarbiya, sport menejmenti, tizim, byudjet, nazorat, ta'lim, miqdor, o'qituvchi.

Ключевые слова: физическое воспитание, спортивный менеджмент, система, бюджет, контроль, образование, количество, педагог.

Key words: physical education, sports management, system, budget, control, education, quantity, teacher.

Byudjet xarajatlarini hisoblashda talaba (o'quvchi)lar qabul qilish fani; talaba (o'quvchi)lar miqdori; ta'lim muassasi moddiy-texnikaviy negizining hajmi asos qilib olinadi. Professor-o'qituvchilar tarkibi va tegishli maosh fondini belgilash uchun bitta o'qituvchiga belgilangan talaba soni ko'rsatkich sifatida foydalaniladi.

Byudjet mablag'idan foydalanish ustidan nazorat xarajatlar moddasi guruhlari bo'yicha mablag' ajratish yo'li bilan amalga oshiriladi.

Davlat byudjeti mablag'i hisobidan moliyalashtiriladigan». Tarmoqlarda iqtisodiy isloxtarlarni chuqurlashtirish, moliya-lash mexanizmini takomillashtirish, byudjet mablag'laridan samarali va o'z o'rnida foydalanish uchun O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi «Byudjet tashkilotlarini moliyalash tartibini takomillashtirish to'g'risida» (1999 yil, 414-raqamli) qaror qabul qildi. Unda quyidagilarni ko'zda tutuvchi yangi tartib belgilandi: byudjet tashkilotlari rahbarlarining byudjet mablag'laridan tejab, samarali va o'z o'rnida foydalanish, byudjet intizomini mustahkamlash bo'yicha mustaqilligini kengaytirish va mas'uliyatini oshirish; mavjud mablag'larni ulardan foydalanish samaradorligini yuqori darajada oshirishga erishish maqsadida turlicha qo'llash uchun imkoniyat yaratish va byudjet tashkilotlarini moliyalash mexanizmini soddalashtirish;

Me'yorlar bo'yicha birvarakay moliyalash usuli bilan byudjet tashkilotlarni moliyalashning yangi tartibini joriy etish; byudjetdan moliyalashni ta'lim muassasasi soxasiga mos tovarlar ishlab chiqarish (ish, xizmatlar bajarish) bilan qo'shib olib berish; ta'lim muassasasi xodimlari mehnatini rag'batlantirish, ular faoliyati natijalarini oshirish va mutaxassislarni joylashtirish uchun sharoit yaratish; rejayvi byudjetdan moliyalash xisobidan tushgan va hisobot yili oxirida byudjet tashkilot hisob raqamlarida qolgan, tejalgan (foydalanilmagan) mablag';

ta'lim muassasasi faoliyat sohasi bo'yicha tovarlar sotish (ish, xizmatlar bajarish), ishlab chiqarishdan keladigan daromadlar; yuridik va jismoniy shaxslar ko'rsatadigan xomiylik

yordami. Sport tashkilotlari faoliyatini tartibga solish, xususan, ular tashkiliy tuzilmasini, moliyalashni takomillashtirishning muhim shartidir. Bu shuni ko'rsatadiki, oliy ta'lim muassasalarda namunaviy lavozimlar faoliyat ko'rsatadi, oliy ta'lim muassasalarning o'zida va ular qoshidagi yotoqxonalaridagi ma'muriy-boshqaruv xodimlari lavozimiga me'yorlar joriy etilgan. Oliy ta'lim muassasalari lavozim birliklarida ozod qilingan dekan va dekan o'rinbosarlari birligi ajratilgan, ular lavozim maoshi belgilangan bo'lib, bular byudjetdan ta'minlanadi. Oliy ta'lim vazirligida marketing xizmati bo'linmasi tashkil etilgan, barcha oliy ta'lim muassasalarida esa marketing xizmati qismlari ishlab turibdi, ularni ham byudjet mablag'i xisobidan moliyalash ta'minlangan.

Respublikada iqtisodiy isloxo'tlar o'tkazish davrida ta'limni moliyaviy sog'lomlashtirishning strategik yo'nalishi bo'lib, byudjetdan tashqari mablag'ni jalb etish xisobiga moliyalashning yangi manbaidan foydalanish xisoblanadi. Bu chora oliy ta'limni jahon miqyosida rivojlantirishning ob'ek-tiv qonuniyati xisoblanadi, o'tish davridagi shart-sharoit taqazosiga ko'ra faqat O'zbekistondagi zarurat emas.

Sport tashkilotlari, ularga davlat tomonidan berib qo'yilgan mulkdan foydalanish huquqi ta'sirchan yo'llardan biridir. Bu ularning berilgan mulkdan to'liq begonalashmagan xolda tadbirkorlik faoliyatida ishtirok etishiga katta imkoniyatlar ochadi.

Sport tashkilotlari birlashtirilgan moddiy resurslar negizidagi tadbirkorlik-byudjetdan tayyorlashning muxim yo'nalishi.

Sport tashkilotlari byudjetdan tashqari faoliyat natijasida olingan mablag' (asosan moliyaviy resurslar)dan foydalanishda ayniqsa keng erkinlikka egadirlar. Bu faoliyatning samaradorligi oliy ta'lim muassasalar uchun tamoman yangi faoliyat-moliyaviy aktivlarni boshqarish bilan bog'liq bo'lib, u Oliy ta'lim vazirligi iqtisod, investitsiya va marketing bosh boshqarmasi tomonidan boshqariladi. Mazkur xizmat oliy ta'lim muassasalar raxbariyati uchun byudjet-dan tashqari mablag'ni jalb etish uchun aniq tavsiyalar ishlab chiqdi, vazirlik mas'ul xodimlari, iqtisodiyot va tadbirkorlik bo'yicha prorektorlar va oliy ta'lim muassasalar marke-ting xizmati ishtirokida sayyor seminar-kengashlar o'tkazadi hamda byudjetdan tashqari mablag'larni uyg'unlashtirish jalb qilish va sarflash bo'yicha boshqa ishlarni olib boradi.

Sport tashkilotlari «Ta'lim to'g'risida»gi qonunga muvofiq tashkil etiladigan byudjet tashkiloti xisoblanadi va to'liq yoki qisman davlat byudjetidan ta'lim» va ijtimoiy-madaniy hamda moliyaviy vazifani bajaradi.

Mutaxassislar tayyorlashga bo'lgan davlat buyurtmasi ta'lim muassasasiga byudjet mablag'i ajratish uchun asos bo'ladi, shunga muvofiq oliy ta'lim muassasasiga byudjetdan mablag' ajratiladi. Sport tashkilotlarining byudjet tizimi quyidagi tamoyillarga asosan tuziladi:

- ichki moliya tizimlarining metodik birligi;
- kirim va chiqimlar xisob-kitobining to'la qononiligi;
- oshkoralik; rahbariyat miqyosi bo'yicha byudjet vakolatining taqsimlanishi.

Sport tashkilotlari haqidagi qoidalar oliy ta'lim muassasasining byudjet tuzilishi tamoyillari, harajatlarni tasdiqlash tartibi, boshqaruv turli darajasi huquqlarini belgilaydi.

Sport tashkilotlarining byudjetdan moliyalashning me'yoriy negizi «Ta'lim to'g'risida»gi qonun, «Oliy ta'lim haqidagi qoidalar» va «Oliy ta'lim muassasasi haqidagi namunaviy qoidalar»da bayon etilgan bo'lib, ular oliy ta'lim muassasasi ichki moliya

oqimi, xarajatlar me'yori va rahbariyat huquqini tashkil etish ayrim masalalarini tartibga soladi.

Sport tashkilotlari raxbariyati belgilangan huquq doirasida ichki moliya-viy munosabatlarni tartibga soluvchi buyruq va farmoyishlar berish huquqiga ega.

Sport tashkilotlari byudjeti-tegishli qoidalar bilan mustaxkamlangan oliy ta'lim muassasasi pul mablag'ining hosil bo'lish va sarflanish shakli. Byudjet oliy ta'lim muassasasi uchun yaxlit yoki qisman yuridik shaxs xuquqi berilgan ayrim bo'linma, aloxida moliya xisobi uchun ajratilgan ichki bo'linma uchun tuziladi.

Byudjet tizimi uch bosqichi farqlanadi: umumta'lim muassasasi; ayrim bo'linma miqyosi; ayrim ishlar, ayrim tadbir, ayrim ob'ekt miqyosi.

Sport tashkilotlarini moliyalash uchun mablag' davlat tuzilmalari (davlat mablag'i) dan, korxona va yakka fuqarolar (davlatga aloqalarsiz mablag') dan kelishi mumkin. Oliy ta'lim muassasasi byudjet tizimining yagonaligi huquqiy negiz yagonaligi, tasniflashning yagona tizimidan foydalanish, xujjatlar xisobot va rejali shakli bir xilligi, umumiy byudjet tuzish uchun boshqaruv bosqichlari bo'yicha zarur stati-stik xisobot taqdim etish bilan ta'minlanadi. Sport ta'lim muassasasi byudjetdan moliyalash mexanizmi byudjet tuzish va undan foydalanish yagona qoidasini qo'llashga asoslanadi, bu davlat iqtisodiy va moliyaviy siyosati bilan belgilanadi.

Sport tashkilotlari byudjet tizimi yagonaligi turli bosqichlar daromadiga tushumlardan ajratmalar va boshqaruvning ancha yuqori bosqichidan maqsadli xisob raqamiga tushumlardan ajratmalardan belgilangan me'yorlar orqali byudjetlar o'zaro birlashuvi bilan cheklanadi. Sport tashkilotlari byudjet daromadlari-ma'muriyat yoki aloxida bo'linmalarning rahbarlari tasarrufiga tushadigan pul mablag'i.

Sport tashkilotlari xarajatlari-oliy ta'lim muassasasi, uning bo'linmasi yoki ayrim xodimlar extiyojini ta'minlashga yo'naltirilgan pul mablag'i.

Xarajatlarni daromaddan oshib ketishi oliy ta'lim muassasasi byudjetidagi kamomad (defitsit)ni tashkil etadi. Kamomadni qoplash manbai navbatdagi yil byudjetida tasdiqlanadi yoxud keyingi davrga karz sifatida o'tkaziladi.

Boshqa tashkilotlar bilan moliyaviy o'zaro munosabatlarni ta'minlovchi kreditlar bo'yicha to'lovlar.

- Joriy xarajatlar unsurlari bo'lib, quyidagilar hisoblanadi:
- mehnatga haq to'lash, shu jumladan:
- xodimlar asosiy maoshi; ish haqiga ustama; mehnatga qo'shimcha haq to'lash; lavozimdan tashqari xodimlar mehnatiga haq to'lash;
- xodimlarga boshqa xil pul to'lovlari; ish haqiga ajratmalar, shu jumladan:
- davlat ijtimoiy sug'urtasiga badallar; Davlat bandlik fondiga badallar;
- ta'minot narsalari va sarflash materiallari xarid qilish, shu jumladan:
- devon anjomlari; yumshoq jihozlar; boshqa sarf materiallari; xizmat safari va ish bo'yicha qatnov; transport xizmati to'lovlari; aloqa xizmati to'lovlari;
- kommunal xizmati to'lovlari; boshqa xizmatlarga to'lovlar.

Адабиётлар:

1. Juran, Jozef M. va Jozef A. De Feo, «Yuranning sifatli qo'llanmasi», 2010 yil, ISBN 978-0-07-162973-7
2. Nederpelt, Piter van (2012). Ob'ektga yo'naltirilgan sifat va xatirlarni boshqarish (OQRM). Sifat va xavfni boshqarish uchun amaliy va umumiy usul. MicroData. ISBN 978-1-291-037-35-7.

3. Jarayonni baholash va takomillashtirish ISBN 0-387-23182-X
4. Pyzdek, T. «Sifat muhandisligi bo'yicha qo'llanma», 2003, ISBN 0-8247-4614-7
5. Warzecha, B. «Sifat menejmenti bilan bog'liq muammo: jarayonga yo'naltirilganlik, boshqariladigan va nuqsonsiz jarayonlar zamonaviy afsonalar (amalda falsafa)», 2017, ISBN 9783981863833; elektron kitob ISBN 9783981863826

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada jismoniy tarbiya va sport menejmentini tizimini moliyalashtirish haqida qisqacha bayon etilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье кратко описывается финансирование системы управления физической культурой и спортом.

SUMMARY

This article briefly describes the financing of the physical culture and sports management system.

PROFESSIONAL TA'LIM MUASSASALARI TAHSIL OLAYOTGAN O'QUVCHI-QIZLARNI JISMONIY TAYYORGARLIGINI SAMARALI TAKOMILLASHTIRISH USULLARI

Norkulov D.R.

*Jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni qayta tayyorlash
va malakasini oshirish instituti Farg'ona filiali, p.f.b.f.d (PhD)*

Tayanch so'zlar: me'yor, monitoring, metodika, innovatsiya, pedagogik texnologiya, ko'chma zina, o'quvchi-qizlar.

Ключевые слова: нормы, мониторинг, методика, инновация, педагогическая технология, переносная лестница, учащиеся-девушки.

Key words: norms, monitoring, methodology, innovation, pedagogical technology, portable ladder, students.

Dunyo hamjamiyati insoniyat muammolari globallashtirish murakkab davrini boshdan kechirmoqda, sog'liqni saqlash tizimidagi mutaxassislarni kasbiy faoliyatlarida jismoniy mashqlarni targ'ib qilish uchun jahonda muhim tashabbuslar olg'a surilmoqda. Tibbiyot sohasida ta'lim olayotgan o'quvchilarni jismoniy tarbiya jarayonini takomillashtirish va harakat faolligini oshirish, kasbiy faoliyat jarayonida yuqori ishchanlikni saqlab turish masalasi bugungi kunda barcha davlatlarda eng muhim vazifa etib belgilangan.

Respublikamizda o'quvchi-yoshlarni jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullanishga jalb etish, ularni jismoniy tayorgarligini oshirish eng muhim vazifalardan biri etib belgilangan. Tibbiyot yo'nalishidagi professional ta'lim muassasalari tizimida ta'lim olayotgan o'quvchilarning asosiy tarkibini qizlar tashkil qilishini hisobga olgan holda, ushbu tizimda faoliyat olib borayotgan jismoniy tarbiya o'qituvchilarining diqqat e'tiborini bo'lajak mutaxassislarning kasbiy faoliyatida kerak bo'ladigan umumiy va maxsus tayyorgarlikni takomillashtirishga qaratish kerak. Bugungi kunda tibbiyot yo'nalishidagi o'quvchi-qizlarining harakat faolligini tahlil qilish, ularning jismoniy tayorgarlik darajasini pastligini aniqladi, buning yana bir amaliy natijasi sifatida dunyoda COVID-19 koronavirus pandemiyasining paydo bo'lishi bir qator boshqa mamlakatlar

singari O'zbekistonda ham aholining sog'lig'i, jismonan salomatligi, sog'lom hayot kechirish darajasi zaif ekanligini ko'rsatdi.

Eksperimental tadqiqotning maqsadi tibbiyot yo'nalishidagi professional ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan o'quvchi-qizlarni kasbiy faoliyatga jismoniy tayyorgarlik darajasini samarali oshirish bo'yicha taklif etilayotgan metodologiyani tashqi muhitning yuqori harorati sharoitida o'tkazishni hisobga olgan holda qisqa muddatli tayyorgarlikdan o'tkazish orqali jismoniy tayyorgarligini oshirishdan iborat.

Pedagogik tajriba ularning kasbiy faoliyatida zarur bo'lgan harakat sifatlarini yaxshilashga qaratilgan urg'uli jismoniy mashqlarni o'tkazish imkoniyatlarini aniqlashdan iborat edi. Pedagogik tajribada Farg'ona shahar tibbiyot yo'nalishidagi professional ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan 2 kurs o'quvchi qizlaridan 2 guruhi ishtirok etdi, jami 40 nafar qizlar. Barcha sinovdan o'tuvchilar tasodifiy tarzda 2 ta guruhga ajratildi.

Pedagogik tajribalarni o'tkazilishi jarayonida yoz oylarida jismoniy mashqlar bilan tashkillashtirilgan mashg'ulotlarda shug'ullanishga jalb qilinmagan birinchi nazorat guruhi o'quvchi qizlarining o'rganilgan ko'rsatkichlari tahlil qilindi Birinchi guruh nazorat guruhi sifatida xizmat qildi va yozgi ta'til davrida ananaviy jismoniy mashqlar bilan shug'ullanishdi (1 jadval).

1-jadval

№	Ko'rsatkichlar	Dastlabki o'lchashlar, may	Yakuniy o'lchashlar sentyabr	Farq	t	R
1	Yugurib kelib uzunlikka sakrash (m)	310,1±28,7	311,3±27,2	+1,0	1,39	>0,05
2	Granata uloqtirish 500 gr. (m.)	18,30±2,9	19,20±2,8	-0,1	1,12	>0,05
3	Oldinga egilish(s)	4,3±2,7	4,4±2,8	-0,1	0,82	>0,05
4	Dinamometriya (etakchi qo'l) kg	24,2±6,0	24,2±6,1	0,0	0,01	>0,05

O'quvchi-qizlarning jismoniy tayyorgarligini o'rganish bo'yicha barcha testlarda harakat tayyorgarligi ko'rsatkichlarida, bahor va kuz oylarida qayd qilingan natijalar bilan taqqoslanganida statistika jihatidan ahamiyatli bo'lgan ijobiy farqlar aniqlanmadi. Biz tomondan amalga oshirilgan tajriba tadqiqotlar o'quvchi-qizlarning jismoniy tayyorgarligi ko'rsatkichlari sezilarli darajada o'zgardi.

Pedagogik tajribalarda olingan natijalarni tahlil qilish, 2 jadval asosida 2 oydan 4 oygacha statik mashqlarni "Ko'chma zina" (mualliflik xuquqini ro'yxatga olish raqami 02058) foydali modelida cheklangan temp va harakat doirasi bilan tana qismlari bo'yicha mashqlantirish imkoniyati kengaytirilgan holda yetti bosqichli uchburchak (Alpinist) metodini qo'llash orqali va o'quvchi-qizlar organizimining yetarli rivojlanmagan muvozanatini tiklash va to'ldirish uchun imkoniyati oshirildi. Jismoniy mashqlar bilan shug'ullanishning taklif qilingan metodikasi zaruriy darajadagi mashg'ulot samarasini berishini aniqlash imkonini berdi.

2-jadval

2 chi pedagogik tajriba guruhi uchun tavsiya etilgan mashg'ulot jadvali

Xafta kunlari	2 chi tajriba guruhi uchun tavsiya etilgan mashg'ulot turlari		Bajarish davomiyligi
	1 (8:00-10:00)	2 (17:00-19:00)	
Duyshanba	Alpinist metodida statik mashqlar majmuasi	Odatiy mashqlar	30/60 daqiqa
Seshanba	Alpinist metodida statik mashqlar majmuasi	Odatiy mashqlar	30/60 daqiqa
Chorshanba	Odatiy mashqlar	Alpinist metodida statik mashqlar majmuasi	60/30 daqiqa
Payshanba	Odatiy mashqlar	Sport o'yinlari	30/20 daqiqa
Juma	Alpinist metodida statik mashqlar majmuasi	Odatiy mashqlar	30/60 daqiqa
Shanba	Odatiy mashqlar	–	60 daqiqa


3-jadval

№	Ko'rsatkichlar	Dastlabki o'lchashlar, may	Yakuniy o'lchashlar sentyabr	Farq	t	R
1	Yugurib kelib uzunlikka sakrash (m)	322,1±26,3	330,4±22,8	+8,0	4,1	<0,01
2	Granata uloqtirish 500 gr. (m.)	21,4±3,8	23,6±3,2	+0,2	1,21	<0,05
3	Oldinga egilish(s)	4,0±3,6	4,9±3,1	+0,9	1,97	<0,05
4	Dinamometriya (etakchi qo'l) kg	31,1±5,1	33,1±4,8	1,9	3,01	<0,01

Olingan natijalarni tahlil qilish an'anaviy jismoniy mashqlar bilan shug'ullangan birinchi guruh o'quvchi-qizlarning ma'lumotlari ikkinchi tajriba guruhi natijalari bilan taqqoslanganda tajriba guruhining barcha nazorat testlarida ijobiy o'zgarishlar sodir bo'lganligi aniqlandi (2-jadval)

Yugurib kelib uzunlikka sakrash testidagi natijalar o'rtacha 8,0 sm.ga (2,53%, $P<0,05$) oshdi. Yetarlicha o'zgarishlar oldinga egilish mashqi ko'rsatkichlarida kuzatildi, unda, sinovdan o'tuvchilarning o'rtacha natijalari 1,9 sm.ga (14,9%, $r<0,01$) oshdi. Dinamometriya kabi kuch ko'rsatkichida statistik jihatdan ahamiyatli farqlar aniqlandi, unda natijalar 31,1±5,2 kg.dan to 32,9±4,9 kg.gacha oshdi va farq 1,9±0,6 kg.ni tashkil qildi. Yoz oylarida statik va unga yaqin xarakterdagi mashqlarni qo'llanilishi tibbiyot profilidagi professional ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan o'quvchi-qizlarning jismoniy holatini yomonlashuvini oldini olishga yetarlicha ta'sir ko'rsatishi aniqlandi.

Jismoniy mashqlar egiluvchanlik va tezkor-kuch sifatlariga ta'sir ko'rsatishi nuqtai nazaridan yetarlicha samarador ekanligi aniqlandi. Bunda, statik gimnastik mashqlarning ta'siri ostida natijalar yaxshilandi va bu, mazkur mashqlarni gipkineziya bilan kurash vositasi sifatida qo'llashga asos bo'ladi. Cho'zilishga, muvozanatni ushlashga yo'naltirilgan va kuch



1-rasm. Tajriba guruhiga tadbiq qilingan (alpinist) metodida statik mashqlar majmuasi, $n=20$

xarakteridagi kombinatsiyalangan mashqlarni nafas mashqlari bilan uyg'unlikda bajarish, alohida mashqlarni bajarish oralig'ida yetarlicha katta tanaffuslarning mavjudligi, ushbu mashqlarni bajarilishini yengillashtiradi va psixologik jihatdan salbiy idrok qilinmaydi.

Xulosa qilib aytganda tibbiyot yo'nalishidagi professional ta'lim muassasalarida o'quvchi-qizlarini mashg'ulot jarayoni uchun ishlab chikilgan va tatbiq qilingan «Ko'chma zina» foydali modeli (mualliflik xuquqini ro'yxatga olish raqami 02058) ishlab chiqilgan yettibosqichli uchburchak (Alpinist) metodini qo'llash 2 tajriba guruhi qizlarida katta ijobiy samara berdi, unda ijobiy o'zgarishlar barcha testlarda kuzatildi. 4 oy oralig'ida ko'rsatilgan natijalardagi farqlar $P < 0,05$ ahamiyatlilik darajasiga ega bo'ldi hamda ularning sinov me'yorlarini bajarishga va bo'lajak kasbiy faoliyatga jismoniy tayyorgarlik darajasini samarali oshirish imkonini berdi.

Adabiyotlar:

1. Jeleznjak Yu.D., Petrov P.K. Osnovi nauchno-metodicheskoy deyatelnosti v fizicheskoy kul'ture i sporte. M. FiS- 2007- 242 s.
2. Zatsiorskiy V.M. Ob amerikanskoj sisteme obrazovaniya (podgotovka kadrov) i nauke o sporte // Teoriya i praktika fizicheskoy kul'ture. - 1997. - №5. - S.52-54.
3. Matveev L.P. Teoriya i praktika fizicheskoy kul'turi: Uchebnik dlya institutov fizicheskoy kul'turi. - M.: Fizkul'tura i sport, 1991. - 543s.
4. Xankel'diev Sh.X. Problema postroeniya normativnix osnov gosudarstvennix standartov po fizicheskomu vospitaniju // «Fan-sportga» 2005 № 1 – S. 20-23.
5. Xankel'diev Sh.X., Uraimov S.R. Fizicheskij status doprizivnoy molodeji (Monografiya) Fergana 2021– 152 s.
6. Xankel'diev SH.X., Uraimov S.R. Teoreticheskie osnovi fizicheskogo statusa (Monografiya) Fergana 2021– 139 s.

РЕЗЮМЕ

Maqolada tibbiyot yo'nalishidagi professional ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan o'quvchi-qizlarni kasbiy faoliyatga jismoniy tayyorgarlik darajasini samarali oshirish bo'yicha taklif etilayotgan metodologiyani tashqi muhitning yuqori harorati sharoitida o'tkazishni hisobga olgan holda qisqa muddatli tayyorgarlik jarayoni o'rganildi.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется процесс краткосрочной подготовки учащихся-девушек обучающихся в профессионально-технических училищах, с учетом предложенной методики эффективного повышения физической подготовленности к профессиональной деятельности в условиях повышенной температуры окружающего воздуха.

SUMMARY

The article explores the process of short-term training of students studying in vocational schools, taking into account the proposed methodology for effective improvement of physical fitness for professional activities in the conditions of high ambient temperature.

ПАРАСПОРТ ТУРЛАРИДА ОЁҚ НОЗОЛОГИЯСИДА АСОСИЙ ҲАРАКАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Миржамолов М.Х.

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети н.ф.б.ф.д (PhD), доцент*

Таянч сўзлар: паралимпия ҳаракати, спорт биомеханикаси, реактив куч, циклик спорт турлари, ҳаракат сифатлари, максимал концентратик куч, машғулот цикли, мусобақа шароити, қувват бўйича таъсир кучланиши.

Ключевые слова: паралимпийское движение, спортивная биомеханика, реактивная сила, циклические виды спорта, двигательные качества, максимальная концентрическая сила, тренировочный цикл, соревновательные условия, воздействие напряжения на силу.

Key words: paralympic movement, sports biomechanics, reactive power, cyclical sports, movement qualities, maximal concentric power, training cycle, competitive conditions, impact tension on power.

Жаҳонда паралимпия спорт турларини техник-тактик жиҳатларини тадбиқ қилиш, спортчиларни асосий мусобақаларга жисмоний, психологик ҳамда функционал кўрсаткичларини яхшилаш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда адаптивжисмонийтарбияваспорт соҳасида йиғилган кўп йиллик назарий ва амалий тажрибалари асосида турли ноанъавий соғломлаштирувчи тизимлардаги машғулотлар билан бирлаштиришга асосланган комплекс усуллар ҳамда уларни назорат қилиш имкониятлари тадбиқ этилмоқда[1,2,3,4]. Кўплаб илмий изланишларда машғулот жараёнинг турли босқичлари учун машғулот режасига мувофиқ восита ва усулларни ишлаб чиқиш, ҳаракат фаоллигини ошириш, захира имкониятларини яхшилаш бўйича муаммолар кенг миқёсда ўрганилганлигига қарамасдан кўп йиллик тайёргарликда паралимпия спортчиларини комплекс назорат қилиш механизмлари старлича очиқ берилмаган.

Спортнинг циклик ва ациклик турларида мускул зўриқилишининг турли сабабларига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин:

А) ҳаракатсизлик шароитида мускуллардаги зўриқилишнинг ортиб кетиши (тоник зўриқиш деб аталадиган зўриқиш ёки гипермиятония);

Б) бўшашиш тезлигининг старлича бўлмаслиги, бунинг натижасида тез ҳаракат қилганда мускул бўшашиб улгураолмаслиги (тезкорлик зўриқиши);

В) старлича такомиллашиб улгурмаган координацион ҳаракат натижасида бўшашиш фазасида мускулнинг ортиқча кўзғалиши (координацион зўриқиш).

Физиологиядан маълумки, ҳатто кўриниб турадиган ҳаракат активлиги бўлмаганда ҳам мускулда озроқ (тонус) зўриқиш бўлади. Бунинг сабаби биринчидан мускул доимий чўзилиш хусусиятига эга эканлиги билан изоҳланса, бошқа тарафдан мускулга деярли ҳар доим эфферент импульслар келиб туради. Бу импульслар кучсиз бўлсада кўзғалишни намоён қилади.

Туғма бир оёқ нозологиясида циклик ва ациклик турларда (паравелоспорт ва парақиличбозлик) асосий ҳаракат фаоллигининг йиллик тайёргарлик кўрсаткичлари ($n=7$)

Асосий курсаткичлар	Мусобақа олди тайёргарлик даври			Мусобақа даври		Ўтиш даври	
Сакраш баландлиги (см)	16,7	18,6	17,4	19,7	20,6	19,6	19,4
Кучланиш даражаси (N)	0,53	0,51	0,55	0,39	0,55	0,59	0,47
Таъсир кучи (W)	0,62	0,60	0,64	0,56	0,79	0,65	0,63
Максимал консентратциякучи (KW)	1,73	1,70	1,82	1,55	1,67	1,95	1,68
Ўртача тезликдаги концентратик куч (м/с)	1,08	1,07	1,09	1,13	1,08	1,11	1,12
Юқорига сакраш тезлиги (м/с)	2,24	2,19	2,33	2,30	2,10	2,40	2,33
Учиш тезлиги (м/с)	2,25	2,18	2,32	2,31	2,11	2,39	2,34

Ациклик турлар бўйича бир оёқ нозологияси бўйича асосан парақиличбозлик билан шуғулланувчи кизларда сакраш баландлиги тайёргарлик даврида аста секин ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу спортчиларни кунлик ҳаракат фаоллигида оёқ мушакларини ривожлантириш билан боғлиқ махсус машғулотларни доимий ўтказилиб бориши натижаларни динамик кўрсаткичларини кўрсатиб бермоқда. Сакраш баландлиги тайёргарлик даврнинг турли босқичларида тўлқинсимон ўзгариш динамикасини кўрсатган бўлса, мусобақа даврига келиб ушбу кўрсаткичлар барқарор ҳолатини сақлаб қолди. Сакраш баландлиги мусобақа даврида 20.6 смни энг юқори кўрсаткични қайд этди. Ўтиш даврида ҳам асосий натижаларни сақлаб қолиниши мусобақадан сўнг машғулотлар режимини ўзгартириш билан бирга тўғри ташкил қилинганлиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Кучланиш даражаси ўтиш даврнинг дастлабки босқичида 0.59 (N) ни ташкил қилган бўлсада, сакраш баландлигидаги асосий натижага нисбатан юқори кўрсаткични сақлаб қолганлиги билан изоҳланади. Таъсир кучи энг юқори натижага пропорционал даражада 0.79 (W) ни айнан мусобақа шароитида олиб борилганлиги билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Максимал консентратция куч кўрсаткичи 1.82 (KW) тайёргарлик даврнинг якуний босқичига тўғри келди. Ўртача тезликдаги концентратик куч кўрсаткичи 1.13 (м/с)ни ташкил қилди. Энг яҳамиятлиси юқорига сакраш тезлиги ўтиш даврига тўғри келмоқда. Ушбу кўрсаткич 2.40 (м/с)ни ташкил қилди. Юқорига сакраш тезлиги қанчалик юқори бўлиши спортчиларни мусобақада ғалаба қозониши учун асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ушбу натижани ўтиш даврида юқори кўрсаткичини содир бўлиши шуғулланувчиларда мусобақа жараёнида психологик босимдан чиқиб кета олмаганлигини кўрсатади. Фазода учиш тезлиги сакраш баландлигини энг юқори нуктасига тўғри келади. Бу кўрсаткич мусобақа даврида 2.11 (м/с)ни ташкил қилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш кераки ушбу тадқиқот натижалари параспортчилар тайёргарлигининг ҳар бир босқичи учун танлаб йўналтирилаётган юкламалар ҳажми ва шиддати ушбу юкламаларни бажариш учун танланган услубиятнинг натижавий имкониятларини яққол номоён бўлишида айрим босқичларда

ёки машғулоти воситаларини алмаштиришни ёки танланган машғулоти режимида спортчининг ҳолатидан келиб чиқиб маълум ўзгартиришларни амалга ошириш кераклигини кўрсатмоқда. Параспортда яна шуниси ҳам аҳамиятлиги машғулоти юклама меъёрларини танлашда биринчидан индивидуаллик тамойилига асосланиб иш кўришни талаб қилса бошқа тарафдан ҳар бир машқни ҳар бир серияси ва машқ давомийлигида табақалаштириш механизмларни талаб қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 18-майдаги ПҚ-5114-сон “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.
2. Svetlichnaya N.K. Integral approach in assessing the functional state of adaptive and healthy physical culture В сборнике: Материалы XXVI Международного научного Конгресса. Под общей редакцией Р.Т. Бурганова. г. Казань, 2021. С. 412-414
3. Собирова Л.Б. Эффективность использования специальных упражнений в профилактике нарушений роста у младших школьников // Academicresearchineducationalsciences. 2021. №5.
4. Юнусов С.А. Особенности периодизации тренировочного процесса высоко квалифицированных парапауэрлифтеров «Фан-Спорта» 2021

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада оёқ нозологияси бўйича параспортчиларнинг ҳаракатланиш имконияти спорт турининг тайёргарлик босқичларида лаборатория маълумотларига асосланиб таҳлил қилинган. Ҳаракат кинематикаси бўйича натижалар илмий жиҳатдан биомеханик кўрсаткичлар асосида ўрганилиб, машғулотларни мақсадли танлаш ва йўналтириш имкониятлари тадбиқ қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируется подвижность параспортсменов по нозология ногна основании лабораторных данных в подготовительном этапе занятий спортом. Результаты кинематики движений научно изучались на основе биомеханических показателей, реализовывались возможности целенаправленного отбора и направленности тренировки.

SUMMARY

In this article, the mobility of para-athletes in terms of foot nosology is analyzed based on laboratory data in the preparatory stages of the sport. The results of movement kinematics were scientifically studied on the basis of biomechanical indicators, and the possibilities of targeted selection and orientation of training were implemented.

СИСТЕМА ПОПУЛЯРИЗАЦИИ И РАЗВИТИЯ СПОРТА ГОЛБОЛ В УЗБЕКИСТАНЕ

Собирова Л.Б.

*Узбекский Государственный Университет физической
культуры и спорта кафедра «Адаптивной физической
культуры и спорта» д.ф.п.н.н. (PhD)*

Таянч сўзлар: голбол, паралимпия, кўзи ожиз, заиф кўрувчилар, адаптив, нозология, спорт таснифлари, имконияти чекланган шахслар.

Ключевые слова: голбол, паралимпия, слепые, слабовидящие, адаптив, нозология, спортивные классификации, люди с ограниченными возможностями.

Key words: golball, paralympics, blind, visually impaired, adaptive, nosology, sports classifications, physical disabilities.

Актуальность. В целях создания в нашей стране необходимых условий для занятий спортом людей с ограниченными возможностями, обеспечения их надлежащего участия в международных спортивных аренах и получения государственной поддержки 18 мая 2021 года было принято Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-№5114 «О дополнительных мерах по развитию паралимпийского движения» также предусматривает увеличение количества лицензий на участие в летних Олимпийских и Паралимпийских играх за счет развития всех видов спорта, в целях обеспечения всесторонней подготовки и успешного участия наших спортсменов в XXXII летних Олимпийских играх и XVII Паралимпийских играх (далее – Олимпийские и Паралимпийские игры) в 2024 году в г. Париж (Франция) принято Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-№5281 от 5 ноября 2021 года «О комплексной подготовке спортсменов Узбекистана к XXXII летним Олимпийским играм и XVII Паралимпийским играм в 2024 году в г. Париж (Франция)».

Эти решения, служат и реализуются в нашей стране как программа для людей с ограниченными возможностями имеющих инвалидность, которые занимаются спортом. На основании этого решения главой нашего государства поручено, создать условия в каждом районе страны для занятий голболом людей с ограниченными возможностями и инвалидностью [1, 2].

Цель исследования: Цель – разработать систему развития и популяризации голбола в Узбекистане.

- Задачи исследования: Выявление людей с нарушениями зрения в Узбекистане;
-отбор слабовидящих и слепых для занятий голболом;
-Организация и проведение занятий по голболу.

Результаты исследования и их обсуждение. Наблюдения за слабовидящими людьми в Республике Узбекистан показывают, что было проведено много исследований по улучшению здоровья и физической подготовленности этих людей. С годами независимости особое внимание уделяется развитию и популяризации физической культуры и спорта в нашей стране.

В последние годы в стране принимаются последовательные меры по развитию физической культуры и спорта, пропаганде здорового образа жизни среди населения, созданию необходимых условий для физической реабилитации людей с огра-

ниченными возможностями и обеспечению достойного участия страны на международных спортивных аренах [3].

Необходимы обширные исследования по отбору слабовидящих людей для занятий голболом и созданию системы правильного развития двигательной активности во время тренировок. В результате нашей обширной научно-методической работы практически отсутствуют сведения об использовании специальных средств и методов в обучении людей с нарушениями зрения [4].

Следует отметить, что отсутствие научно обоснованных рекомендаций по подбору лиц с нарушениями зрения, а также тренировочных средств и нагрузок, имеющих непосредственное отношение к голбольному процессу, определяет актуальность выбранного направления работы [5, 6].

Во многих странах мира проводятся обширные исследования по улучшению физической подготовки людей с нарушениями зрения.

Во многих странах мира на сегодняшний день актуально, научное обоснование системы развития физической подготовленности у слабовидящих людей с использованием специальных физических средств в голбольном спорте.

Голбол был изобретен для пациентов с заболеваниями глаз после Великой Отечественной войны в 1946 году. Игра в голбол впервые была включена в программу Паралимпийских игр 1976 года в Торонто. В 1978 году в Австрии прошел первый чемпионат мира по голболу. Игра голбол проводится между двумя командами. В каждой команде должно быть 3 игрока, и каждая команда может иметь 3 запасных игроков. Игра проводится на прямоугольной площадке спортзала (размеры поля 18м x 9м). Цель игры состоит в том, чтобы команды забили гол в ворота команды соперника. Правила игры регулируются Международной федерацией слепых.

Для развития голбола в Узбекистане предложена 4-ступенчатая система, которая включает в себя следующие этапы:

1-этап. Посетить каждую область Узбекистана и дать представление и объяснение о голболе. Дать каждой команде (области) 2 месяца.

2-этап. Организация республиканского чемпионата Узбекистана и отбор лучших игроков в сборную.

3-этап. Участие в открытом чемпионате за рубежом. Основная цель – набраться опыта.

4-этап. Республика разделена на 4 территории: 1) Ферганская, Андижанская и Наманганская области. 2) Сырдарьинская, Джизакская и Самаркандская области. 3) Бухарская, Сурхандарьинская, Кашкадарьинская области. 4) Навоийская, Хорезмская области и Республики Каракалпакстан в целях изучения каждой области, каждый месяц проходят соревнования между территориями. (цель состоит в том, чтобы развивать и быстро популяризовать голбол в регионах.)

В целях развития голбола в колледжах и спортивных школах олимпийского и паралимпийского резервов во всех областях Республики Узбекистан рекомендуется вышеуказанная система IV ступени. В результате поэтапного внедрения этой системы и выбора вида спорта голбола планируется активизировать деятельность слепых и слабовидящих, а также планировать и проводить спортивно-тренировочные процессы голбольного вида спорта. В целях популяризации этого вида спорта

мы проводим большую научно-практическую работу по созданию межрегиональных гольбольных команд и проведению соревнований.

Вывод, в частности, в Узбекистане предложена четырехуровневая система развития паралимпийских видов спорта и оздоровления населения с целью привлечения их к массовым видам спорта. При формировании отдельных видов спорта для слепых и слабовидящих в социальной прослойке именно гольбол имеет целью повышение их двигательной активности и физических качеств, а также анализаторов пространственного восприятия.

Литература:

1. Bobomurodov, Norpo'lat Shirinovich. "Kurashchilarning jismoniy tayyorgarligi tuzilmalari". Fan va ta'lim axborotnomasi 4-2 (82) (2020).).
2. M.X. Mirjamolov, R.F. Odilov, N.Y. Valiyeva, D.B. Baxtiyrov Ko'rish qobiliyatida nuqsoni bo'lgan talabalarda harakat koordinatsiyasini rivojlantirish uslubiyati // Academic research in educational sciences. 2021. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ko-rish-qobiliyatida-nuqsoni-bo-lgan-talabalarda-harakat-koordinatsiyasini-rivojlantirish-uslubiyati> (дата обращения: 22.01.2022).
3. Ruhiddin Faxriddinovich Odilov, Nilufar Yusufjon Qizi Valiyeva Sensor tizimida nuqsoni bo'lgan bolalar mashg'ulotlarini kompleks nazorat qilish // Scientific progress. 2021. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sensor-tizimida-nuqsoni-bo-lgan-bolalar-mashg-ulotlarini-kompleks-nazorat-qilish> (дата обращения: 13.01.2022).
4. Sh.A. Abdiyev, L.B. Sobirova Imkoniyati cheklangan talaba qizlarni saralangan maxsus jismoniy vositalar yordamida jismoniy tayyorgarligini rivojlantirish samaradorligi «NamDu ilmiy axborotnomasi» 2022. №2.
5. Sh.A. Abdiyev, L.B. Sobirova Tayanch-harakat apparati shikastlangan yuqori malakali ulotiruvchilarni yuklamalarni taqsimlash va mashg'ulot rejalarini ishlab chiqish. Fan-sportga 2021/8.
6. Sherali Hoshimovich G'ofurov Qisqa masofaga yuguruvchi sportchilarni mashg'ulotlarini rivojlantirishning usullari // Scientific progress. 2021. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/qisqa-masofaga-yuguruvchi-sportchilarni-mashg-ulotlarini-rivojlantirishning-usullari> (дата обращения: 22.01.2022).

РЕЗЮМЕ

В статье изложена информация о создании системы развития и популяризации такого вида спорта как гольбол, а так же уделено внимание активизации двигательных действий слепых и слабовидящих людей.

РЕЗЮМЕ

Мақолада гольбол каби спорт турини ривожлантириш ва оптималлаштириш тизимини яратиш ҳақида маълумот берилган, шунингдек, кўзи ожиз ва заиф кўрувчиларнинг ҳаракат кўникмаларини фаоллаштиришга эътибор қаратилган.

SUMMARY

Abstract the article focuses on the development and promotion of the sport of football in Uzbekistan, as well as the activation of the movement of blind and visually impaired people.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 5**
Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 08.008.2022. Форматы
60x84¹/₁₆ «Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шертли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51